

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

УДК _____

Қўл ёзма ҳуқуқида

“Ҳимояга тавсия этилсин”

Магистратура бўлими бошлиғи

т.ф.и., доцент Б.У.Аминов

“20” 05 2019 йил

УБАЙДУЛЛАЕВА ДУРДОНА РАХМОНЖОН ҚИЗИ

МАВЗУ: “ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ШАРТ
КОМПОНЕНТЛИ ГИПОТАКСЕМАЛАРНИНГ
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ”

Магистратура бўлими

5A111401 –Хорижий тил ва адабиёти (Инглиз тили)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:
Филология фанлари доктори,
Профессор
Ғ.М. Хошимов

“Ҳимояга тавсия этилсин”

Инглиз тили ва адабиёти кафедра мудири

Юсуфалиев, Э

“22” 04 2019 йил

Қўқон - 2019

Muqumiy nomidagi Qo`qon Davlat pedagogika instituti Chet tillar fakulteti
Ingliz tili va adabiyoti kafedrasi yig`ilishi bayonnomasidan
KO`CHIRMA

29.05.2019 yil

Qo`qon shahri

Qatnashdilar: kafedra mudiri – E.Yusufaliyev, katta o`qituvchi T.Ataxo`jayev, o`qituvchilar: O.Bektoshev, Z.To`xtasinova, Z.Isaqova, S.Sodiqova, H.Ismoilova va boshqa professor-o`qituvchilar.

KUN TARTIBI:

1. 2018-2019 o`quv yilida 5A111401-Xorijiy til va adabiyoti(ingliz tili) mutaxassisligi magistratura talabalarining magistrlik dissertatsiya ishlarini himoyaga tavsiya etish o`g`risida

Eshitildi: Kafedra mudiri E.Yusufaliyev so`zga chiqib, Xorijiy til va adabiyoti (ingliz tili) mutaxassisligi barcha magistrlik dissertatsiya ishlari O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligining 2009 yil 22 maydagi 160-sonli O`zbekiston Respublikasi oily ta`lim muassasalari bitiruvchilarining yakuniy davlat attestatsiyasi to`risidagi”gi Nizom asosida talab darajasida bajarilganligini aytib o`tdi.

Kafedra yig`ilishi MDI holatini o`rganib chiqib, quyidagicha

QAROR QILADI:

1. 5A111401-Xorijiy til va adabiyoti(ingliz tili) mutaxassisligi magistratura talabalasi Ubaydullayeva Durdona Rahmonjon qizining “Turli tizimdagi tillarda shartli tarkibiy gipotaksemalarning lingvokulturologik jixatlari qiyosiy tadqiqi” mavzusida yozilgan magistrlik dissertatsiya ishi tugallangan deb hisoblansin.

2. Mazkur MDI OAK himoyasiga tavsiya etilsin.

Yig`ilish raisi:

E.Yusufaliyev

Kotib:

F.Qosimova



Ishni bajarish rejasi:

| № | Vazifalarning mazmuni | Bajarish muddati | Kafedrada ijrosi muhokama qilingan aniq sana va ilmiy raxbar imzosi | |
|---|--|------------------|---|---------------------|
| | | | Sana | Ilmiy raxbar imzosi |
| 1 | Hozirgi zamon tishunoshligida qo'shma gaplar tarifi va tasnifi. | | | Muqof |
| 2 | Hozirgi zamon tishunoshligida qo'shma gaplar atomalari va shart komponentli gipotaksemalar masalasi. | | | Muqof |
| 3 | Turki tizimdagil tildarda shart komponentli gipotaksemalar strukturadagi o'zgarishlari tadqiqi. | | | Muqof |
| 4 | Turki tizimdagil tildarda shart komponentli gipotaksemalar tarifi va lingvokulturologik jihatlari tadqiqi. | | | Muqof |
| 5 | Turki tizimdagil tildarda shart komponentli gipotaksemalar. | | | Muqof |
| 6 | shart komponentli gipotaksemalarning funksiyalari haqida. | | | Muqof |
| 7 | Turki tizimdagil tildarda shart komponentli gipotaksemalar. | | | Muqof |
| 8 | Uldning lingvokulturologik aspekti. | | | Muqof |
| 9 | | | | |

Magistrlilik dissertatsiyasi rahbari:

F.f.d. prof. G.M. Xoshimov

Kafedra mudiri

Muqof

Topshiriqni oldim:

.....2018 yil

Topshiriqni MD bilan birga

YaDA komissiyasiga topshirdim:

.....2019 yil



Убайдуллаева Дурдона Раҳмонжон қизининг “Тураи тизимдаги тилларда шарт компонентли гипотаксемалар лингвокультурлогик жиҳатлари қиёсий тадқиқи” мавзусига бағишланган магистрлик диссертациясига илмий раҳбар, ф.ф.д., профессор Ғ.М. Хошимовнинг ХУЛОСАСИ

Мен Убайдуллаева Дурдона Раҳмонжон қизининг «“Тураи тизимдаги тилларда шарт компонентли гипотаксемалар лингвокультурлогик жиҳатлари қиёсий тадқиқи” мавзусига бағишланган магистрлик диссертацияси бўйича илмий раҳбарликни олиб бордим. Илмий ишнинг бажарилиши давомида магистрант Убайдуллаева Д.Р. 2017-2018 ўқув йили бошида тузилиб, тасдиқланган режа бўйича иш олиб борди. У ўтган вақт давомида магистрлик диссертацияси юзасидан мен топширган вазифаларни ва кўрсатмаларни бажаришга ҳаракат қилди. Мен илмий раҳбар сифатида унинг ишини кузатиб бордим.

Убайдуллаева Дурдонанинг илмий иши кириш қисм, уч боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Убайдуллаева Дурдона Раҳмонжон қизининг диссертациясидаги илмий янгилликлар шундан иборатки, унда биринчи бор инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида “Шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингвокультурологик жиҳатларини фойдаловчи тил воситаларининг лингвокогнитив асослари, структурал - семантик ва лингвокультурологик жиҳатлари “ тизимли аснода қиёсланди, уларнинг изоморфик ва алломорфик жиҳатлари аниқланди, уларни тақозо этувчи лисоний ва нолисоний омиллар очиб берилди.

Мен диссертацияни охириги марта кўриб чиққиш орқали кафедра экспертлари томонидан кўрсатилган эътирозлар ва камчиликларни имконият даражасида шогирдим Убайдуллаева Дурдона билан бирга бартараф қилдик.

Убайдуллаева Дурдонанинг магистрлик диссертациясида унинг мавзуси долзарблиги очиб берилган, мақсади, вазифалари, предмети, объекти, материаллари, таҳлил методлари, илмий янгилликлари, илмий ва амалий қиймати талаб даражасида ёритилган. Унинг натижаларидан мазкур соҳада илмий ишлар олиб боришда, лекциялар, семинарлар ўтишда, таржимада ва тил ўқитиш методикаси фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда мен илмий раҳбар сифатида мазкур магистрлик диссертациясини Давлат Аттестацияси комиссияси ҳузурда химоя қилинишига тавсия этаман. Маъсулият билан айта оламани, мазкур магистрлик диссертацияси Вазирлик томонидан қўйилган талабларга жавоб беради, шогирдим Убайдуллаева Дурдонанинг диссертацияси ижтимоий-сиёсий савияси талаб даражасида деб ҳисоблайман ва илмий-амалий қийматларини қафолатлайман. Диссертацияни очиқ химояга тавсия этаман.

**Илмий раҳбар, ф.ф.д.,
профессор:**



Ғ.М.Хошимов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

| | |
|----------------------------------|---|
| Факультет: Хорижий тиллар | Магистрант: Д.Убайдуллаева |
| Кафедра: Инглиз тили ва адабиёти | Илмий раҳбар: ф.ф.д, проф. Ғ.М.Хошимов |
| Ўқув йили: 2017-2019 | Мутахассислиги: 5А 111401- Хорижий тил ва адабиёти(инглиз тили) |

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзу: Турли тизимдаги тилларда шарт компонентли гипотаксемалар лингвокультурологик жихатлари қиёсий тадқиқи

Мавзунинг долзарблиги: мазкур магистрлик диссертацияси қиёсий-типологик кесимда лингвокультурологик нуқтаи назаридан умуман тадқиқ қилинмаган мавзуга бағишланган. Унда биринчи бор турли тизимдаги тилларда шарт компонентли гипотаксемалар лингвокультурологик жихатларини қиёсий-типологик жихатдан таҳлил қилиш кўзда тутилади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: ишнинг мақсади типологик жихатдан ноўхшаш бўлган инглиз ва ўзбек тилларида шарт компонентли гипотаксемалар лингвокультурологик жихатларини қиёсий -типологик нуқтаи-назардан тадқиқ қилиш ва у ёрдамида мулоқатда, ўқитиш жараёнида ҳамда таржимада кечадиган қийинчиликларни бартараф қилишдир.

Илмий ишнинг вазифалари эса қуйидагилардан иборат:

1) ҳозирги замон тилшунослигида эргаш компонентли гипотаксемаларга, шунингдек шарт компонентли гипотаксемаларга турли ёндошувлар ва уларнинг метатели масаласини ўрганиш, улардаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш ҳамда илмий ишнинг долзарблигини асослаб бериш;

2) **ҳозирги замон тилшунослигида шарт компонентли гипотаксемалар** таснифига ёндашувларни танқидий ўрганиш, уларнинг лингво-когнитив асослари ва структурал-семантик жихатларини очиб бериш, шу асосда лингвокультурологик нуқтаи назардан уларнинг янги таснифини ишлаб чиқиш ва тилшунослар ҳукмига ҳавола қилиш;

3) **инглиз ва ўзбек тилларида шарт компонентли гипотаксемаларнинг** лингвокультурологик жихатларини очиб бериш, ўзида у ёки бу тил эгаларининг маданиятини акс эттирувчи **шарт компонентли гипотаксемаларни** топиш, уларни «лингвокультуремалар» сифатида тадқиқ қилиш ва илмий асосда ёритиш;

4) **инглиз ва ўзбек тилларида шарт компонентли гипотаксемалар лингвокультурологик типларининг** тиллараро мутаносиблигини аниқлаш, таржима назарияси ва амалиёти учун тегишли тавсиялар бериш;

5) **инглиз ва ўзбек тилларида шарт компонентли гипотаксемалар лингвокультурологик қирраларининг** изоморфик ва алломорфик жихатларини тадқиқ қилиш, уларни тақозо этувчи лисоний ва нолисоний омилларини очиб бериш;

6) **инглиз тилидаги шарт компонентли гипотаксемалар лингвокультурологик типларини** ўзбек ўрта, олий мактаблари ва колледжларида ўқитиш бўйича услубий тавсиялар ва машқлар тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети: илмий ишнинг объекти бўлиб **инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт компонентли гипотаксемалар лингвокультурологик жихатлари** саналади, унинг предметини эса мазкур гапларнинг **структурал-семантик, коммуникатив-прагматик** ва лингвокультурологик табиати ташкил этади.

Тадқиқот услубияти ва услублари: илмий ишнинг методологик асоси - услубиятини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги

фармонининг "Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш" ҳақидаги қарорлари ташкил этади. Шунингдек, Ватанимизнинг нуфузли олимларидан Ў.К.Юсупов, А.А.Абдуазизов, М.Э.Умархўжаев, Д.У.Ашурова, А.М.Бушуй, Г.Ҳ.Бақиева, А.Э.Маматов, Т.А.Бушуй, Ш.С.Сафаров, Ш. Раҳматуллаев, М.И.Расулова, А.А. Нурмонов, Ғ.М.Ҳошимов ва бошқалар; рус олимларидан А.В.Кунин, В.В.Виноградов, И.Р.Гальперин, И.И.Мещанинов, Ю.В.Рождественский ва бошқалар; америкалик олимлардан Ж.Лакоф, Р.Жакендофф, У. Крофт, Т.В.Дйек, Дж. Лич ва бошқалар; француз олимларидан Э.Бенвенист, Л. Теньер ва бошқалар; чех олимларидан В.Матезиус, В.Скаличка ва бошқа кўплаб тилшунос олимларнинг бизни қуршаб турган объектив борлиқдаги воқеа ва ҳодисаларни тиллар воситасида ақс эттириш техникаси ҳамда усуллари ҳақидаги илмий изланишлари ҳам ишга методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ишнинг илмий таҳлил усуллари: ишнинг илмий таҳлил усуллари қиёсий-чоғиштирма, типологик, семантик компонентларга ажратиб таҳлил қилиш, зидлаштириб таҳлил қилиш, трансформацион, моделлаштириш (қолиплаштириш), дистрибутив, контекстуал, майдон бўйича таҳлил қилиш, индуктив, дедуктив, статистик ва бошқа методлар ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: ишнинг илмий янгилиги шундан иборат бўладики, унда биринчи бор инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида **шарт компонентли гипотаксемаларнинг** лингвокогнитив асослари таҳлил қилинади, структурал - семантик ва лингвокультурологик жиҳатлари тизимли аснода қиёсланади, уларнинг изоморфик ва алломорфик жиҳатлари аниқланади, уларни тақозо этувчи лисоний ва нолисоний омиллар ҳам очиқ берилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи: илмий изланишнинг амалий аҳамияти шундан иборат бўладики, унинг қиёсий-типологик таҳлилидан келиб чиқувчи натижалари ва хулосаларидан назарий ва амалий таржимада, унинг маъруза ва семинар машғулотларида, луғатшуносликда, ўқув муассасаларида инглиз тилини ўқитишда, соҳа учун

дарсликлар тузишда мавжуд муаммоларни бартараф килишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг материали: тадқиқотнинг материали сифатида замонавий инглиз, ўзбек ва бошқа ёзувчилар бадний асарлари, соҳа материаллари, замонавий матбуот воситалари, шунингдек соҳа нуфузли луғатларидан танлаб олинган шарт компонентли гипотаксемаларга оид эмпирик мисоллар олинади.

Ишнинг тузилиши ва таркиби: мазкур илмий иш кириш қисм, уч боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлади.


Илмий раҳбар:



ф.ф.д., проф. Ғ.М. Ҳошимов

(ИМЗО)

Магистратура талабаси:



Убайдуллаева. Д

(ИМЗО)

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN
KOKAND STATE PEDAGOGICAL INSTITUTE NAMED AFTER
MUKIMI**

| | |
|--|---|
| Faculty: Foreign languages Chair: English language and literature Years of schooling: 2017-2019 | Student of the master's course: Д. Ubaydullayeva Scientific supervisor: Doctor of Philology, prof. G.M. Hoshimov Speciality: 5A 111401 Foreign languages and literature (linguistics) |
|--|---|

ANNOTATION OF THE DISSERTATION

The theme of the dissertation: Comparative study of the linguoculturological aspect of the conditional hypotaxemes in non-related languages.

The actuality of the research work: the dissertation is devoted to the theme that has not yet ever clearly been from linguoculturological point of view in in the subject of investigation. It is the first and attempt which presupposes foremost the comparative typological study of the linguoculturological aspect of the conditional hypotaxemes in non-related languages.

The purpose and the tasks of the research are: the purpose of the research is to study linguoculturological features of the conditional hypotaxemes from comparative-typological point of view in such non-related languages as English and Uzbek, reveal their isomorphic and allomorphic features in the compared languages, work out the possible ways of translating the hypotaxemes from one language into the other and work out methodical recommendations for teaching English at Uzbek schools.

The tasks of the research are: 1) to critically study various approaches to the conditional hypotaxemes in such non-related languages as English and Uzbek ;

2) to compare and reveal the isomorphic and allomorphic features of the conditional hypotaxemes in non-related languages and to critically study various disclose the factors conditioning them; 3) to work out methodical recommendations for translation and teaching processes based on the results of the comparative study of the systems of the conditional hypotaxemes in English and Uzbek for linguodidactic purposes.

The object and the subject matter of the research: the object of the research is the linguoculturological features of the conditional components of hypotaxemes in English and Uzbek languages and the subject matter of it is the structural –semantic, communicative-pragmatic and linguoculturological nature of the conditional hypotaxemes in the above mentioned languages.

The methodology and methods of the research: as the methodological basis of the research there serve the decrees by President of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev on development of education and science, “ On Uzbekistan Development Strategy” which is about Uzbekistan’s Five-Area Development Strategy for 2017-2021 and as well as the scientific research works by such renowned Uzbekistan scholars as U.K.Yusupov, A.A.Abduazizov, M.E.Umarxo’jayev, D.U.Ashurova, A.M.Bushiy, G.H.Baqiyeva, A.E.Mamatov, T.A.Bushiy, Sh.S.Safarov, Sh.Rahmatullayev, M.I.Rasulova, A.A.Nurmonov, G.M.Hoshimov etc; and such famous Russian scholars as A.V.Kunin, V.V.Vinogradov, I.P.Galperin, I.I.Meshaninov, Yu.V.Rojdestvenskiy, etc; and such English and American scholars as J.Lakof, R.Jakendoff, U.Kroft, T.V.Dek, J.Lich, etc; and such renowned French scholars E.Bennevist, L. Tener, etc; and such renowned chex linguists as V.Mathesius, V. Sckalichka on the ways and technique of verbalizing the surrounding objective word by means of language verbalisers, mainly by sentences.

The methods of scientific analysis are: comparative-typological, structural-semantic method, oppositional, transformational methods, distributive, method of modelling contextual, field, statistic methods, inductive and deductive etc.

The scientific novelty of the research: for the first time on the material of the English and Uzbek languages the metanotions, metaterms, metatheory and

metalanguages of the research on the conditional hypotaxemes in English and Uzbek have been created, their structural-semantic, communicative-pragmatic, linguoculturologic features have been compared, their isomorphic and allomorphic features, the degree of the interlanguage correspondence, and the ways of translating the conditional hypotaxeme from one language into the other and teaching them at Uzbek schools have been revealed.

The practical importance of the research and its practical embed: the practical importance of the research lies in that its results maybe extensively used in studying the courses of “ Comparative Typology of English and Mother tongue (Uzbek)”, “Theory of Grammar”, “ Theory and Practice of translation”, “ Methods of teaching English”, compiling textbooks and other linguodidactic manuals.

The material of the research: as a material for the research the conditional hypotaxemes in English and Uzbek gathered from the fiction, taken from the mass media materials, internet and from the renowned dictionaries have been used.

The structure of the work: it consists of an introduction, three chapters, general conclusion and bibliography.

In **the introduction** the author outlines the actuality priority of the research topic, its subject matter, objectives, and tasks, its object, materials and the scientific novelty, methodological basis and research methods.

The first chapter of the dissertation is called “The General theory of the Composite sentences and the problem of the Complex sentence with adverbial clauses in Modern Linguistics” and it critically reviews the little research, rather some remarks on the theme, shows their successes and shortcomings and this way the scientific direction, aims and tasks of the research have been outlined.

The second chapter of the research is called “The Comparative study of the linguoculturological aspect of the conditional hypotaxemes in non-related languages” and it is devoted to the definition, disclosure of the structural-semantic, communicative-pragmatic and linguoculturological characteristics of the conditional hypotaxemes in the compared languages.

The third chapter of the research is called “The features of translation and linguodidactics of the conditional hypotaxemes in non-related languages” and it reveals the isomorphic and allomorphic features of the conditonal hypotaxemes in the compared languages and the factors causing them, and disclosure their translation and linguodidactic problems contains methodical recommendations for teaching English conditional hypotaxemes at Uzbek schools, etc.

General conclusions: In general conclusions the practical and scientific results of the research, the degree of the practical and theoretical embed have been generalized, and the perspectives of the further research have been outlined.

Scientific supervisor:  _____ **Doctor of Philology,**
(signature) **prof. Hoshimov.G.M.**

Student of master course:  _____ **D.Ubaydullayeva**
(signature)



МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
КОКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ ИМЕНИ МУКИМИ

| | |
|--|---|
| Факультет: Иностранных языков | Магистрант: Д. Убайдуллаева |
| Кафедра: Английский язык и литература | Научный руководитель: доктор фил. наук, проф. Г.М. Хошимов |
| Учебный год: 2017-2019 | Специальность: 5А 111401- иностранный язык и литература (английский) |

АННОТАЦИЯ МАГИСТЕРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ

Тема: Сравнительное изучение лингвокультурологических аспектов условных сложноподчинённых предложений в разных языках.

Актуальность темы: Магистерская диссертация посвящена тому, что еще явно не было предметом исследования. Это прежде всего попытка, которая предполагает сравнительное типологическое изучение лингвокультурологического аспекта условных сложноподчинённых предложений в не родственных языках, таких как английский и узбекский.

Цель и задачи исследования: Цель исследования является изучение лингвокультурологических аспектов условных сложноподчинённых предложений на таких не родственных языках, как английский и узбекский языках, выявить их изоморфные и аноморфные особенности в сравниваемых языках, разработать возможные способы перевода лингвокультурологического аспекта условных сложноподчинённых предложений с одного языка на другой и разработать методические

рекомендации по преподаванию условных сложноподчинённых предложений английского языка в узбекских школах.

Задачами исследования являются:

- 1) Критически изучить различные подходы к лингвокультурологическому аспекту условных сложноподчинённых предложений в не родственных языках, таких как английский и узбекский;
- 2) сравнить и выявить изоморфные и алломорфные особенности сложноподчинённых предложений в не родственных языках и выявить их лингвокогнитивные основы и структурно-семантические аспекты;
- 3) разработать методические рекомендации для процессов перевода и обучения на основе результатов сравнительного изучения лингвокультурологического аспекта условных сложноподчинённых предложений на неродственных языках на английском и узбекском языках в лингводидактических целях.

Объект и предмет исследования. Объектом исследования является лингвокультурологический аспект условных сложноподчинённых предложений в английском и узбекском языках, а его предметом является структурно-семантический, коммуникативно-прагматический и лингвокультурологический в указанном выше.

Методология и методы исследования. методологической основой исследования служит указ Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиева о Стратегии действий «Стратегия действий по приоритетам развития республики». Узбекистана в 2017-2021 гг. «Развитие». А также научно-исследовательские работы таких известных узбекских ученых, как Г.М.Хошимов, Ю.К.Юсупов, А.А.Абдуазизов, М.Э.Умарходжаев, Д.У.Ашурова, А.М.Буши, А.А.Нурмонов, С.Р. Рахимов, Г.Х.Бокиева, А.Е. Ш.Сафаров, Ш.Рахматуллаев, М.И.Расулова и др. ; и такие известные российские ученые, как И.И.Мешанов, А.Б.Кунин, В.В.Виноградов, И.Р.Гальперин, Б.А.Серебренников, Б.А.Успенский, А.Ю. Маслова, З. Д. Попова, В. Руднев, Б. А. Ильиш, Л. С. Бархударов, Г. Г. Почепцов, О.

Джесперсен, Х. Свит, П. Робертс, Н. Чомский, Дж. Лакофф, В. Croft, Т.В. Дйек, J.Leech, такие известные чешские лингвисты, В.Матезий, В. Щаличка о путях и технике вербализации окружающего объективного мира с помощью языковых вербализаторов, преимущественно предложениями.


Методы научного анализа: сравнительный, типологический, оппозиционный, трансформационный, метод моделирования, распределительный, контекстный, полевой, статистический, индуктивный, дедуктивный и др.

Научная новизна исследования: впервые на материале английского и узбекского языков созданы метаноции, метатермы, метатеория и метаязык исследований условных сложноподчинённых предложений на английском и узбекском языках, их структурно-семантические, коммуникативно-прагматические особенности были сопоставлены лингвокультурологические учения, выявлены их изоморфные и алломорфные особенности.

Практическая значимость исследования и его практическое вложение: Практическая значимость исследования заключается в том, что его результаты могут быть широко использованы при изучении курсов «Сравнительная типология английского языка и родного языка (узбекский)», «Теория грамматики», «Теория и практика перевода», «Методика обучения», составление учебников, других лингводидактических пособий и др.

Материал исследования: в качестве материала для исследования использованы условных сложноподчинённых предложений на английском и узбекском языках, взятые из художественной литературы, интернета и словарей.

Структура работы: состоит из введения, трех глав, общего заключения и списка литературы.

Научный руководитель:  доктор фил. наук,
проф. Г.М. Хошимов.

Магистрант:


(подпись)

(подпись)

Д. Убайдуллаева

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма хуқуқида

УДК _____

Убайдуллаева Дурдона Рахмонжон қизи

**ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ШАРТ КОМПОНЕНТЛИ
ГИПОТАКСЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ
ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Магистратура мутахассилиги: 5A111401 Хорижий тиллар (инглиз тили)

Иш кўриб чиқилди

ва ҳимояга қўйилди,

“Инглиз тили ва адабиёти”

Кафедраси мудири: Юсуфалиев. Э

“ ____ ” _____ 2019 йил

Илмий раҳбар

филология фанлари доктори, профессор

Ғ.М.Хошимов

ҚЎҚОН – 2019

МУНДАРИЖА

| | |
|---|---------------------|
| КИРИШ | 3-8 |
| БИРИНЧИ БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ҚЎШМА ГАПЛАР УМУМИЙ НАЗАРИЯСИ ВА ҲОЛ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР МАСАЛАСИ | 9-31 |
| 1.1.Ҳозирги замон тилшунослигида қўшма гаплар таърифи ва таснифи.... | 9-25 |
| 1.2.Ҳозирги замон тилшунослигида қўшма гаплар атамалари ва шарт компонентли гипотаксемалар масаласи..... | 25-30 |
| Биринчи боб бўйича хулоса | 30- 31 |
| ИККИНЧИ БОБ. ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ШАРТ КОМПОНЕНТЛИ ГИПОТАКСЕМАЛАР ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ | 32-79 |
| 2.1. Турли тизимдаги тилларда шарт компонентли гипотаксемалар структурал- семантик жиҳатлари қиёсий тадқиқи..... | 32-48 |
| 2.2.Турли тизимдаги тилларда шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингвокультурологик жиҳатлари қиёсий тадқиқи..... | 48-78 |
| Иккинчи боб бўйича хулоса | 78- 79 |
| УЧИНЧИ БОБ. ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ШАРТ КОМПОНЕНТЛИ ГИПОТАКСЕМАЛАРНИНГ ТРАНСЛЯТОЛОГИК ВА ЛИНГВОДИДАКТИК ЖИҲАТЛАРИ | 80-108 |
| 3.1.Турли тизимли тилларда шарт компонентли гипотаксемаларнинг транслятологик аспекти..... | 80-94 |
| 3.2.Турли тизимли тилларда шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингводидактик аспекти..... | 95-107 |
| Учинчи боб бўйича хулоса | 107- 108 |
| УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР | 109-113 |
| ҲОЛДА ҚИЛДИРИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ | 114-118 |

Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш: узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:

жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш; ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш. [Мирзиёев. Ш.М. ПФ-4947-сон 07.02.2017.]

Мамлакатимизда таълим-тарбия олаётган мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

[Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1998 йил, 5-бет]

Диссертатсия мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги:

“Шарт компонентли гипотаксемалар” лингвокультурологик ҳамда коммуникатив-прагматик жихатларига эга бўлиб, турли тизимли тилларда турли хил шарт субординаторлар орқали ифодаланиши мумкин. Бизнинг дастлабки таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, тилларда шарт компонентли гипотаксемалар ва уларнинг ҳар икки тилдаги яъни инглиз ва ўзбек тилларидаги янги пайдо бўлган боғловчилари миллат маданияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Соҳага алоқадор мавжуд махсус адабиётларда турли тизимли тилларга мансуб бўлган замонавий инглиз ва ўзбек тилларида кондиционал компонентли гипотаксемаларнинг (ККГ) структурал-семантик турлари

тадқиқ қилиш бўйича бир қатор илмий ишлар амалга оширилган, лекин мазкур гипотаксемаларнинг мавжуд турлари ва лингвокультурологик жихатлари алоҳида олинган илмий изланиш объекти сифатида ўрганилмаган (И. П. Крылова, 1986; У. К. Юсупов, 1971; Н. А. Кобрина Е. А. Корнеева 1965; Л. С. Дротвинас 2011, Г. А. Абдурахмонов 1960; М.А. Асқарова. 1961; Н.Махмудов, 1995; Н. Махмудов, А..Нурмоиов, 1995 ва б.қ.)

Юқорида санаб ўтилган, ўз ечимини ҳанузгача кутаётган бир қатор муҳим масалаларнинг мавжудлиги илмий иш мавзусининг долзарблигини белгилайди, ваҳоланки мазкур масалаларнинг қиёсий кесимида тадқиқ қилиниши ўқув муассасаларида хорижий тилларни ўрганишда, таржима назарияси ва амалиёти, шунингдек ўқитишнинг лингводидактик аспекти билан узвий боғлиқ бўлган, шу пайтгача мавжуд бўлиб келаётган бир қатор қийинчиликларни бартараф қилиш ва тегишли лингводидактик тавсиялар ишлаб чиқишга пухта замин яратади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: турли тизимли тилларда шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингвокультурологик ва коммуникатив-прагматик жихатларини тадқиқ этиш, уларнинг умумий ва хусусий жихатларини очиб бериш ва шу йўсинда мазкур гипотаксемаларни хусусий, қиёсий ва умумлисоний назариясини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: шу билан белгиланадики, алоҳида олинган айрим (инглиз ва ўзбек) тилларда қўшма гаплар ва уларнинг турлари масаласи, структурал-семантикаси баъзи тадқиқотлар объекти қилиб олинган, лекин, уларнинг лингвокогнитив асосларини очиб бериш ва шу асосда лингвокультурологик нуқтаи назардан уларнинг янги таснифини ишлаб чиқилмаган ваҳоланки мазкур гипотаксемаларнинг лингвокультурологик ҳамда уларнинг коммуникатив-прагматик жихатлари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Биз ўз тадқиқотимизда юқорида изланишлар олиб борган тилшунос олимлар эътиборидан четда қолган шарт компонентли гипотаксемаларнинг антропоцентрик тавсифи билан чамбарчас

боғлиқ бўлган уларнинг лингвокультурологик ва коммуникатив-прагматик жихатарини ва унинг долзарб масалалари ва муаммолари ечимини беришга ҳаракат қиламиз. Ҳозирги кунга қадар қўшма гаплар борасида тилшунослик соҳасида бир қатор изланишлар олиб борган ўзбек тилшунос олимлардан У. Юсупов, Ў. Ҳошимов, Ғ.М.Ҳошимов, М. Абдувалиев, Т. Умрзақов А. Нурмонов, Н. Маҳмудов, (в) ва бошқа хорижий тилшунос олимлардан Л. Бархударов, Б. Ильиш, И. Иванова, Б. Хаймович, Б. Рогвская, Х. Свит ва бошқаларнинг бетакрор илмий изланишларига таяниб, тадқиқотлар олиб боришга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқот объекти: Тадқиқот объекти ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт компонентли гипотаксемаларнинг антропоцентрик тавсифи остидаги лингвокультурологик жиҳатлари саналади, ҳар икки тилдаги шарт компонентли гипотаксемаларда шарт субординаторлари билан фарқланувчи лингвокультурологик хусусиятларнинг борлиги кўзда тутилади.

Тақиқот предмети: Тадқиқотнинг предмети шуки, инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт компонентли гипотаксемаларнинг қиёсий кесимдаги лингводидактик масалалари, уларни мактаблар, коллежлар, литсейлар ва олий ўқув юртлирида амалий ҳамда назарий ўқитишни кўзда тутлади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси шундаки, бу мавзу биринчи бор илмий асосда ҳамда, биринчи бор қиёсий таҳлилда инглиз (аналитик тил) ва ўзбек (агглютинатив тил) тиллари асосида тадқиқ этилмоқда. Унда биринчи бор инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий кесимида шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингвокультурологик ҳамда коммуникатив-прагматик жиҳатлари пухта ўрганилди ҳамда қиёсий типологик назарияси яратилди, уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш ва мактабларда ўқитиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Илмий иш асосида илк бор қуйидагилар амалга оширилди: 1) Шарт компонентли гипотаксемаларнинг янги таснифи берилди

2) Шарт компонентли гипотаксемаларнинг изоморф ва алломорф томонлари очиб берилди 3) Шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингвокултурологик назарияси кучайтирилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи: Илмий изланишнинг натижаларидан умумий, қиёсий –типологик тилшунослик, таржимашунослик, тил ўқитиш методикаси курсларида кенг фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузулиши ва таркиби: Изланишнинг тузулиши ва таркиби: кириш қисм, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Илмий ишимизнинг биринчи боби “Ҳозирги замон тилшунослигида кўшма гаплар умумий назарияси ва ҳол эргаш гапли кўшма гаплар масаласи” деб номланган бўлиб, унда кўшма гапларнинг тавсифи ва таснифи, уларнинг терминологик аппарати ва метатили, шунингдек шарт компонентли гипотаксемалар масаласи ва уларнинг кўшма гаплар қаторидаги ўрни ва мақоми очиб берилган бўлиб, шу йўсинда диссертациянинг назарий йўналишлари аниқлаб олинган.

Илмий ишимизнинг иккинчи боби “Турли тизимли тилларида шарт компонентли гипотаксемалар лингвокултурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи” деб номланиб, қиёсланаётган тилларда мазкур гипотаксемаларнинг структурал-семантик турларини аниқлаб ва уларнинг лингвокултурологик тавсифи ва таснифини ишлаб чиқиб, мазкур тил бирликларининг коммуникатив-прагматик табиати очиб берилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби эса “Турли тизимли тилларида шарт компонентли гипотаксемаларнинг транслятологик ва лингводидастик жиҳатлари” деб номланган бўлиб, қиёсланаётган тилларда гипотаксемаларнинг ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатлари асосида уларнинг тиллараро мутаносиблиги ва номутаносиблиги масаласи, яъни уларнинг таржимасига тегишли тўғри ечимлари берилган ва олий мактабда ўқитиш

жараёнига тегишли бир қатор эффектив методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган, машқлар тизими яратилган.

Диссертациянинг умумий хулосаларида шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари ҳамда уларнинг қиёсий типологик тадқиқотидан келиб чиқувчи илмий-назарий ва амалий-услубий хулосалар берилган.

БИРИНЧИ БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ҚЎШМА ГАПЛАР УМУМИЙ НАЗАРИЯСИ ВА ҲОЛ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР МАСАЛАСИ

1.1. Ҳозирги замон тилшунослигида қўшма гаплар таърифи ва таснифи

Тил инсонлар орасидаги алоқа воситаси бўлиб, у ёрдамида кишилар ўз фикрини, мақсад, ҳис-ҳаяжонларини ифодалайдилар, мулоқот ва муносабатга киришадилар. Фикр турлича ифодаланади: содда ёки қўшма гаплар, мураккаб қўшма гаплар орқали, дарак, сўроқ, буйруқ, ундов гаплар воситаси билан икки ёки бир составли гаплар ёрдамида, тўлиқ ёхуд тўлиқсиз гаплар орқали ифодалиниши мумкин. Бу шаклларнинг тури фикрнинг хусусиятига маълум мақсадга кўра белгиланади. Аммо гап қандай шаклда бўлмасин унда кишининг маълум мақсади ифодаланади. Бундан хатто ундов ёки сўроқ гаплар ҳам мустасно эмас. Бинобарин тил ҳам ўз навбатида фикрга, онга таъсир этади, уни шакллантиради, кенгайтиради, чуқурлаштиради. Фикр, онг ва тил ўзаро алоқада шаклланади, намоён бўлади, тараққий этади. Шулардан келиб чиқиб тил бирликларининг асоси бўлган гап ҳақида ўз фикрларимизни баён этмоқчимиз.

Гап ҳақида гапирар эканмиз, аввало унинг таърифига тўхташимиз

жоиздир. Гап нисбий фикр тугашига ва предикативликнинг мавжуд бўлиши ҳамда у грамматик жиҳатдан маълум қонун ва қоидалар асосида шаклланиши, ўзига ҳос оҳангга эга бўлиши шарт. Гапнинг бу хусусиятлари кўпчилик тиллар учун умумийдир. Аммо бу белгиларнинг турли тилларда намоён бўлиши, аҳамияти, ўрни турличадир. Ҳар бир гап маълум мақсад ва фикрни ёки ҳис-ҳаяжонни ифодалайди, акс ҳолда гап эмас, сўз бирикмаси бўлиб қолади.

Гап бўлиши учун, албатта, эгаси билан шахсда, сонда мослашган феъл бўлиши шарт эмас. Маълум мақсад фикр ифодаланган, предикатив муносабати мавжуд бўлган қурилмалар ҳатто айрим сўзлар ҳам гап саналади.

Spring! Баҳор!

Birds! Қушлар!

Гап грамматик жиҳатдан тузилишига кўра ўзига хос бир қурилмани ташкил этади. Инглиз ва ўзбек тилларида гапларни қуйидаги гуруҳларга ажратамиз.

| | |
|--------------------|-----------------------|
| Simple sentence | содда гап |
| Complex sentence | эргаш гапли қўшма гап |
| Compound sentence | боғланган қўшма гап |
| Composite sentence | қўшма гап |

Инглиз тилида содда гаплар ўзбек тилидаги содда гаплар тизимига мос келади.

The priest looked up. The priest shook his head.

Рухоний менага қаради. Рухоний бошини силкитди. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 4]

Биз ҳозирги пайтдаги қўшма гапларни ўрганиб уларни қиёслашга ҳаракат қиламиз. Тилшуносликда бу турдаги гаплар кўпчилик олимлар томонидан ўрганиб келинаётган ҳодисалардан биридир.

Қўшма гаплар ва уларга таърифлар кўплаб олимлар томонидан анча йиллардан бери талқин қилиб келинаётган бўлсада, ҳозирги кунда ҳам бу

масала муҳокамали мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

XIX асрнинг ўрталарида гаплар тузилишига кўра таснифланган ва улар мураккаб гапларни ташкил этган бўлақлар “Clause” лар эга ва кесимдан иборат эканлигини кўрсатганлар. Бу масала билан Ҳуз, Фруз каби олимлар ҳам шуғулланганлар.

Ҳозирги кунга қадар эргаш гапли қўшма гаплар борасида тилшунослик соҳасида бир қатор изланишлар олиб борилган. Масалан: Л. Бархударов, Б. Ильиш, И. Иванова, Б. Хаймович, Б. Рогвская, Х. Свит ва бошқа хорижий тилшунос олимлар турли боғловчи воситаларнинг қўшма гапларда тутган ўрни ва қўлланилиши бўйича илмий изланишлар олиб боришган бўлса, охирги пайтларда ўзбек тилшунос олимлардан У. Юсупов, Ў. Ҳошимов, Ғ.М.Ҳошимов, М. Абдувалиев, Т. Умрзақов ва бошқалар эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг турларини ўрганиш ва таснифлаш бўйича илмий изланишлар олиб борган.

Филология фанлари доктори, профессор У. Юсупов содда ва қўшма гапларни таснифлаб берган ва уларни таҳлили билан иш олиб борган. Унга кўра содда гаплар тилнинг энг кичик синтактик бирлиги ҳисобланса, қўшма гаплар йирик синтактик birlik деб ҳисобланган. У ўз навбатида қўшма гапларнинг 14 та турларини санаб ўтган: *subject, predicate, object, time, place, cause, result, manner, comparison, degree, condition, concession, purpose clauses*. [У. К. Юсупов, 31:83]

Филология фанлари доктори, профессор Ғ. М. Хошимов ҳам қўшма гапларни бир неча тиллар асосида қиёсий таҳлил қилган. У дастлаб содда гапларни монотаксема бирлиги остида келишини таъкидлаб, уларни битта эга ва битта кесим асосида келган гаплар деб ҳисоблайди. Таркибида икки ёки ундан ортиқ эга ва кесим асосида қурилган гапларни политаксема бирлиги сифатида таҳлил қилган [Ғ. М. Хошимов, 27:35].

Политаксемалар ўз навбатида таркибидаги бош ва эргаш гапларнинг маъно жиҳатига кўра ҳар-хил турларга бўлиниб келиши натижасида турли

политаксемик бирликларни ҳосил қиладилар. Бунга мисол қилиб, кўшма гаплар ва уларга турдош гапларни политаксема бирлиги сифатида ўрганган ва таснифлаган. Кўшма гаплар ҳам ўз навбатида таркибида турли мазмунда келган ва ҳар-хил турдаги политаксемик бирликларни ўз ичига олади.

Ҳар бир тилда синтактик бирликларнинг умумий инвариант (универсиал) турлари мавжуд [Ғ.М. Хошимов, 27:13]. Бундай турларга фразема (сўз бирикмаси) ва гап каби синтаксемалар киради. Гаплар тузилишига кўра содда гап ва кўшма гапларга бўлинади. Кўшма гаплар ҳам ўз навбатида боғланган кўшма гап ва эргашган кўшма гапларга бўлинади.

Кўшма гап қисмларининг икки хил бирикиш усуллари мавжуд:

А) Паратаксис (parataxis)

В) Гипотаксис (hypotaxis)

Паратаксис - грекча сўз бўлиб, боғланиш, қатор тизиш деган маънони ифодалайди. Бундай қурилмалар қисмлари орасида турли мазмун муносабатларининг ифодаланишида шу қисмлар таркибидаги гап бўлақларининг маъноси ва ўринлашиши, уларнинг семантик ва грамматик ўзаро муносабати, айрим лексик элементларнинг қўлланилиши, гапларнинг интонатсияси каби омиллар асосий рол ўйнайди.

Ушбу қўл қалбларда мухаббатни алангалатади ва меҳнат қилаётганлар ва ором олаётганлар ва хазина излаётганлар учун, ҳамма-ҳамма учун эгизак руҳларни, эгизак жонларни топиб туташтиради. [П.Коело. Акимёгар, 103 б.]

He taught his own language and I taught drawing. [W.Collins. Women in White, p 3]

Гипотаксис сўзи ҳам грекча бўлиб, гапларнинг ўзаро эргаштирувчи воситалар ёрдамида тобелашишини англатади. Эргаш гап бош гап изоҳлайдиган ва мазмунан унга тобе бўлган қисмдир. Эргаш гап турли тобелаштирувчи воситалар ёрдами билан бош гапга боғланади.

Шунча йўл босиб келса-ю, умидлари саробга айланса. [П.Коело. Алкимёгар,

100 б.]

I knew that I ought to consider myself very fortunate if I succeeded in securing employment. [W.Collins. The women in white, p 11]

Инглиз тилида қўшма гаплар атамаси илк бор Поутсма томонидан боғланган (compound) ва эргаш гапли қўшма гапларнинг (composite) ҳар иккаласи учун ҳам қўлланилган ва бунинг натижасида содда (simple), боғланган (compound) ва эргаш гапли (composite) қўшма гаплар классификацияси вужудга келган. Бу классификация инглиз грамматикасида XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлди. Лекин анъанавий тил вакиллари бошиданок бу таснифда боғланган қўшма гапга берилган таърифнинг тўғри эмаслигини англаб етишган. Уларнинг фикрича боғланган қўшма гаплар синтактик жиҳатдан мустақил бўлган, тенг боғланган гаплардан ташкил топади. Бизга маълумки, ҳозирда боғланган қўшма гап яхлит синтактик бутунликдир.

In the dark it was like summer lightning, but the nights were cool and there was not the feeling of a storm coming. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 2]

Инглиз тили қўшма гапларини таснифлашда барча тилшуносларнинг қарашлари мавжуд. Жумладан, Н.А.Кобрина, Э.А.Корнеевалар қўшма гапларнинг қуйидаги турлари мавжудлигини кўрсатадилар.

1. The Compound Sentences
2. Linked Independent Sentences
3. The Complex Sentence.
4. Structural Patterns of the Complex Sentence.
5. The Complex Sentence with Substantive Clauses.
6. The Complex Sentence with a Subject Clause.
7. The Complex Sentence with a Predicative Clause.
8. The Complex Sentence with an Object Clause.
9. The Complex Sentence with a Complement Clause.

10. The Complex Sentence with an Attribute Clause.
11. The Complex Sentence with an Adverbial Clause.
12. Cases of Structural Arrangements Intermediate between Coordination and Subordination.
13. Inserted Clauses Modelled on the Pattern of Subordinate Clauses.

Г.Свит кўшма гапларни боғланган ва эргаш гапли кўшма гап турларини фарқлайди. У содда гаплар икки хил бўлади деб ҳисоблайди.

A) independent (ҳоким)

B) dependent (тобе)

When they came to turn their attention to the workhouse, they found out at once. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 17]

When they came to turn their attention to the workhouse - dependent, they found out at once - independent

Каушанская таъкидлайдики, бир ва ундан ортиқ тобе гап, ҳамда бош гапдан ташкил топган гаплар эргаш гапли кўшма гаплар дейилади. У эргаш гапли кўшма гапларнинг қуйидаги турларини фарқлаган.

The complex sentence with subject clauses.

The complex sentence with predicative clauses.

The complex sentence with object clauses.

The complex sentence with attributive clauses.

The complex sentence with attributive relative clauses.

The complex sentence with attributive appositive clauses.

The complex sentence with adverbial clauses.

- a) adverbial clause of time
- b) adverbial clause of place
- c) adverbial clause of cause
- d) adverbial clause of purpose
- e) adverbial clause of condition
- f) adverbial clause of concession

- g) adverbial clause of manner
- h) adverbial clause of comparison.

Ҳар иккала тилда ҳам яна шундай гаплар борки, уларнинг таркибида ҳам тенг, ҳам тобе муносабат мавжуддир. Бу гапларни F.M. Ҳошимов *The Mixed sentences* (аралаш қўшма гаплар) деб атаган бўлса, Каушанская *the compound complex sentence* (боғланган эргаш гапли қўшма гаплар) деб атайди.

If anyone were going to die they put a screen around the bed so you couldn't see them die, but only the shoes puttees of doctors and men nurses showed under the bottom of the screen and sometimes at the end there would be whispering. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 102]

Ўзбек тилида қўшма гаплар таснифи куйидагича: *боғланган қўшма гаплар*, *эргашган қўшма гаплар*, *боғловчисиз қўшма гаплар*.

Боғланган қўшма гап

Таркибидаги содда гапларнинг ўзаро тенг алоқага киришувидан тузиладиган гаплар боғланган қўшма гап дейилади. Масалан: *Улар бенихоят мамнун ва бахтли эдилар. [П.Коело. Алкимёгар, 98 б.]*

Энди у яна шу ерда, лекин бу сафар қўйларини хайдаб келгани йўқ. . [П.Коело. Алкимёгар, 173 б.]

Сиз бахтсиз акамнинг оғир қисматидан қайсидир йўл билан хабар топгансиз-у, ўзингизни гўё бир мўжиза туфайли хозир эшитгандай тутьансиз. [А.Конан Дойл. Шерлок Холмс ва доктор Уотсон, 132 б.]

Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар мазмунан, биринчидан, бир пайтда ёки кетма-кет боғланадиган воқеа-ҳодисаларни ифодаласа, иккинчидан, мазмунан қўшма гап таркибидаги содда гаплар бириктирув, зидлов, айирув, боғловчилари орқали боғланади.

Бириктирув боғловчили қўшма гап (ва, ҳам, ҳамда):

Демак, унга яна бир аломат намоён қилинди ва йигитча ерни ковлай бошлади. [П.Коело. Алкимёгар, 170 б.]

Юклама (- у, -ю, -да): *Устознинг кўзига кўзи тушди-ю, Худонинг ўғли*

қаршисида турганлигини англади. [П.Коело. Алкимёгар, 167 б.]

Зидлов боғловчили қўшимчалар (-аммо,-лекин,-бирок):
Ўзбекистоннинг бу куни чиройли, лекин эртаси бундан ҳам чиройлироқ бўлади. [Халқ сўзи. Газетасидан.] Айирув боғловчили қўшимчалар: (Ё...ё, Ё...ёки, Гоҳ-гоҳ, Хоҳ-хоҳ, Баъзан... баъзан, Дам.дам). *Хох у саройи бедие бўлсин, хох у шахри азим бўлсин-доимо бир одам иккинчи бир одамни кутаётган, излаётган бўлади. [П.Коело. Алкимёгар, 103 б.]*

Боғланган қўшма гаплар инкор боғловчиси орқали ҳам ўзаро бирикади. Масалан: *Қўргонга қайтманг, амирзодам, содиқ беклар бўлса кетингиздан келсинлар! [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 26 б.]*

Боғланган қўшма гапда тиниш белгиларининг ишлатилиши

1) Агар боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар бириктирувчи боғловчилар (ва, ҳам, ҳамда) ёрдамида боғланса, улар орасида вергул қўйилмайди.

У столда ётган бир варақ қозонни олиб менга узатди ва ўзи яна кимёвий тажриба билан шуғуллана бошлади. [А.Конан Дойл. Шерлок Холмс ва доктор Уотсон, 5 б.]

Агар зидловчи боғловчилар (аммо, лекин, бирок) ёрдамида бирикса, бу боғловчилардан олдин вергул қўйилади. *Уни итариб юбормоқчи бўлдим, лекин у менга яна ҳам жон-жаҳди билан ёпишди. [А.Конан Дойл. Шерлок Холмс ва доктор Уотсон, 14 б.]*

Агар юкламалар, бўлса, эса сўзлари ёрдамида боғланса, боғланган қўшма гапдаги содда гаплар орасига вергул қўйилади: *Ўзи хеч нарса демаяпти-ю, лекин кўзларида дахшат кўрмаяпман. [А.Конан Дойл. Шерлок Холмс ва доктор Уотсон, 6 б.]*

2) Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро айирув боғловчилар ёрдамида бирикса, орасига вергул қўйилади.

У гоҳ дарахтнинг меваларига, гоҳ офтобда қордек чақнаган уюм-уюм

пиллаларга қизиқиб қарайди. [Ойбек. Қутлуғ қон, 78. б]

Эргашган қўшма гап

Мазмун, оҳанг ва грамматик жиҳатидан бири иккинчисига тобеланиб, уни тўлдириш, изоҳлаш, аниқлаш учун хизмат қиладиган қўшма гаплар эргашган қўшма гап дейилади. Шунинг учун бу қўшма гапларнинг компонентларидан бири ҳоким, иккинчиси тобе саналади. Ҳоким, тобе муносабатларига кўра эргашган қўшма гаплар икки қисмга бўлинади:

1. Бош гап. 2. Эргаш гап.

Ўзича мустақил бўлиб, бошқа гапга тобеланмаган гап бош гап дейилади. Бош гапга эргашиб, уни изоҳлаб келган гап эргаш гап дейилади. Масалан: *Агар карвон вохага эсон-омон етиб олса, омаднинг келгани шу. [П.Коело. Алкимёгар, 93 б.]* Ушбу гапда *Агар карвон вохага эсон-омон етиб олса*—эргаш гап, *омаднинг келгани* —бош гап. Бунда эргаш гап бош гапни шарт муносабатига кўра изоҳлайди. Эргашган қўшма гапда бош гапнинг кесими тўлиқ шакланган бўлади, аммо эргаш гапнинг кесими тўлиқ шаклланавермайди, шунга кўра эргаш гап бош гапга эргаштирувчи воситалар, боғловчилар, кўмакчилар нисбий сўзлар ва айрим феъл шакллари орқали бирикади. Мисолларни қиёсланг:

1.Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.[Халқ сўзи.Газетадан.] Бу гапда мустақилликка эришгач— эргаш гап, дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди - бош гап ва улар ўзаро гап воситаси орқали бириккан.

2.Ёши йигирма бешлардан ошган бўлса ҳам, юзига ҳали дуруст соқол чиқмаган, кўсанамо Аҳмад Танбал оғзини меъморнинг қулогига яқинлаштириб шивирлади. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 8 б.]

3.Олим бўлсанг, олам сеники. [Ўзбек халқ мақоллари.133 б.]

4. Улар офтоб уфққа яқинлашган пайтда Андижон қўрғонига кириб келдилар. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 27 б.] иккинчи гапда *-са* ҳам, учинчи гапда *-санг*, тўртинчи гапда *пайтда* каби воситалар орқали эргаш гап

бош гапга боғланиб келмоқда.

Эргаш гаплар улар англатган мазмун, шакли ва бош гапга боғланиш усулига кўра тасниф этилади.

Эга эргаш гап. Бош гапдаги олмош билан ифодаланган эга бўлагини изоҳлаб, ким? нима? сўроқларига жавоб берадиган эргаш гап тури эга эргаш гап дейилади. Эга эргаш гап бош гапга қуйидаги воситалар орқали боғланади.

Шундай нарсалар борки, ўз тақдирингдан қочишга уринмаслик учун улар хақида яхшиси сўрамаган мақул. [П.Коело. Алкимёгар, 53 б.]

Кесим эргаш гап. Бош гапдаги мазмунни мавҳум олмош кесимни изоҳлайдиган эргаш гап тури кесим эргаш гап дейилади. Кесим эргаш гап бош гапга қуйидагича боғланади:

1. Бош гапнинг кесими *шу, шундай* каби сўзлар билан ифодаланади. Эргаш гап бош гапга *-ки* боғловчиси ёрдамида бирикади;
2. Бош гапнинг кесими “*чиқиш келишигидаги олмошдан иборат*” шаклида ҳам ифодаланиши мумкин.

Тўлдирувчи эргаш гап. Бош гапдаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчини (ёки бош гапдаги қўлланмаган тўлдирувчини) аниқлаштирадиган эргаш гап тури тўлдирувчи эргаш гап дейилади. Тўлдирувчи эргаш гап, асосан, нимани? кимни? кимга? нимага? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

2. Эргаш гап бош гапга *-ки* боғловчиси ёрдамида боғланади ва бош гап таркибида *шу* олмоши бўлиб, эргаш гап ўша олмошнинг маъносини очади. Кўпинча бош гап таркибидаги олмош ишлатилмайди.

Аниқловчи эргаш гап. Бош гапдаги олмош билан ифодаланган аниқловчи изоҳлаган эргаш гап тури аниқловчи эргаш гап дейилади. Аниқловчи эргаш гап қандай? қайси? кимнинг? каби сўроқларига жавоб беради ва бош гапнинг олмош билан ифодаланган бирор бўлагининг белги, хусусиятини аниқлайди.

Равиш эргаш гап. Бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг, ҳаракатнинг қай тарзда юзага келиши ва бажарувчини билдирадиган кўшма гап тури равиш эргаш гап дейилади. Равиш эргаш гаплар қандай? қай тарзда? қандай қилиб? каби сўроқлардан бирига жавоб беради.

Равиш эргаш гапнинг кесими *-б, -иб* қўшимчаси билан ясалган равишдош ёрдамида ифодаланади.

1. Пайт маъно оттенкаси:

Ойдин кечаларда кўкка кўз тикиб.

Ёруғ юлдузлардан сени кутдим мен. [Чўлпон. Гўзал ,шеъри.]

Сабаб маъно оттенкаси: *Бобур номаълум хавф-хатардан сесканиб, Хўжа Абдуллага ёрдам сўрагандай қаради. [П.Коело. Алкимёгар, 31 б.]*

Ўрин эргаш гап. Бош гапдаги иш-ҳаракатининг юзага келиши, бошланиши, йўналишини ифодаловчи эргаш гап тури ўрин эргаш гап дейилади. Ўрин эргаш гап қаерда? қаерга? қаердан? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади. Ўрин эргаш гапли кўшма гапларниинг бош гапи эргаш гаплар таркибида у ерга, у ерда, у ердан, шу ерга, шу ердан, ўша ердан эргаш гаплар таркибида эса қаерда? қаерга? қаердан? каби сўзлар бўлади.

Пайт эргаш гап. Бош гапдаги иш -ҳаракатининг юзага келиш ва бажариш пайтини билдирадиган эргаш гап тури пайт эргаш гап дейилади. Пайт эргаш гап қачон? қачонгача? қачондан буён? каби сўроқларга жавоб беради.

Сабаб эргаш гап. Бош гапдаги иш-ҳаракатининг юзага келиш ва бажарилиш сабабини ифодолайдиган эргаш гап тури сабаб эргаш гап дейилади. Сабаб эргаш гап нима учун? нима сабабдан? каби сўроқларга жавоб беради

Мақсад эргаш гап. Бош гапдаги ҳаракат ёки воқеанинг қандай мақсад билан юзага келишини билдирадиган эргаш гап тури мақсад эргаш гап дейилади. Мақсад эргаш гап нима учун? қандай мақсадда? каби сўроқларга жавоб беради.

Микдор-даража эргаш гап. Бош гапдаги воқеани унинг ҳажми ва даражасига кўра ўлчаб кўрсатадиган эргаш гап тури микдор -даража эргаш гап дейилади.

Мусулмонқул тарафдори уламолар унинг сиёсатини шариятқа қанча мутобиқ кўрсатиб келган бўлсалар, бу кейингилар ҳам ўшанча ҳилофи шаърий эканлигини исботлашга киришдилар. [А.Қодирий. Ўткан кунлар, 27 б.]

Шарт эргаш гап. Бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг қандай шарт билан юзага келишини билдирувчи эргаш гап тури шарт эргаш гап дейилади. Шарт эргаш гап аниқ воқеа-ҳодисани (- са) мўжалланган воқеа ҳодисани (-са эди, унда эди,) ифодалайди.

Агар ундай бўлса, боришимизни унга айтиб қўйаман. [А.Конан Дойл. Шерлок Холмс ва доктор Уотсон, 386 б.]

Ер кўкармай, мол тўймас). [Ўзбек халқ мақоллари, 354 б.]

Натижа эргаш гап. Бош гапдаги ҳаракатнинг, белгининг натижасини ва воқеанинг хулосасини ифодаловчи эргаш гап тури натижа эргаш гап дейилади. Натижа эргаш гап бош гапдаги *шундай, шунча, шу қадар, шунчалик, чунон,* билан каби сўзларнинг мазмунини аниқлаштиради.

Тўсиқсиз эргаш гап. Бош гап ва эргаш гапдаги мазмун бир-бирига зид бўлса ҳам, шу зидликка қарамай, бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келишини ифодаловчи эргаш гап тури тўсиқсиз эргаш гап дейилади.

Ўхшатиш эргаш гап. Бош ва эргаш гапдаги воқеалар, шахслар ва ҳаракатлари бир-бирига қиёслаб, чоғиштириб ифодаловчи эргаш гап тури ўхшатиш эргаш гап дейилади.

Боғловчисиз қўшма гап. Ўзаро боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситаларсиз, фақат мазмун ва оҳанг жиҳатдан боғланган оддий қўшма гап боғловчисиз қўшма гап дейилади. Масалан: *У-буни келтириб беринг, ўзим секин тўғраб бераман. [С.Ахмад. Уфқ, 11 б.]* *Ҳали устара тегмаган иякларида йигитлик нишонлари белги бериб қолган, туш суртилгандек*

қуюқ киприк- лари юмуқ кўзларини қоплаб турарди. [С.Ахмад. Уфқ, 12 б.]

Боғловчисиз қўшма гаплар қисмларнинг ўзаро муносабатига кўра. 1. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап. 2. Эргашган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап. 3 Боғловчисиз қўшма гап синоним бўлмаган боғловчисиз қўшма гапларга бўлинади.

Боғланган қўшма гапларга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап икки хил муносабатни ифодалайди:

а) пайт, чоғиштирув: Мард бир ўлар, номард юз ўлар. Тўғри тил тош ёрар, эгри тил бош ёрар. б) зидлов муносабатини: Тиз яраси битар, тил яраси битмайди. [Ўзбек халқ мақоллар, 200-215 б.] **2. Эргашган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап:** *Ҳамал кирди—амал кирди. (пайт), савр кирди—давр кирди (пайт), ит ҳуради— карвон ўтади (тўсиқсиз), қор ёғди—нур ёғди (ўхшатиш).* [Ўзбек халқ мақоллар, 115 б.]

Боғловчисиз қўшма гапга синоним бўлмаган боғловчисиз қўшма гап: Боғловчисиз қўшма гап қисмлари кесимларининг қандай ифодаланишига кўра икки хил: 1 .Бир хил қисмлардан тузилган боғловчисиз қўшма гап. 2.Турли хилдаги қисмлардан тузилган боғловчисиз қўшма гап.

Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгилари куйидагича ишлатилади.

1. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган, бир пайтда ёки кетма-кет бўлган воқеа-ҳодисаларни ифодалаган содда гаплар орасига вергул қўйилади. Масалан. *Оишхонада Икром дўқ-дўқ ўтин ёрар, жаз-буз қилиб тиёздоғ қиларди. [С.Ахмад. Уфқ, 11 б.]*

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар мазмун жиҳатидан қисман мустақил бўлса, ёки вергул ишлатилган бўлса қўшма гап таркибидаги содда гап бир-биридан нуқтали вергул билан ажратилади.

Масалан: Бирон марта соқоли ўсиб юрганини ҳеч ким кўрмаган; кийимлари ҳамиша тоза. [С.Ахмад. Уфқ, 335 б.]

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги иккинчи гап биринчи гапнинг бирор

бўлагини изоҳласа, унинг мазмунини тўлдирса, содда гаплар орасига икки нуқта қўйилади.

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг мазмуни бир- бирига зид бўлса тире қўйилади: *Кўз қўрқоқ—қўл ботир* . [Ўзбек халқ мақоллари, 31 б.]

1. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги биринчи гапнинг мазмуни иккинчи гапнинг мазмунига ўхшатилса: *Вақтинг кетди— бахтинг кетди*. [Ўзбек халқ мақоллари, 404 б.]

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги биринчи гап иккинчи гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг пайти ёки шартни билдирса, улар орасига тире қўйилади: *Юрт тинч—сен тинч*. [Ўзбек халқ мақоллари, 22 б.]

Инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма гапларнинг қиёсий характеристикаси

Инглиз тилида қўшма гаплар икки турга бўлинади: боғланган қўшма гаплар (compound sentences) ва эргаш гапли қўшма гаплар (complex sentences). Боғланган қўшма гаплар тенг ҳуқуқли, бир бирига тобе бўлмаган содда гаплардан тузилади. Боғланган қўшма гап таркибига кирувчи содда гаплар *and, but, or* каби боғловчилар ёрдамида боғланади.

Some of the wounded were noisy but most were quiet. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p 76]

Яраланганларнинг айримлари шовқин қиларди лекин кўпчилиги жимжит эди.

Икки ёки ундан ортиқ гаплар боғловчисиз боғланиб ҳам, ўзбек тилидагидек, боғланган қўшма гапни ташкил қилиши мумкин. Бу ҳолатда содда гаплар ўртасига **and** боғловчисини қўйиш мумкин бўлади. Боғловчисиз боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар орасига нуқтали вергул қўйилади:

I watched it get dark outside; the darkness came very quickly.

Ташқарида қоронғу тушушини кузатдим; қоронғулик жуда тез тушди. [E.

Hemingway. A Farewell to Arms, p 293]

Эргаш гапли кўшма гаплар тенг ҳуқуқли бўлмаган икки ёки ундан ортиқ гаплардан тузилади. Бунда бир гап иккинчисига тобе бўлади. Бош гапни изоҳлаб келувчи гап эргаш гап дейилади (the Subordinate Clause). Изоҳланаётган гап эса бош гап дейилади (the Principal Clause). Эргаш гапли кўшма гап компонентлари боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги сўзлар билан боғланади:

I thought (boш gan) I might be opposite San Vito. (эргаш gan). [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 311]

Эргаш гапларга моҳиятан содда гап бўлакларига бериладиган саволлар кўйилади. Фақат эргаш гап бирор гап бўлагининг ёйиқ шакли ҳисобланади. Шунинг учун гап бўлаклари қанча бўлса, шунча эргаш гап турлари мавжуд.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги эргаш гапли кўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳам ўзига хос эканлигини таъкидлаган ҳолда, энг кўп қўлланиладиган тиниш белгиси вергулнинг турлича қўлланиш ҳолатлари бўйича баъзи мисолларни келтириб ўтамыз:

1.Боғланган кўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро -у(-ю), -да юкламалари ёрдамида боғланганда:

Дастурхонни апил-тапил шахнишинга ёзиб, норинжни унга қўйди-да, Бобурни таклиф қилди. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 245 б.]

Бобур майни сипқорди-ю, пиёлани Моҳим бегимга қайтариб берди. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 245 б.]

Бироқ инглиз тилида боғланган кўшма гап таркибидаги содда гаплар ҳеч қандай боғловчиларсиз боғланса, нуқтали вергулдан фойдаланилади.

I took him by the arm into the bathroom; locked the door and put on the light. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 357]

Содда гаплар зидлов боғловчилари ва -у(-ю), -да юкламалари ёрдамида боғланган кўшма гапларда:

Қасрнинг ич-ташида одамлар юрибди, лекин маймунлар билан ҳеч кимнинг

иши йўқ. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 258 б.]

Улар бир нарсани ўлгудек билгилари келади, аммао менинг бу тўғрида баъзи гаплардан хабарим бор. [А.Конан Дойл. Шерлок Холмс ва доктор Уотсон, 451 б.]

I thought he smiled sadly but I could not tell. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 357]

But I did not know that then, although I learned it later. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 13]

1. Айирув боғловчилари ёрдамида боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларда такрорланиб қўлланган айирув боғловчисининг кейингисидан олдин:

У хар келганида Саудий ё зарур иши бўлиб чиқиб кетмоқчи бўларди, ёки жим, индамасдан ўтирарди. [А.Қаххор. Сароб, 13 б.]

We could get out of either window onto the roof and down, or go down the hay chute if the stairs were impractical. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 289]

“Either ... or”, “neither ... nor” иборалари ўртасида вергулнинг ишлатилиши инглиз тилида ҳар хил фикрлар бор. Баъзилари ишлатиш керак деган фикрни илгари сурса, бошқалари ишлатилмаслигини таъкидлайди.

2. Инкор боғловчиси билан боғланган қўшма гаплар орасида:

На ўзи ўқиди, на бировга берди; [С. Ахмад. Уфқ, 89 б.]

Neither his brief consideration, nor its purport, was lost on his companion. Nor muttered a word, nor relaxed a muscle, until he reached his own door. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 559]

Қиёслов боғловчиси билан боғланган қўшма гаплар орасида (ўзбек тилида):
Ой тунда керак, ақл эса кунда керак. [Ўзбек халқ мақоллари, 133 б.]

Karl is very sociable and confident while Silvia is shy and quiet. [The New York Times. Dec 12 200]

He is the mere hound of a day, but you know me of old. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 528]

Инглиз тилида “эса” сўзи “but, and” сўзлари билан ифодаланиши мумкин.

3. Барча турдаги эргашган қўшма гапларда эргаш гапни бош гапдан ажратиш учун:

Кимки ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим. [Рудакий]

Инглиз тилида ҳам эргаш гапли қўшма гапларда бош гапни эргаш гапдан ажратиш учун вергул ишлатилади. Бироқ ўзбек тилидан кичик бир фарқи шуки, инглиз тилида ҳоким гап тобе гапдан олдин келса, уларни орасига вергул қўйилмайди; тобе гап ҳоким гапдан олдин келсагина вергулдан фойдаланилади.

Because he had saw him running away, he had run after the boy. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 11]

Қуйида бош гап эргаш гапдан олдин келган ҳолатда вергулдан фойдаланилмаяпти:

He had run after the boy because he had saw him running away. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 117]

Қуйидаги гап бир неча тобе гапли қўшма гапга мисол бўлиб, унда юқоридаги қоидага кўра, эргаш гап бош гапдан олдин келган ҳолатда вергул қўйилмади, аммо бош гапдан сўнг келган эргаш гап ҳоким гапдан вергул билан ажратилмоқда.

The moment we entered the room we began to feel hungry, as the delicious smells. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 229]

1.2. Ҳозирги замон тилшунослигида қўшма гаплар атамалари ва шарт компонентли гипотаксемалар масаласи

Қўшма гаплар назариясида шунингдек, профессор Ғ.М. Ҳошимов томонидан яратилган “таксемик назария” ҳам мавжуд бўлиб, бу назария асосан мавжуд қўшма гапларнинг тузилиш жиҳатидан ҳажми масаласи тадқиқ қилинган.

Профессор Ғ.М. Ҳошимовнинг олиб борган илмий тадқиқоти ўзи томонидан яратилган таксемик birlikлар назариясига бағишланган бўлиб, у

замонавий тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири - қўшма гаплар типологик ва умумий синтаксиси назарий асосларини яратишга ҳамда “ Турли тизимдаги тилларда қўшма гап типологияси” мавзусига бағишланган. У қўшма гапларнинг кўпчилик олимлар томонидан ҳанузгача эътиборга олинмай келинаётган сўз каби яхлит белгилик хусусиятига жиддий аҳамият бериб , шу асосда тадқиқ этилаётган бирликларга ёндашишни қатъий тамойил қилиб қўйган, натижада уларнинг бир қатор мунозарали жиҳатларига жумладан, қўшма гапларнинг структурал - семантик таснифи ва тавсифи, уларнинг умумсинтактик мақомини ташкил этувчи компонентларнинг лисоний табиати, боғловчи воситалар турларига ўзгача ёндошиб тегишли хулоса ва ечимларга келган. Унинг тадқиқоти шуни кўрсатадики, синтаксис ва унинг бирликлари бўлган монотаксема ва политаксемалар ҳар қандай тил учун универсал даража ҳисобланади. Таксема (taxeme) сўзида кўпгина лингвистик бирликларни мужассамлаштирган синтактик бирлик бўлиб, энг камида битта эга ва битта кесимдан иборат бўлади. Монотаксема (monotaxeme) бир эга- кесимлик шаклидан иборат бўлган гап - содда гап бўлса, политаксема (polytaxeme) эса бир неча эга кесимлик шаклидан иборат бўлган гап - қўшма гапдир.

Политаксема ўз навбатида коллотаксема (collotaxeme), паратаксема (parataxeme), гипотаксема (hypotaxeme), гипертаксема (hypertaxeme), супертаксема (supertaxeme), ултротаксема (ultrataxeme), архитаксема (architaxeme), синкротаксема (syncrotaxeme) ларга бўлинади. Қуйида юқоридагиларга батафсил тўхталамиз.

Коллотаксема (collotaxeme) - таркибида иккита боғловчисиз таксема мавжуд бўлади.

Юрагида қандай дарди бор — мана бу менга сир. [Ойбек. Қутлуг қон, 89 б.]

Паратаксема (parataxeme) - таркибида эргаштирувчи элементлар бўлмайди фақатгина тенг боғловчилар ёки боғловчиларсиз боғланган гаплар бўлади.

He looked at the priest and shouted. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 9]

У руҳонийга қаради ва бақирди.

Гипотаксема (hypotaxeme) - таркибида иккита эргашиш йўли билан боғланган содда гап бўлади. Унда турли эргаштирувчи боғловчилар иштирок этади.

He said that if the thing went well he would see. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 29]

У айтдики агар яхши давом этса яна кўрган бўларди.

Гипертаксема (hypertaxeme) - таркибида учта содда гап мавжуд бўлади. Улар боғловчили ёки боғловчисиз, тобе ёки ҳоким гап бўлиши мумкин.

The birds were all good because they fed on grapes and you never took a lunch. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 101]

Супертаксема (supertaxeme) - таркибида тўртта монотаксема мавжуд бўлади. Уларнинг иккитаси боғланган, иккитаси эргаш гап бўлади.

We know who we are but we don't know who will be in future. [W.Shakespeare, Hamlet, p 83]

Ултратаксема (ultrataxeme) - ўзида кўпгина синтактик бирликларни мужассамлаштирган бўлиб, таркибида бешта монотаксема мавжуд бўлади, улардан учтаси эргашган ва иккитаси боғланган бўлади ёки аксинча.

The forest had been green in the summer when we had come into the town but now there were the stumps and the broken trunks and the ground torn up, and one day at the end of the fall when I was out where the oak forest had been I saw a cloud coming over the mountain. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 4]

Архитаксема (architaxeme) - ўзида кўпгина синтактик бирликларни мужассамлаштирган бўлиб, таркибида олтита монотаксема бўлади. Улардан учтаси эргашган, учтаси эса боғланган бўлади ёки аксинча.

It was what I had wanted to do and I tried to explain how one thing had led to

another and finally he saw it and understood that I had really wanted to go and it was almost all right. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 14]

Синкротаксема (synchrotaxeme) - гапларнинг маъно жиҳатдан қоришган тури.

Иқром тўйларга борса биронта қандми, конфетми, яхши ният билан, боламни ҳам шу кунларга етказсин, деб киссасига солиб келарди. [С.Ахмад. Уфқ, 10 б.]

Қўшма гап компонентлари асосан боғловчилар, боғловчи воситасидаги сўзлар ёрдамида бирикади.

Боғланган қўшма гаплар қуйидаги боғловчи воситалари ёрдамида боғланади:

A) Coordinating conjunctions (and, or, else, but)

B) Conjunctive adverbs (otherwise, yet, still, therefore)

There was fighting for that mountain too, but it was not successful. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 2]

He knew there were excuses for his friend, yet he felt sick out heart. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 359]

Боғловчи воситаларсиз боғланган қўшма гаплар:

In the town there were more guns, there were some new hospitals. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 9]

In the meantime we were all at the mess, the meal was finished. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 13]

Инглиз тилида компонентларнинг боғланиш хусусиятига қараб гаплар қуйидаги турларга бўлинади:

1. The Compound sentence (Боғланган қўшма гап)

2. The Complex sentence (Эргашган қўшма гап)

Аммо профессор Ғ.М. Ҳошимов қўшма гапларни 3 турга бўлган.

1. The Compound sentence (Боғланган қўшма гап)

2. The Complex sentence (Эргашган қўшма гап)

3. The Mixed sentence (Аралаш қўшма гап)

Турли боғловчи воситалар ёрдами билан ўзаро боғланган уч ва ундан ортиқ гапларнинг бир бутунлиги мураккаб қўшма гап саналади. Мураккаб қўшма гаплар тўрт гуруҳга бўлинади:

- 1) бир неча эргаш гапли мураккаб қўшма гаплар;
- 2) бир неча бош гапли мураккаб қўшма гаплар;
- 3) аралаш мураккаб қўшма гапиар;
- 4) қисмлари уюшган мураккаб қўшма гаплар.

Масалан:

У қиз танлаб-танлаб ёшини ўтқазиб қўйган, охири қирқни қоралаб қолганда уйланган, ўзи очиққина, ҳар гапига мақол ё матал қўшиб гапирадиган сўзамол киши эди.[С.Ахмад. Уфқ, 13 б.]

Ўқишлар ҳар хил бўлади: Биров эрмак учун ўқийди, биров ҳордиқ чиқариши учун, биров ўқиётган китобини илмий таҳлил қилиши учун, биров бўлак машғулот бўлмаганидан вақт ўтказиши учун, биров асардаги воқеага, қаҳрамоннинг тақдирига қизиқиб ўқийди.[Халқ сўзи, газетадан]

Замонавий тилшуносликда эргаш гапли қўшма гаплар битта бош ва икки ёки ундан ортиқ эргаш гаплардан ташкил топади. Бош гаплар ҳоким вазифасида келса, эргаш гаплар тобе вазифани бажаради. Масалан: We asked him why he came here. – Биз ундан бу ерга нима учун келганини сўрадик. Ўзаро why боғловчиси орқали боғланган бу гапда We asked him гапи бош гап, why he came here гапи эса эргаш гап сифатида келади. Эргаш гаплар бош гапга *that, if, after, because* каби эргаштирувчи боғловчилар ёки *where, whose, when, who* каби боғловчили сўзлар билан боғланади.

Эргаш гаплар бош гапга боғловчисиз боғланиб келиши мумкин:

I never thought I should see you again. – Мен сизни яна кўраман деб ўйламаган эдим. He glanced at the newspaper he had bought at the station. – У шоҳбекатда сотиб олган газетага кўз югуртирди.

Қўшма гаплар қисмлари ўзаро тенг ва эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида боғланган икки ёки ундан ортиқ гаплардан иборат бўлиши мумкин:

You may come and see her after seven o'clock if you wish. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 27]

Агар хоҳласанг соат еттидан кейин уни келиб кўришинг мумкин.

Эргаш гапли қўшма гаплар ўз навбатида қуйидаги турларга бўлиб ўрганилади: *эга эргаш гапли қўшма гаплар, кесим эргаш гапли қўшма гаплар, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар, аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар, ҳол эргаш гапли қўшма гаплар.*

Ҳол эргаш гапли қўшма гаплар ҳам ўз навбатида *пайт, ўрин-жой, сабаб, мақсад, шарт, тўсиқсизлик, қиёслаш, натижа каби эргаш гапли қўшма гапларга* бўлинади.

Инглиз тилида шарт компонентли гипотаксемалар эргаш гап бош гапда акс этган воқеликнинг юзага келиш шартини кўрсатади. Бундай тузилишдаги қўшма гапларда шарт мазмун муносабати шаклланади. Эргашган қўшма гапларнинг бу тури рус тилшунос олимлардан бири И.П. Крылова, ўзбек тилшунос олимлардан Ў.Қ. Юсупов томонидан батафсил ўрганилган. Қуйида ана шу олимларнинг фикрига таянган ҳолда бу қўшма гапларнинг структурал-семантик ва функционал жиҳатларини қуйидагича изохлаш мумкин.

Шарт компонентли гипотаксемаларни бошқа эргаш гапли қўшма гаплардан ажратиб турувчи белгиларидан бири қуйидагилардир:

Эргаш гапнинг бош гапга ёки унинг бирор бўлаги билан боғланиши, эргаш гапнинг бош гап билан боғланиш воситалари, эргаш гапни бош гапга нисбатан жойлашиши, шарт компонентли гипотаксемаларнинг моделлик бўйича турлари, шарт компонентли гипотаксеманинг айрим семантик турида бош ва эргаш гап ўртасидаги синтактик алоқанинг кучсиз эканлиги.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт компонентли гипотаксемаларни бош гапга ёки бош гапдаги бирор бўлакка тегишли бўлиши мумкин:

It would be fine if you would take the cars. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 89]

Агар сиз машиналарни олганизда, яхши бўларди.

I just go to see if there is anything new. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 74]

Бирор бир янги нарса борми йўқми кўриш учун бораман.

Биринчи мисолларда шарт компонентли гипотаксема бутун бош гапга тегишли бўлса, иккинчи мисолларда эса бош гапдаги тўлдирувчиларга (to come, келишингизни) тегишли.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Хозирги замон тилшунослигида кўшма гапларга берилган таърифлар ва уларнинг таснифи бўйича бир қатор тилшунос олимларнинг фикрлари келтириб ўтилди. Инглиз ва ўзбек тилларида кўшма гапларнинг таснифланиши, кўшма гап атамалари ва шарт компонентли гипотаксемалар масаласига оид бир қанча фикр ва мулохазалар келтирилди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инглиз ва ўзбек тиллари турли системали тиллар ҳисобланиб, умумий томонларидан кўра хусусий томонлари кўпроқ эканлигини кўриш мумкин. Ушбу тиллар нафақат генетик жиҳатдан, балки морфологик (типологик) жиҳатдан ҳам бир биридан узоқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳар икки тилда сўз ясалиши, сўз шакли ҳосил қилиниши, гап курилиши ва бошқа грамматик хусусиятлар бир биридан фарқ қилади. Айнан шу манзарани кўшма гаплар тадқиқида ҳам учратиш мумкин. Кўриб турганимиздек, инглиз тилида кўшма гап ясалиши, кўшма гап компонентлари ўртасидаги муносабат, улар ўртасида ишлатиладиган тиниш белгилари ўзбек тили билан солиштирганимизда яққол намоён бўлади. Кўшма гапларни тадқиқ қилишга бағишланган қатор илмий ишларнинг мавжудлигига қарамай, уларнинг лисоний-назарий масалаларини ўрганиш ҳамон долзарб ҳисобланади. Ваҳоланки, кўшма гаплар мураккаб конструкцияли микромаатнлар ҳисоблансада, коммуникатив шароитда жуда фаол қўлланилади. Модомики, тилнинг беқиёс имкониятларини намоён

қилиш вазифасини нутқ бажарар экан, ҳар қандай тадқиқот нутқ акти
ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши лозим.

ИККИНЧИ БОБ. ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ШАРТ КОМПОНЕНТЛИ ГИПОТАКСЕМАЛАР ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИХАТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

2.1. Турли тизимдаги тилларда шарт компонентли гипотаксемалар структурал- семантик жихатлари қиёсий тадқиқи

Турли тизимли тилларга мансуб бўлган замонавий инглиз ва ўзбек тилларида кондиционал компонентли гипотаксемаларнинг(ККГ) структурал- семантик турлари тадқиқ қилиш бўйича бир қатор илмий ишлар амалга оширилган, лекин мазкур гипотаксемаларнинг мавжуд турлари ва лингвокультурологик жихатлари алоҳида олинган илмий изланиш объекти сифатида ўрганилмаган (И. П. Крылова, 1986; У. К. Юсупов, 1971; Н. А. Кобрин, Е. А. Корнеева 1965; Л. С. Дротвинас 2011, Г. А. Абдурахмонов 1960; М.А. Асқарова. 1961; Н.Махмудов, 1995; Н. Махмудов, А.Нурмонов, 1995 ва б.қ.)

Тилларда кондиционал компонентли гипотаксема политаксеманинг бир кичик тури сифатида бир-бирига структурал-семантик ва коммуникатив-прагматик жихатдан боғланган камида иккита компонентдан ташкил топади, унда одатда биринчи (тобе) компонент иккинчи (хоким) компонентнинг кесимидан англашилган иш ҳаракатнинг амалга оширилиш шартини ифодалайди (масалан: If you come. I'll be very glad; Агар сиз келсангиз, мен жуда хурсанд бўламан).

Қиёсланаётган замонавий инглиз ва ўзбек тилларида кондиционал компонентли гипотаксемалар юзасидан олиб борган кузатишларимиз натижалари ўларок уларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги *структурал-семантик муносабатлар икки усулда амалга оширилиши аниқланди:1) синдетик усул (субординатор орқали боғланиш) 2) асиндетик усул (субординаторсиз боғланиш).*

| |
|---|
| <i>1.If+SbCL (N/Prg+Vg)+PrCl(N/Prg +Vg);</i> |
|---|

You may come and see her after seven o'clock if you wish. [*E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 27*]

2. Pr CLN/Prg +Vg) + **unless** +SbCL (N/Prg+Vg)

Unless you find something else I'm afraid you will have to go back to the front. [*E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 191*]

3.Pr Cl(N/Prg + Vg) + **in case**+ SbCL (N/Prg+Vg)

'Wouldn't you like to come and look at him, miss, in case he should?'

4.Pr Cl(N/Prg +Vg) +**providing (that)**+SbCL (N/Prg+Vg)

[Ch.Dickens. Oliver Twist, p 327]

You can get a senior citizen's reduction providing (that) you've got a railcard. [Cambridge Advanced Learner's Dictionary & Thesaurus]

5.Pr Cl(N/Prg +Vg) +**provided (that)**+ SbCL (N/Prg+Vg)

I know what to do, provided that nobody asks me. [Cambridge Advanced Learner's Dictionary & Thesaurus]

6.**Supposing (that)** + SbCL (N/Prg+Vg)+Pr Cl(N/Prg +Vg) +

The girl agreed to be there at noon *supposing (that)* they would meet her [*Collins*]

7.**Suppose**+ SbCL (N/Prg+Vg)+Pr Cl(N/Prg +Vg)

English Dictionary]

Suppose you won the lottery, what would you do? [*P.Simon. The Grammaring Guide to English Grammar.*]

8.Pr Cl(N/Prg +Vg) **given (that)**+ SbCL (N/Prg+Vg)

It was surprising the government was re-elected, given that they had raised taxes so much. [*the Oxford Advanced Learner's Dictionary*]

9.Pr Cl(N/Prg +Vg) + **in case**+SbCL (N/Prg+Vg)

You'd better take the keys in case I'm out. [*the Oxford Advanced Learner's Dictionary*]

10. PrCl(N/Prg +Vg) + **on condition (that)**+ SbCL (N/Prg+Vg)

The bank lent the company 100,000 pounds on condition that they repaid the money within six months. [*Cambridge Dictionary*]

11. **In the event that** + SbCL (N/Prg+Vg)+Pr Cl(N/Prg +Vg)

In the event that any part of the deal may be blocked, the rest would go ahead. [*The Collins English Dictionary*]

12. PrCl(NPrg +Vg) + **on the assumption that** + (N/Prg+Vg)

They went on the assumption that she had committed suicide. [*The New York Times. Nov. 7, 2003*]

13. PrCl (N/ Prg +Vg) + **on the terms that**+ (N/Prg+Vg)

The family did not express any preference on the terms that I should use to describe its status. [*The New York Times-Books. Oct. 17, 2003*]

14. PrCl (N/Prg Vg) + **guaranteed that** +(N/Prg+Vg)

The constructors will finish the work *guaranteed that* they are paid in time. [*The*

15. Pr Cl (N/Prg +Vg) +**granted that** +(N/Prg+Vg)

New York Times. Sep. 20, 2008]

Granted that the firm has not broken the law, is the law what it should be? [*Collins English Dictionary.*]

16. Pr Cl(N /Prg +Vg) +**granting that** + (N Prg + Vg)

Granting that, he doesn't look too bad for his age, but I don't fancy him. [*Collins*

17. PrCl(N/Prg+Vg) +**If and only if** + (N Prg+Vg)

English Dictionary.]

Acetaminophen is dangerous to children if and only if dosage is too high.

[*P.Simon. The Gramming Guide to English Grammar.*]

18. Pr Cl(N/Prg + Vg) + **subject to** (N /Prg+Vg)

You will be punished subject to the crimes you have committed. [*The New York Times. May. 21, 2009*]

19.C1(N /Prg + Vg) + **supposing that** (N /Prg+Vg).

He is quite right in supposing that most people here don't see that. [*The New York*

20.Pr Cl(N Prg +Vg) + **as long as** + (N/Prg+Vg)

Times-Books. Oct. 17, 2003]

I am going to sit here, as long as I think proper, ma'am, [*Ch.Dickens. Oliver Twist*
Twist, p 420]

21.Pr Cl(N/Prg +Vg) + **with the provision that+** (N/Prg+Vg)

When they were divorced in the 1950s, Dr. Wallis got the house, with the provision that it be left in trust to their two sons. [*The New York Times. Aug. 19, 2001]*

22.Pr Cl(N/Prg +Vg) + **as soon as** + (N/Prg+Vg)

As soon as the boy begins to harden, she'll care no more for him. [*Ch.Dickens. Oliver Twist, p 301]*

23.Pr Cl (N/Prg +Vg) +**until** + (N/Prg+Vg)

I wore a real one and felt like a gunman until I practised firing it. [*E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 33]*

24.Pr Cl (N/Prg +Vg) + **till**+ (N/Prg+Vg)

But now I look forward till when our son will be a lieutenant commander. [*E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 189]*

25.Pr Cl (N/Prg +Vg)+ **or else** + (N Prg+Vg)

You must find her attractive, or else you would't be talking about so much. [*The New York Times-Film. Feb 17, 2014]*

26.Pr Cl(N/Prg +Vg) +**before** +(N/Prg+Vg)

You'll fight before you'll marry.[*E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 142]*

27.Pr Cl(N Prg +Vg) + **otherwise**+ (N/Prg+Vg)

You can get the silver otherwise it will be the bronze. [*E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 142]*

Инглиз тилида кондиционал компонентли гипотаксемаларнинг структурал-семантикасини асосан *if, unless, once, in case* каби боғловчилар ёрдамида боғланган кўшма гаплар ташкил этади. Бундан ташқари феъл сўз туркумидан олинган, баъзан *that* юкламаси билан келадиган бир қанча янги боғловчилар ҳам мавжуд бўлиб юқоридаги мисолларда келтирилган боғловчиларга қўидагиларни ҳам қўишимиз мумкин. *considering (that), admitting (that), presuming (that), seeing (that) assuming (that), allowing that, on the understanding that, with the understanding that, conceding that.*

28. Pr C1(N Prg +Vg) + **assuming (that)** + (N/Prg+Vg)

You can get a red dress, *assuming (that)* one is on sale. [*The Guardian. Wed 20*

29.**Considering(that)** + SbCL (N/Prg+Vg)+Pr CI(N/Prg +Vg)

Apr 2016]

Considering that the boarding pass is there, you will get on the plane.[*The New York Times. Aug. 19, 2010]*

30.Pr C1(N Prg +Vg) + **admitting (that)** + (N/Prg+Vg)

I will not hesitate in *admitting that* most officers are honest. [*The Guardian. Tue 9*

31.**Seeing (that)** + SbCL (N/Prg+Vg)+Pr CI(N/Prg +Vg)

Aug 2016]

Seeing that she has no money, Sally won't be going shopping. [*The Guardian. Wed 20 March 2016]*

33.**Presuming (that)** + SbCL (N/Prg+Vg)+Pr CI(N/Prg +Vg)

Presuming that the next iPhone will have LTE, that's another reason to not buy an Android phone with LTE as well, he added. [*The New York Times-Tech. Aug. 19, 2001]*

33.Pr C1(N Prg +Vg) + **allowing that** + (N/Prg+Vg

This was changed in the time of Edward I of England, *allowing that* he sue in the common law courts. [*The Guardian. Fri 20 May 2016*]

34.Pr C1(N Prg +Vg) + ***on the understanding that*** + (N/Prg+Vg)

He was persuaded to come to London *on the understanding that* he would be protected. [*The New York Times-Film. Aug. 19, 2001*]

35.***On the understanding that*** + SbCL (N/Prg+Vg)+Pr CI(N/Prg +Vg)

1) *On the understandding that* he practised the piano every day, I hired him. [*The New York Times-Film. Feb. 9, 2011*]

2) He was only released *on the understanding that* Carol would look after him. [*The Guardian. Mon 12 May 2006*]

3) Fighting stopped *on the understanding that* the sides would put their claims to a popular vote. [*The Guardian. Fri 18 Dec 2002*]

4) "Young people are sent to courts *on the understanding that* they'll still be on a pathway to rehabilitation," he said. [*The Guardian. Wed 17 Aug 2013*]

5) Production has reportedly only been allowed *on the understanding that* the romantic scenes are either toned down or removed entirely. [*The Guardian - Film. Tue 30 July 2012*]

36.Pr C1(N Prg +Vg) + ***with the understanding that*** + (N/Prg+Vg)

1) They came here *with the understanding that* they would play with Brittney Griner. [*The Guardian-Film. Tue 25 Dec 2014*]

2) "Everybody approached this *with the understanding that* this was a heightened reality," Ms. Ostroff said. [*The New York Times - Arts. June 2, 2013*]

3) In 1981 they settled *with the understanding that* Apple Computer would never enter the music industry. [*The Guardian. Tue 25 Dec 2014*]

4) "This is great television," he says, *with the understanding that* in television "great" has many meanings. [*The New York Times - Arts. Apr 18, 2012*]

5) "And these are people who moved in *with the understanding that* this airport would remain small". [*The New York Times. May 19, 2009*]

To not utter it would be *conceding that* the word was or should be unspeakable.

[*The Guardian. Wed 4 Jan 2012*]

“If” боғловчиси инглиз тилидаги шарт субординаторлари ичида энг типик шарт ва шу билан энг кўп қўлланиладиган, фаол боғловчилардан ҳисобланади. Унинг маъноси бошқа шарт субординаторлари учун инвариант, яъни умумий ҳисобланади, чунки бошқа шарт боғловчилари шарт маъносига бирор бошқа маънолар қўшадилар.

Кондиционал компонентли гипотаксемаларнинг *if* ва бошқа боғловчилар билан боғланган компонентлари семантикасида ноаниқлик мазмуни ётади. Шунинг учун улар тез-тез олмош ва олмош ўрнида қўлланилувчи равишларнинг *non-assertive* (сўроқ ва инкор гапларда қўлланиладиган) *any, anybody, anything, anywhere* шакллари ўз ичига олади.

We always touch our stars *if anybody mentions getting killed*. [*E.Hemingway. A Farewell to Arms, p 162*]

Unless билан ифодаланган шарт компонентли гипотаксемаларнинг ҳоким компонентнинг кесимидан англашилган иш-ҳаракат фақатгина *эҳтимоллик* шартини ифодалайди. Шунинг учун улар одатда *something, somebody, someone* каби олмошларнинг ассертив шакллари билан келади.

He must die in the streets *unless someone helped him*. [*Ch. Dickens. Oliver Twist, p 81*]

Шу сабабга кўра *Unless* билан бириккан гипотаксемалар доим ҳам нореал мазмундаги шарт компонентли гипотаксемаларни ифодаламайди.

“Unless” боғловчиси одатда “шарт+бўлишсизлик” ифодалайди. Шундай ҳолатда бу боғловчисини “if...not” билан алмаштириш мумкин. Масалан:

If you do **not** study harder, you’ll fail the exam. → **Unless** you study harder, you won’t pass the exam.

If students **don't** learn grammar rules, they won't get good marks. → **Unless** students learn grammar rules, they won't get good marks.

Гоҳо “unless” боғловчиси “шарт + бўлишсизлик + чегаралаш” маъноларини ифодалаши мумкин. Масалан: They always go early unless one of them is out.

Бу шарт компонентли гипотаксемада натижа фақат кишилардан бири бўлмаган ҳолатдагина рўй беради. “Unless” шундай маънода келганда уни “if...not” билан алмаштириб бўлмайди.

If you don't help me, I won't be able to lift this. → Если ты мне не поможешь, я не смогу поднять это.

Unless you help me, I won't be able to lift this. → Пока ты мне не поможешь, я не смогу поднять это.

In case” боғловчиси “шарт + тасодиф” маъноларни ифодалайди. Бу боғловчи келгусида содир бўладиган воқеани ифодаловчи шарт компонентли гипотаксемаларда ишлатилади:

*I have made all provisions **in case** anything happens to me. [The New York Times. Sep 13 2004]*

Бундан ташқари бу боғловчи ўтмишда кимдир томонидан содир этилганган бирор бир воқеани ифодаловчи шарт компонентли гипотаксемаларда ишлатилади:

*They prepared more vegetables **in case** there were vegetarians among the guests. [The New York Times. Sep 13 2004]*

“In case” ва “unless” боғловчилари ҳар доим бир маъноли боғловчилардир.

“If” боғловчиси эса кўп маъноли бўлиб, шарт компонентли гипотаксемалардан ташқари тўлдирувчи эргаш гапларни ҳам боғлайди. Масалан:

I can't tell if they go there or not.

Please, ask him if they go there or. [The Guardian. Fri 2 May 2006]

“Provided (that)” ва “Providing (that)” боғловчилари бир бирига синоним бўлиб, уларнинг бирини ўрнига иккинчисини ишлатиш мумкин.

And you can do what you please, provided(that) you do it neatly and don't make a row over it. → And you can do what you please, providing(that) you do it neatly and don't make a row over it.

“**Suppose**” ва “**supposing (that)**” боғловчилари модал боғловчилар қаторига киради ва улар бир вақтда “шарт” ва “фараз” маъноларни ифодалайди. Шунингдек улар ифодалаган синтактик алоқа анча мустақил бўлади, шунинг учун бу боғловчилар билан келган шарт компонентли гипотаксемалар осонгина иккита содда гапга бўлиниб кетиши мумкин. Масалан: *"Well, **supposing** I do love him?" thought Princess Mary. [The Guardian. Fri 12 May 2016]*

“**On condition (that)**” боғловчиси бирор шахснинг бошқа шахсга бирор ҳаракатни бажариш учун шарт қўйиш маъносида қўлланади:

She agreed on condition that she would not have to speak a line. [THE SUNDAY TIMES. MARCH 19 2013]

Боғловчи “**given that**” янги бўлиб у ҳам “if “дан қолишмайди, унга бемалол синоним бўла олади, мисол:

*We shall finish the work in time **given that** we have enough material[THE SUNDAY TIMES. APR 25 2003].*

The gang will go there immediately given that they are guaranteed safety. [THE NEW YORK TIMES. MARCH 6 2011].

Замонавий инглиз тилида “**Only if** “ эргаштирувчи боғловчиси ишлатилганда шарт муносабати муайян натижага сабаб бўладиган маъноларни ифодалайди.

*I wake up **only if** the school bell rings. [The Guardian. Wed 19 May 2009]*

“**Even if** “ эргаштирувчи боғловчиси шарт компонентли гипотаксемаларда агар бошқа воқеа юз берган тақдирда ҳам, ҳоким компонент кесимидан

англашилган иш ҳаракат ҳали ҳам тўғри бўлиши мумкинлигини таъкидлаш учун ишлатилади.

You'll have to lump it even if you don't like it. [The Guardian. Wed 19 May 2009]

2)асиндетик усул (субординаторсиз боғланиш, унда компонентлар ва улардаги бўлақлар тартиби ўзгариши мумкин), масалан:

Pr Cl(Vg +N/Prg), SbCL (N/Prg+Vg);

Were Jack here, he would say the last word.

Ўзбек тилида ККГнинг жами 38 хил субординаторлар орқали боғланиши биз томонимиздан илк бор аникланди ва қолипга солинди
Масалан:

1. **Агар+SbCL(N/Prg 4-Vg) +ca, Pr Cl (N/Prg+Vg)**

Агар танграм насиб қилса, ушалиши ҳеч гап эмас.[П.Қодиров. Юлдузли Тунлар, 245 б.]

2. **Агарки+ SbCL(N/Prg +Vg) +ca, Pr Cl (N/Prg+Vg)**

Агарки Хонзода бегимнинг сурати ҳақида сиз айтган гапни подшоҳ ҳазратлари билиб қолсалар, нима бўлишини ўйлайсизми? [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 8 б.]

3. **Агарким+ SbCL(N/Prg +Vg) +ca, Pr Cl (N/Prg+Vg)**

Агарким босқинчиларни топиб жазо бермасангиз, мен подшоҳ ҳазратларининг хузурларига паноҳ истаб кетишга мажбур бўлурмен!
[П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 9 б.]

4. **Борди-ю +SbCL (N/Prg + Vg) + ca Pr Cl (N/Prg+Vg)**

Борди-ю, Бобур мирзо Қундузда бўлмасалар, тоғ ошиб Андижонга ўтган бўлсалар ёки Кобулга қайтган бўлсалар, унда не қилурмиз. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 202.б])

5. **Баишарти + SbCL (N/Prg +Vg) + ca, Pr Cl (N/Prg+Vg)**

6. **Мабодо + SbCL(N/Prg+Vg) + ca, PrCl(N/Prg+Vg)**

Башарти, у Шоҳ Исмоил таклиф қилаётган иттифоқни рад этиб, Андижонга ёки Самарқандга ўзича юриш қилса, шоҳ ундан айниб, шайбонийзодалар билан иттифоқ тузиши мумкин эди. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 207.б]

Мабодо вафот этсам, мени Кобулга элтиб кўмгин. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 273.б]

7. **Мабодо**+ SbCL (N/Prg + Vg) +.... **ар екан.** Pr Cl
(N/Prg+Vg)

8. **Мабодо**+SbCL (N 'Prg +Vg) + **саму.**Pr Cl (N/Prg- Vg

Мабо

до улар саройга келар екан, ҳозирлик кўринг. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 372 б.]

Мабодо чиқиб қолгудай бўлсам, шу лахзадаёқ тутиб олиб, мижғилаб ташларди. [Ч.Айтматов. Асрга татиғулик кун, 7 б.]

9. **Мабодо** + SbCL (N/Prg + Vg)+**сачи экан,**
Cl(N\Pr+Vg)

Мабодо, сен ўйлагандай бўлиб чиқмасачи, бу хазилакам гап эмас. [Ч.Айтматов. Асрга татиғулик кун, 368 б.]

10. **Модомики**+ SbCL (N/Prg +Vg)+ **са,** Pr Cl (N/Prg+Vg)

Модомики канал битгунча ишлагинг келса, сенга бошқа иш топиб бераман.

[С.А

11. Pr Cl(N/Prg + Vg) + **са.** SbCL (N/Prg+Vg)

хмад

. Уфқ, 202.б]

Гумонимча эрталаб Қўқондан чиқса, аср вақтларида Марғилонга кирадир. [А.Қодирий. Ўткан кунлар, 182 б.]

12. **Агар** +SbCL(N/Prg+**шундай** + Vg(-**бўлса**), Pr Cl
N/Prg+**шундай**+Vg)

Агар шундай деб сўрагудек бўлса, Низомжоннинг кетиб
қолишига энг асосий сабабчи ўзи эканини
биларди. [С.Ахмад. Уфқ, 412 б.]

13. **Хатто**+ SbCL (N/Prg +Vg) + **са ҳам**, Pr Cl (N/Prg+Vg)

Хатто у роса чарчаган бўлса ҳам, барибир ўз айтганини қилди.

[С.Ахмад. Уфқ, 267 б.]

14. **Гарчи**+ SbCL (N/Prg + Vg) + **са ҳам**. Pr Cl (N/Prg+Vg)

Гарчи ўзининг Шайбонийхонга ўғил бўлишини билса ҳам, кун сайин ёмон
кўриб борарди. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 227 б.]

15. **Айтайлик** +SbCL (N/Prg +Vg) + **са**, Pr Cl (N/Prg+Vg)

Айтайлик у бу ерга ташриф буюрса, сиз уни қабул қиласизми?
[П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 174 б.]

16. **Гар**+ SbCL (N/Prg +Vg) + **са** Pr Cl (N/Prg+Vg)

Гар учратсанг, не гапинг бор? [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 154 б.]

17. **Гарчи**+SbCL (N/Prg +Vg) + **са**. Pr Cl (N/Prg+Vg)

Гарчи ҳозир Отабекнинг кўлёмаси ўз кўлида бўлса ҳам яна кўркунчи йўқ
эмасди. [А.Қодирий. Ўткан кунлар, 181.б]

18. SbCL (N/Prg +Vg) + **са эди**. Pr Cl (N/Prg+Vg)

Агар ёлғиз учратолса эди, албатта, овқат келтиришни ялиниб сўрарди.
[С.Ахмад. Уфқ, 399 б.]

19. SbCL (N/Prg +Vg) + **са экан**, Pr Cl (N/Prg+Vg)

Азизхон шу ерда бўлса экан, барча муаммоларимиз ҳал бўлган бўларди.
[С.Ахмад. Уфқ, 282 б.]

20. SbCL (N/Prg +Vg) + **са канийди**. Pr Cl + (N/Prg+Vg)

Шундай бўлса қанийди, ўғлини Оқмояга мингаштириб
олардида. [Ч.Айтматов. Асрга татиғулик кун, 167 б.]

21. SbCL (N/Prg +Vg) + **сагина** +PrCl + (N/Prg+Vg)

Акамдан рухсат бўлсагина, мен у ерга бораман. [С.Ахмад. Уфқ, 99 б.]

22.SbCL (N/Prg +Vg) + **са-чи**, + PrCl (N/Prg+Vg)

Агар Шайбонийхон ичкарига «қоққон» қўйган бўлса-чи, Бобур бу «қоққон»га ўз оёғи билан кириб борадими? [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*,

23.SbCL (N/Prg +Vg) Pr Cl (N/Prg+Vg)

119.б]

Қоровул бизни сезиб қолдими, орқага қочамиз.

24.SbCL (N/Prg + Vg) +**са борми**, Pr Cl(N/Prg+Vg)

Агар бир шаррос қуйиб берса борми, ўроқ ҳам, янчиш ҳам қийин бўлади. [С.Ахмад. Уфқ, 674 б.]

25.SbCL (N/Prg +Vg) + **саки**, Pr Cl (N/Prg+Vg)

Ҳа, кейин билсаки, Бобур мирзо узоқни ўйлаб шундай қилган эканлар. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 166 б.]

26.Pr Cl(N/Prg +Vg)+ санг,.... **динг. бўлмаса** + SbCL (N/Prg+Vg)

У кишини топсанг топдинг, бўлмаса сен тўғрингда гап очиб кўраман. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 165 б.]

27. Pr Cl(N/Prg +Vg) + ди(лар) (**-сан(-сиз,-миз)**),**акс ҳолда**+ SbCl (N/Prg +Vg)

Мен айтган гап шу ерда қолсин, акс ҳолда мендан озурда бўлманг. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 7 б.]

28.Pr Cl(N/Prg +Vg) +**динг (-из/, -ди/-к)** **йўқса** + SbCL (N/Prg+Vg)

Ишчилар қонга борадилар, йўқса ишни тугатишлари дарғумон.

29.Pr Cl(N/Prg +Vg) +**са албатта**+ SbCL(N Prg+Vg)

Илож топсалар, албатта келурлар. (П.Қодиров. "Юлдузли тунлар" 21.б)

31.Pr Cl(N/Prg +V.) + **са эхтимол**, +SbCl(N/Prg+Vg)

Ўшда мен рози бўлсам, эхтимол кейин Аҳмад Танбал сизга бунча ёғийлик қилмас эди. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 127 б.]

32. Pr Cl(N/Prg+Vg) + *ганда эди, эҳтимол* + SbCL (N.Prg+Vg)

Тоҳирнинг кайфи бўлмаганда эди эҳтимол, эгарнинг яхши урилмаганини тез сезган бўларди. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 253 б.]

33. *кошки* +SbCL (N/Prg +Vg) + *иб*, Pr Cl (N/Prg+Vg+ca)

Кошки, ўзлари билан ўзлари олишиб, бизни тинч қўйсалар. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 6 б.]

34. *Зора*+SbCL (N/Prg+Vg + ca, Pr Cl (N/Prg +Vg)

Зора бу иккаласи бир-бирининг бошини еса-ю, Бобурнинг бекилган йўллари очил-са. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 158 б.]

35. PrCl(N/Prg +Vg).+*шояд* +SbCL (N/Prg+Vg + ca)

Барча яхши кучлар бирлашса-ю, шояд фалокатнинг олдини олишга муяссар бўлсалар. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 171 б.]

36. SbCL (N/Prg + Vg) + *са /инг,-нгиз-лар, бас* + Pr Cl (N/Prg+Vg)

Мана шу Зарафшон боғининг бир гўшаси бўлса бас, ортиқча савдару мулозимлар ҳам даркор эмас. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 298 б.]

37. SbCL (N/Prg +Vg) *са /-аг,-нгиз,-лар/ бўлди* + Pr Cl (N/Prg+Vg)

Моҳим, сиз мени кечирсангиз бўлди, мен сиздан розимен. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 302 б.]

38. Pr Cl(N/Prg+Vg) + *қанча*+ SbCL (N/Prg +Vg + ca).

У ҳар қанча оч бўлса ҳам Тоҳирнинг олдида дарҳол нон қавшашдан ўзини тутди. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 69 б.]

39. Pr Cl(N/Prg+Vg) + *са ҳамки*+ SbCL (N/Prg +Vg).

Хонзода бегим ўгай бўлса ҳамки ҳар қалай, Жаҳонгир мирзонинг опаси эди. [П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*, 77 б.]

40. SbCL (N/Prg +Vg) + *ма+й*, + PrCl (N/Prg+Vg)

Жафо чекмай, жанона қайда? [Ўзбек халқ мақоллари] яъни (жафо чекмасанг, жанона қайда?).

41. Pr Cl(N/Prg+Vg) + бۆлмаса+ SbCL (N/Prg +Vg).

Бу қози ҳам энди Жаҳонгир мирзо томонига ўтибди-да, бۆлмаса бунчалик жон куйдирармиди? [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 79 б.]

42. Pr Cl(N/Prg+Vg) + йўқса+ SbCL (N/Prg +Vg).

Сурат олинаётган вақтда ҳамма тек ўтириши керак, йўқса сурат бузилади. [Халқ сўзи, Газета]

Ҳозирги тилда бۆлмаса сўзи йўқса сўзига нисбатан кўп қўлланилади. Бу боғловчилар қўшма гапдаги ҳар икки воқеанинг бир бирига қарама қарши қўйилганини кучайтиради. Шартдан кейин келиб чиқадиган натижани яққол кўрсатиб беради.

-ми орқали эргаш гап бош гапга боғланади. Бунда -ми юкламасини олган феъл шарт компонентли гипотаксемаларнинг кесимига қўшилиб келади ва -са формасини олган феъл кесимга ўхшаш функцияни бажаради.

Яна тагин гўзал малика билан яшириқча тил бириктириб сурат чизгани кизнинг подшоҳ отасига маълум бўлса борми, мулла Фазлиддинни тилка-пора қилиб ташлашлари ҳеч гап эмас. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 7 б.]

2) асиндетик усул (субординаторсиз боғланиш, унда компонентлар ва улардаги бўлақлар тартиби ўзгариши мумкин), масалан:

SbC L (N/Prg +Vg), Pr Cl (N/Prg+Vg)

Сиз ишга чиқасиз, маошингизни оласиз (акс ҳолда олмайсиз).

Шарт компонентли гипотаксемалар сўзловчи учун ҳар уч замон бўйича реал равишда юзага келадиган ҳаракатни ёки тахминланган воқеани ифодалайди. Шунинг учун уларни реал, ирреал, мўлжалланган деб қатъий равишда 3 типга бўла олмаймиз. Чунки улар орасида қатъий чегара йўқ.

Бу ҳақда проф.Н.К Дмитриев шундай дейди “ В башкирском как и во всех тюркских языках, нельзя проводить такое строгое различие между реальным, ирреальным и возможным случаями условности, как это делается в античных грамматиках”. [Н.К. Дмитриев, Грамматики башкирского языка, 268 б.]

П.И Кузнецов хам турк тилидаги шарт эргаш гап типларининг 3 та эмас, 2 та эканлигини исботлаб беради.

Шарт компонентли гипотаксемалар реал воқеани ифодалаганда эргаш гапдаги шарт (А) бош гапдаги натижани (Б) ни келтириб чиқаради. Агар эргаш гапдаги А бўлмаса, бош гапдаги Б ҳам бўлмайди.

Иш шу хилда борса ,кайфият шу бўлса, ҳадемай капсанчилардан биронта ҳам якка хўжалик қолмаслиги муқаррар эди. [А.Қаххор. Сароб, 84.б]

Агар бирон дўконда дўкончи ичкилик сотса, қаттиқ жазога тортилишини уқтурган эди. [С.Ахмад.Уфқ, 222 б.]

Агар уни ўлдирмасанг, сени ўзим ўлдираман. [С.Ахмад.Уфқ, 241 б.]

Эргаш гапдаги шарт реал воқеани эмас, тахмин қилинган, мўлжалланган воқеани хам ифодалаши мумкин.

Агар у астойдил қасд қилса қар қандай эркакнинг ҳам юрагини ёндира олади. [С.Ахмад.Уфқ, 335 б.]

Грамматик кўрсаткичларнинг ўзи боғловчиларсиз шарт маъносини ифодалашга хизмат қилади. Шу грамматик кўрсаткич (ёрдамчи) хатто шарт компонентли гипотаксеманинг субектини хам кўрсатиши мумкин.

Шарт компонентли гипотаксемалар бош гапга бир неча хил йўл билан боғланади: **-са** аффикси, **-ган+да** формаси, **-р** экан формаси, **- ми** ёрдамчиси, **-ки** ёрдамчиси, **бўлмаса** ёрдамчиси, **-ма +й** формаси, ёрдамчисиз интонатсиянинг ўзи орқалигина боғланиш.

-са аффикси орқали. Бу ёрдамчи шарт компонентли гипотаксемалардаги феъл кесимларга қўшилиб келади ва тубандаги маъноларни билдиради.

А) бош гапдаги воқеанинг бажарилишидаги шартини кўрсатади:

Агар Бобур унинг қўшинига бош бўлиб Шайбонийхонни енгса, кейин одамлар Маҳмудхонни эмас, Бобурни ва унинг истеъдодини улуғлайди. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 145 б.]

Б) хаёл қилиш, орзу маъносини билдиради:

Йўл нишаб бўлса-ю, шамол орқадан эсса, чопқир отлар янада тезроқ учиши мумкин. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 135 б.]

В) танбеҳ қилиш, огоҳлантириш маъносини билдиради:

Агар шунга тегсанг сўяман, пичоқ чархлатиб келдим. [С.Ахмад. Уфқ, 22.б.]

Г) сўзловчининг нутққа муносабатини ифодалаб, кириш гап холида келади:
Жоиз бўлса, баъзи жойларини амирзодамга ўқиб берай. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 131 б.]

Д) Гумон маъносини билдиради:

Навоийнинг ҳузурига кирган бўлса, бошқа кўп нарсаларни ҳам айтиб берган бўлиши керак. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 108 б.]

Е) Армон қилиш, ачиниш маъносини ифодалайди:

Ўшда мен рози бўлсам, эҳтимол кейин Аҳмад Танбал сизга бунча ёғийлик қилмас эди. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 127 б.]

Ё) сабаб маъносини кўрсатади

Агар Турсунбойни сал иситма олиб қолса, эр-хотин уйқу нималигини унутишар, бошидан нари кетишолмасди. [С.Ахмад. Уфқ, 10.б.]

Й) -са дан кейин **-чи** юкламаси кўшилиб келиб илтимос ўқиниш, қисташ, буюриш, хадик каби маъноларни билдиради.

Самарқандни олганидан кейин сўзидан қайтсаю, Зухра бегимни мана бу қоронги тунда ўқириб йиғлаётган аёлнинг аҳволига солсачи? [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 108 б.]

Қиёсланаётган замонавий инглиз ва ўзбек тилларида ККГларнинг лингвокультурема сифатидаги ўзига хос лингвокультурологик жихатлари ҳам мавжуд бўлиб, бундай жихатлар мазкур гипотаксемаларнинг қуйидаги тавсифларида ўз аксини топали: 1) ККГ синтаксо-культуремадир; 2) ККГ таркибида бошқа (эрон, форс ва б.к.) тиллардан ўзлаштирилган субординаторлар бор {агар, агарки, агарким, модомики, мабодо, башарти, қошки, зора, шояд, гарчи, гар ва х.к.}; 3) ККГ фразеология* табиат, тавсиф ва таснифга эга; 4) синонимик ва омонимик табиатга эга; 5) айрим ККГ тилга

янги кириб келган синтактик неологизмлардир; 6) ККГнинг функционал стилларда кўлланиш имкониятлари ҳар хил; 7) ККГ бетакрор таркибга ва кўлланишига эга;) ККГ ўзига хос социолингвистик тавсифга эга ва х.к.:

2.2. Турли тизимдаги тилларда шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингвокультурологик жиҳатлари қиёсий тадқиқи

Бугун фанда, хусусан, тилшунослик илмида ҳам дастлаб америка олими Т.Кун томонидан (физика фанига нисбатан) амалиётга киритилган [Кун.Т.Структура научных революций, 11 б] “илмий муаммони қўйиш ва ҳал қилишнинг мутахассислар эътироф этган яхлит андазаси, фан объектига умумий назар, назарий қоидалар, методлар тизими” маъносидаги “парадигма” термини урф бўлди. Ю.С.Степанов семиотикада тил уч ўлчовда – семантика (белгининг ўзи ифодалаган объектлар ва объектлар ҳақидаги тушунчалар билан муносабати), синтактика (белгиларнинг бир-бири билан муносабати), прагматика (белгининг тилдан фойдаланувчи одам билан муносабати) ўлчовларида тавсифланишидан келиб чиққан ҳолда “парадигма” терминини мазкур маънодан бироз кенгроқ, яъни тил фалсафасига (тилга у ёки бу фалсафий оқим билан боғлиқ ҳолдаги қарашлар), тафаккур услубига дахлдор тушунча сифатида қўллайди [Степанов. Ю.С. В трехмерном пространстве языка, 4-5 б.] ва бутун бошли монографиясини қуйидаги уч парадигманинг батафсил тадқиқига бағишлайди: 1. Семантик парадигма («ном фалсафаси» тилга семантик ёндашув ифодаси сифатида). 2. Синтактик парадигма («предикат фалсафаси» тилга синтактик ёндашув ифодаси сифатида). 3. Прагматик парадигма («эгоцентрик сўзлар фалсафаси» тилга прагматик ёндашув ифодаси сифатида). Табиийки, атоқли тилшунос парадигмани тилга муайян даврда муайян фалсафий оқим билан боғлиқ ҳолда амалда бўлган ҳукмрон қараш сифатида тушунгани учун, масалан, семантик парадигмани шундай парадигма деярли шаклланиб улгурган (камида, номларнинг тўғрилиги ҳақидаги мунозарани эсга олиш мумкин) энг қадимги, антик даврдан бошлаб таҳлил қилади.

Айтиш лозимки, мазкур таснифдаги учинчи парадигма алоҳида диққатга сазовор. Ю.С.Степанов бу ҳақда, хусусан, шундай ёзади: “Тил фалсафасининг янги парадигмаси олдинги икки парадигмага қараганда икки мутлақ фарқ билан характерланади: 1) яхлит тил ундан фойдаланувчи субъект билан – “Мен” билан боғланади; 2) тил тавсифи учун фойдаланиладиган барча тушунчалар релятивлаштирилади (вазифага нисбатланади): номлар, предикатлар, гаплар – уларнинг барчаси, бир-биридан фарқли бўлса-да, вазифалар сифатида қаралади”.[Степанов. Ю.С. В трехмерном пространстве языка, 216 б.] Муҳими шуки, бу парадигмада фақат тилнинг ўзи эмас, балки тилдан фойдаланувчи, тилнинг эгаси ҳам тадқиқ объекти таркибига табиий равишда киради.

Кўриниб турганидай, Ю.С.Степанов парадигма тушунчасини тилшуносликнинг энг қадимги даврдан то бугунигача бўлган даврларига нисбатан қўллайди. Аксарият тилшунослар бу тушунчани Европада тилшунослик фанининг шаклланиш санаси деб ҳисобланувчи XIX асрдан кейинги даврлар тарихи учун қўллашга мойилдирлар. Бугун тилшунослик фанида парадигмалар миқдори ҳақида турли фикрлар мавжуд бўлса-да, асосан, уч парадигмани фарқлаш анъана тусини олган, яъни 1) қиёсий-тарихий, 2) систем-структур ва 3) антропоцентрик парадигмалар. [Маслова. Б.А. Лингвокультурология, 5 б.]

В.А.Маслова тилшуносликда бир парадигма ўз ўрнини бошқасига тамоман бўшатиб бермаслигини, муайян бир пайтнинг ўзида бу парадигмалар ёнма-ён яшаши мумкинлигини таъкидлаб, мазкур парадигмаларни мухтасар бир шаклда қуйидагича тавсифлайди: Қиёсий-тарихий парадигма лингвистикадаги дастлабки илмий парадигма бўлган, зотан, қиёсий-тарихий метод тилни тадқиқ этишнинг биринчи махсус методи бўлган. Бутун XIX аср айна шу метод ҳукмронлиги остида ўтди. Систем-структур парадигмада диққат предмет, нарса, номга қаратилди, шунинг учун диққат марказида сўз турди. Ҳатто учинчи минг йилликда ҳам тилни систем-

структур парадигма доирасида тадқиқ этиш мумкин, чунки бу парадигма тилшуносликда ҳамон давом этмоқда, унинг давомчилари миқдори анчайин катта. Бу парадигма доирасида яратилган фундаментал ишлар ҳозирги тадқиқотчилар учунгина эмас, балки бошқа парадигмаларда изланиш олиб борадиган келажак авлод тилшунослари учун ҳам қимматли маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Антропоцентрик парадигма тадқиқотчи диққатининг билиш объектидан субъектига кўчишидир, яъни бунда инсон тилнинг ичида ва тил инсон таркибида ўрганилади. Бу фикрларидан кейин В.А.Маслова ғоят асосли равишда таъкидлаганидек, “тилнинг антропоцентриклиги ҳақидаги ғоя замонавий лингвистикада очқич мақомидаги ғоядир. Бизнинг давримизда энди тил системасининг шунчаки турли тавсифларини яратиб бериш лингвистик таҳлилнинг мақсади бўла олмайди”. [Маслова.Б.А. Лингвокультурология, 6 б.]

Тилнинг ана шундай объектив хусусиятига мувофиқ равишда антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади. Мутахассислар таниқли рус адиби С.Довлатовнинг “инсон шахсиятининг 90 фоизини тил ташкил қилади” деган ҳикматомуз гапини тилга оладилар. В.А.Маслова таъкидлаганидай, инсон ақлини, инсоннинг ўзидай, тилдан ва нутқ яратиш ҳамда нутқни идрок қилиш қобилятидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. У ўринли кўрсатиб ўтганидек, кейинги ўн йилликларда ҳозирги тилшуносликда мазкур парадигма доирасида шаклланган когнитив тилшунослик ва лингвокультурология (лисоний маданиятшунослик) йўналишлари тилдаги маданий омил ва инсондаги лисоний омилга қаратилган бўлиши лозим. “Лингвокультурология тилни маданият ҳодисаси сифатида ўрганади. Бу дунёни миллий тил призмаси орқали ўзига хос тарзда кўриш бўлиб, бунда тил алоҳида миллий менталликнинг ифодачиси сифатида иштирок этади”. Бугун лингвокультурология рус ва бошқа хорижий тилшуносликларда алоҳида лингвистик йўналиш сифатида

шаклланди ва ривожланиб бормоқда, ўқув фани сифатида филологик олий таълим тизимига кириб ҳам бўлди. “Вазифаси тил ва маданият, тил ва этнос, тил ва менталитет ўртасидаги ўзаро муносабатни тавсифлаш ва ўрганишдан иборат бўлган” бу йўналиш ўзбек тилшунослигида кўпроқ қиёсий аспектдаги изланишларда энди-энди бошланмоқда.

Лингвокультурологияга бағишланган илмий тадқиқот ва ўқув адабиётларининг деярли барчасида тилга антропоцентрик ёндашув гарчи XX аср охири – XXI аср бошида янгидан пайдо бўлган эса-да, унинг илдизлари немис олими В.Фон Гумбольдтнинг машҳур ғояларига бориб тақалиши таъкидланади. Чиндан ҳам, унинг “Тил халқлар руҳининг худди зоҳирий намоён бўлишидир: халқнинг тили унинг руҳидир ва халқнинг руҳи унинг тилидир, булардан-да бир-бирига айнан мос бошқа бирор нарсани тасаввур қилиб бўлмайди”; “Тилларнинг хилма-хиллиги товушлар ва белгилардаги фарқлар туфайлигина эмас, балки дунёни кўришнинг ўзидаги фарқлар туфайли ҳамдир”; “Турли тиллар миллатлар учун уларнинг оригинал тафаккури ва тасаввури органлари эканлигини умумэътироф этилган деб ҳисоблаш мумкин”; “Тафаккур умуман тилга шунчаки боғлиққина эмас, у муайян даражада ҳар бир алоҳида тил билан шартланган ҳамдир”; “Характер яратиш учун энг қулай восита тилдир; бутун миллий характер фақат тилда муҳрланган”; “Миллатнинг характерини ахлоқ, одат, хатти-харакатидан кўра, тилига қараб осонлик билан билиш мумкин каби [Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию, 68 б.] фикрларида алломанинг, таъбир жоиз бўлса, лингвоантропологик фалсафаси ўзининг очик ифодасини топган. Маърифатпарвар Абдулла Авлоний бежиз “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур” [Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 60 б.] демаган.

В.Гумбольдтнинг мазкур ғоялари кейинроқ Й.Л.Вайсгербер, Э.Сепир, Б.Уорф, А.А.Потебня каби бир қанча олимлар томонидан ривожлантирилди ва тарғиб этилди. Бугун дунёда оламни билишда тилнинг устувор роли,

унинг реал борлиқ ва онга фаол таъсири, инсоннинг бутун руҳий ва билиш фаолиятида бош омил ва асосий манба эканлиги деярли эътироф этилган, айни шу ҳақиқат тилга антропоцентрик ёндашувнинг мустаҳкам заминини ташкил этади.

Лингвокультурология анча янги йўналиш бўлишига қарамасдан, олимлар томонидан нисбатан кенг ўрганилиб, бу соҳада кўплаб ишлар чоп этилди. Далил сифатида А.Г. Максимовскихнинг ўз илмий мақоласида бериб ўтган қуйидаги маълумотини келтиришимиз мумкин. Унинг айтишича, XX асрнинг 1015 йил оралиғида Россиянинг ўзида 4 та лингвокультурологик мактаб очилиб, ўз илмий фаолиятларини олиб бордилар: Й.С. Степанов мактаби, Н.Д. Арутюнова мактаби, В.Н. Телия мактаби, В.В. Воробев мактаби [Гурал С. К. Синергетика и лингвосинергетика, 7 б.].

Барчамизга маълумки, ўрганилаётган ҳар бир фан ўз мақсади, объекти, предметига эга бўлади, шу жумладан лингвокультурология фани ҳам. Бугунги кунга келиб лингвокультурология фан сифатида тан олинар экан, бу фанинг мақсади этимология ва унинг бошқа фан тармоқлари орқали тўпланган маълумотларни жамлаш, тил ва маданият муносабати ва механизмини аниқлаш, объекти- тил ва маданият бўлса, унинг предмети- тил ва маданият муносабатининг фундаментал масалаларини ўрганиш ҳисобланади [Леденов Ю.И. Системность и синергетика как факторы устойчивости языка, 11-12 б.]

Сир эмаски, антропонимия маданий лингвистикага чамбарчарс боғлиқ. “Тил”, “маданият” ва “миллат” каби ибораларнинг ўзаро боғлиқлиги поетонимияда яхлит бўлимни юзага келтиради ва бу Шолоховнинг антропонимиясида яққол ўз ифодасини топган. Маданий лингвистика муаммоларини ўрганишнинг боғлиқлигини тил ва маданият бир-бири билан яқин алоқада бўлган матн антропонимиясини ўрганишга бўлган эътиборнинг ортиб бораётгани билан белгиланади. Кенг маънодаги рус исмлар тизимини лингвистик англашда юқори ўрин туради [Леденов Ю.И. Системность и

синергетика как факторы устойчивости языка, 21-22 б.].

Турли тизимли тилларда шарт компонентли гипотаксемаларнинг тадқиқига оид илмий ишлар бир қатор хориж (Л. Бархударов, Б. Ильиш, И. Иванова, Б. Хаймович, Б. Рогвская, Х. Суит) ва ўзбек тилшунос олимлари (У. Юсупов, Ў. Ҳошимов, А.Нурмонов, Н.Махмудов, Ғ.М.Ҳошимов, М. Абдувалиев ва бошқалар) томонидан маълум даражада ўрганилган ва тадқиқ қилинган. Бироқ шарт компонентли гипотаксемаларнинг антропоцентриқ тавсифи билан чамбарчас боғлиқ бўлган уларнинг лингвокультурологик ва коммуникатив-прагматик жиҳатлари алоҳида таҳлил объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.


Ушбу рисоланинг асосий вазифаси турли тизимдаги тилларда шарт компонентли гипотаксемаларнинг структурал-семантик хусусиятлари билан узвий боғлиқ бўлган уларнинг лингвокультурологик ҳамда коммуникатив-прагматик жиҳатларини очиқ беришдир.

Бизнингча шарт компонентли гипотаксема политаксеманинг бир тури бўлиб, у шарт субординаторлари орқали боғланган, камида иккита компонентдан ташкил топган ва “шарт концептуал семантикаси”ни воқелантирувчи тил бирликларидан бири бўлиб, универсал табиатга эга бўлган, йирик синтактик бирлик сифатида ўзига хос лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик жиҳатларини ўзида мужассамлаштира олган синтактик қурилмадир. [Ғ.М.Ҳошимов 24:96]

Маълумки, тилда янги унсурларнинг пайдо бўлиши ва мулоқот тизимига кириб бориши уларнинг лингвокультурологик жиҳатларидан далолат беради, чунки эски унсурлар тилда сўзлашувчи ёки ёзувчиларнинг кундалик мулоқот эҳтиёжини қондира олмаганда янги унсурлар улар билан бир қаторда қўлланила бошлайдилар. Айниқса, шарт компонентли гипотаксемаларнинг синкретик (қоришиқ) турлари мавжудлиги ҳар бир тилда уларнинг янги лисоний ва нутқий воқеланишининг далили бўлиб, тилда сўзлашувчи ёки ёзувчиларнинг

лингвомаданиятидаги эҳтиёжлардан келиб чиқувчи бир қатор мураккаб лингвокогнитив жараёнлар оқибатидир. Демак, бундай ўзгаришларнинг боиси тилда сўзлашувчи ёки ёзувчиларнинг мулоқот маданиятида ҳам тегишли ўзгаришга сезиларли эҳтиёж келиб чиққанлигидан далолат беради.

Замонавий инглиз тилида шарт компонентли гипотаксемалар таркибида *if, unless, once, in case, on condition that* каби анъанавий, эски шарт субординаторлари билан бир қаторда уларга нисбатан янги мақом ва турдаги боғловчи воситалар ҳам қўлланила бошланди. Булар қуйидагилар:



“provided (that)”, “providing (that)”, “suppose”, “supposing that”, “considering (that)”, “admitting (that)”, “presuming (that)”, “seeing (that)”,

assuming (that)”, “*allowing that*”, “*on the understanding that*”, “*with the understanding that*”, “*conceding that*”, “*granted that*”, “*granting that*”, *given(that)* ва бошқалар янги боғловчи воситалар, яъни субординаторлар сифатида тил тизимида ўзларининг махсус вазифаларига эга.

1. ***Provided that*** the boat leaves on time, we should reach France by morning. [Longman Dictionary of Contemporary English]

Таржимаси: Агар қайиқ вақтида жўнаса, биз Францияга ерталабгача етамиз.

2. ***Providing that*** there are enough seats, anyone can come on the trip. [Longman Dictionary of Contemporary English]

Таржимаси: Мабодо ўриндиқлар етарли бўлса, хар қандай одам сайрга келиши мумкин.

3. We may as well go to the concert, ***seeing that*** as we’ve already paid for the tickets. [Macmillan Dictionary]

Таржимаси: Биз билетларга аллақачон тўлаб бўлганимизни ҳисобга олсак, концертга боришимиз мумкин.

4. ***Even assuming that*** smokers do see the warnings, I doubt they’ll take any notice. [Cambridge Dictionary]

Таржимаси: Хатто чекувчилар соғлиқдаги огохлантиришларни кўрса ҳам улар буни инобатга олишига шубхам бор.

5. It was surprising that the government was re-elected, ***given that*** they had raised taxes so much. [Oxford Learner’s Dictionary of Academic English]

Таржимаси: Гарчи улар солиқларни оширишига қарамай, бу ҳукуматни яна қайтадан сайланиши ҳайратланарли эди.

6. ***Suppose*** you won the lottery, what would you do with money? [Macmillan Dictionary]

Таржимаси: Мабодо сиз лотереяда ютганизда, пулни нима қилган бўлардиз?

7. ***Supposing that*** you lost your job tomorrow, what would you do? [Longman Dictionary of Contemporary English]

Таржимаси: Айтайлик, эртага ишизи йўқотсез, нима қилган бўлардиз.

8. *They have made remarkable progress, **considering (that)** they the only started last week. [Macmillan Dictionary]*

Таржимаси: Уларни эндигина ўтган ҳафта бошлаганини ҳисобга олсак, сезиларли даражада олдинга силжиди.

9. *But there are no theoretical or empirical grounds for **presuming that** it is a reasonable assumption [Cambridge Dictionary]*

Таржимаси: Агарда бу оқилона тахмин бўлса, лекин на назарий на эмпирик асосга эга эмаску.

10. ***Granted that** she has a masters degree in Education, nevertheless she's completely unqualified to teach this course. [Oxford Advanced Learner's dictionary, 7th edition.]*

Таржимаси: Гарчи унда магистрлик даражаси бўлсада, шунга қарамай бу курсни ўқитиш учун у етарлича малакали эмас.

11. ***Granting that** it is a simple test to perform, it should be easy to get results quickly. [Oxford Advanced Learner's dictionary, 7th edition.]*

Таржимаси: Агарда бу бажариш учун оддий тест бўлса, натижаларини ҳам тезда олиш осон бўлиши керак.

12. *To not utter it would be **conceding that** the word was or should be unspeakable.*

Таржимаси: Агарда бу сўз гапирилмайдиган бўлганида, гапирилмасди.

14. ***On the understanding that** he practised the piano every day, I would hire him.*

Таржимаси: Агарда у ҳар куни пианинада машқ қилганида, мен уни ёллаган бўлардим.

15. *We started **with the understanding that** there's a small fixture factory there," Mr. Poses said. [The New York Times. Aug 17 2013]*

Таржимаси: Агарда бу ерда кичкина мосламалар фабрикаси бўлса дея, биз бошладик.

16. This was changed in the time of Edward I of England, **allowing that he sue in the common law courts.** [The New York Times. Apr 18 2014]

Таржимаси:Агарда у умумий қонун судига олиб борилганда, Англиялк Эдвард I вақтида бу ўзгарган бўларди.

Худди инглиз тилидаги каби, ўзбек тилида шарт компонентли гипотаксемаларда ҳам эски боғловчи воситалар(“агар... са”, “агарда ...са”, “агарки.....са”, “...са” кабилар) билан бир қаторда уларнинг қуйидаги нисбатан янги турларини ажратиш мумкин:

| | | |
|----------|---|---|
| Ўзбек | <ul style="list-style-type: none"> • “борди-ю,.... са,” ; • “башарти са,”; | <ul style="list-style-type: none"> “.....са борми,”; ”...са кўринг, ... ади”; |
| тилида | <ul style="list-style-type: none"> • “мабодо..... са,....”; • “мабодо.... ар экан,....”; | <ul style="list-style-type: none"> “шоядса,.....”; “зора.....са,”; |
| янги | <ul style="list-style-type: none"> • “мабодосами, ...”; • “мабодосачи, ; | <ul style="list-style-type: none"> “кошкиса,.....”; “қанча+ са ҳам.....” |
| турдаги | <ul style="list-style-type: none"> • “модомики.....са, “; • “борингки са ҳам,.....”; | <ul style="list-style-type: none"> “ қанча+ + са хамки,”; ” ...қил, ...бўлмаса, ...майди”; |
| шарт | <ul style="list-style-type: none"> • “-са эди,” • “-са экан,.....”; | <ul style="list-style-type: none"> “...иши керак, йўқса....(л)ади”, “Холбуки.....са”; |
| суб.лари | <ul style="list-style-type: none"> • “Мабодо ганда хам , ”. | |

1)“борди-ю,.... са,” ; 2)“башарти са,”;

3)“мабодо..... са,....”;

4).“мабодо.... ар экан,....”;

5) “мабодосами, ...”;

6)“мабодосачи , ”;

7)“модомики.....са, “;

8)“борингки са ҳам,.....”;

9) “-са эди,”

10)“-са экан,.....”;

11) “.....са борми,”;

12)”.....са кўринг, ади”;

.13)“шоядса,.....”;

14) “зора.....са,.....”;

15) “кошкиса,.....”;

16) “қанча+ са ҳам.....”;

17)“ қанча+ + са хамки,”;

18)“қил,бўлмаса, майди”; 19)“.....иши керак, йўқса.....(лади”, 20) “Холбуки.....са”;21) “Мабодо ганда хам , ”.

1) **Мабодо** шунақа хаёл бошига келса ўзидан-ўзи қўрқиб кетарди.[С.Ахмад Уфқ, 399 б.]

2) **Модомики** канал битгунча ишлагинг келса, сенга бошқа иш топиб бераман.[С.Ахмад. Уфқ, 202 б.]

3) **Холбуки** мустабид тузум замонида ёзувчи Саид Ахмад кўрган жабру жафоларни филнинг устига ортса, бели майишиб кетган бўларди.[Ў.Ҳошимов. Танланган асарлар, 23 б.]

4) **Зора** бу иккаласи бир-бирининг бошини еса-ю, Бобурнинг бекилган йўллари очил-са...[П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 15 б.]

5) Бу ниятга биз етолмасак, **шояд** келгуси авлодлар етса. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 295 б.]

6) **Кошки**, ўзлари билан ўзлари олишиб, бизни тинч қўйсалар![П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 6 б.]

7)“**Борди-ю**, Бобур мирзо Кундузда бўлмасалар, тоғ ошиб Андижонга ўтган бўлсалар ёки Кобулга қайтган бўлсалар, уна не қилурмиз?” дерди Хонзодабегим ўзича. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар. б.]

8) **Мабодо** зўр бериб тўхтатилганда хам от йиқилиши,чавандозни ерга улоқтириши мумкин. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 48 б.]

9)**Баишарти** ўглинг кўнмаса, мен зўрламайман. [А.Қодиров.Ўткан кунлар, 74 б.]

10) Ҳар ҳолда бу фожиа бизга зарарсиз бўлиб ўттиким, бунинг учун ҳақ таолага **қанча** шукр қилсак ҳам оздир. [А.Қодиров.Ўткан кунлар, 258 б.]

11) Агар шунда маҳкам тутиб қолсангиз, хўб, **бўлмаса** ҳамиша отнинг кейинги ойогидасиз-да. [А.Қодиров.Ўткан кунлар, 20 б.]

12) Куйганёр тўғони тезроқ бита қолса **эди**, сув қўйиларди.[С.Ахмад. Уфқ, 231 б.]

13) Яна тагин гўзал малика билан яшириқча тил бириктириб сура^т чизгани қизнинг подшоҳ отасига маълум бўлса **борми**, мулла Фазлиддинни тилка-пора қилиб ташлашлари ҳеч гап эмас.[П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 7 б.]

14) Бобур ўзини ҳар **қанча** тетик тутишига уринса **ҳам** тиззалари букилиб, гандираклаб кетди.[П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 153 б.]

15) **Мабодо**, Бобур шаҳарга қўшинсиз, шунчайин пойтахтни кўриши учун кирадиган бўлсам^и, Бойсунқур мирзо уни туттириб, йўқ қилиб юбориши мумкин. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 47 б.]

16) **Мабодо** шундай бўлсачи, биз унда қаёққа қараб кетяпмиз ва бу қандай оқибатларга олиб келади. [Ч. Айтматов. Асрга татигулик кун. 125 б.]

17) Уларни ҳар қалай овутиши, умидлантириши, **боринги**, гуноҳ бўлса **ҳам** маълум муддатга алдаб туриши мумкин. [Ч. Айтматов. Асрга татигулик кун. 279 б.]

18) Робия, майли, иложи бўлса **экан**, Андижонга бирга кетурмиз. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 33 б.]

19) Тоғаси кўчиб келган бўлса **кўринг**, Тоҳирнинг қўрғонга борадиган йўли бекилгани шу. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 4 б.]

20) Лоақл Хўқанд мадрасаларида ўқиши **керак**, **йўқса** сизнинг мирзабошингиз савохонликдан бошқани билмайдур.[А. Қодирий. Меҳробан чаён, 35 б.]

21) **Мабодо**, Бобур шаҳарга қўшинсиз, шунчайин пойтахтни кўриши учун кирар **экан**, Бойсунқур мирзо уни туттириб, йўқ қилиб юбориши мумкин эди. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 47 б.]

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, инглиз ва ўзбек тилларида(вахоланки исталган конкрет, миллий тилда шарт компонентли гипотаксемаларнинг айрим қоришиқ (синкретик) турлари пайдо бўлиши ҳам тилда сўзлашувчилар ёки ёзувчиларнинг лингвомаданиятидаги муҳим ривожланиш жараёнларининг пировард натижаларидир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, шарт компонентли гипотаксемаларнинг янги структурал-семантик

турларининг шаклланиб, сайқаллашиб бораётгани тилда синтактик неологизмлар пайдо бўлаётганидан далолат беради.

Шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингвокультурологик жижатларидан яна бири шундаки, бундай гипотаксемалар таркибида синонимия ходисасининг мавжудлигидир. Синонимия ҳодисаси тилнинг бойлигини кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб, муҳим прагматик категориялардан бўлган дифференциаллик ва эмоционалликни ифодалаш учун аҳамиятлидир. Айни пайтда, бу ҳодиса тилнинг коммуникатив алоқа ҳамда эстетик ва услубий вазифаларини амалга ошириш учун ҳам ғоят муҳим имкониятдир.

| № | Шарт компонентли гипотаксемалар Ўзбек тилида | Шарт компонентли гипотаксемаларнинг синонимлари |
|----|---|---|
| 1. | <p>Агар шариат пешволари унинг одам суратини чизганини билиб қолишса, соғ қўйишмайди. [П.Қодиров Юлдузли тунлар, 7 б.]</p> | <p>1. Мабодо шариат пешволари унинг одам суратини чизганини билиб қолишса, соғ қўйишмайди. 2. Борди-ю шариат пешволари унинг одам суратини чизганини билиб қолишса, соғ қўйишмайди. 3. Башарти шариат пешволари унинг одам суратини чизганини билиб қолишса, соғ қўйишмайди. 4. Агарки шариат пешволари унинг одам суратини чизганини билиб қолишса, соғ қўйишмайди</p> |
| 2. | <p>Бу ниятга биз етолмасак, шояд келгуси авлодлар етса! .[П.Қодиров Юлдузли тунлар, 295 б.]</p> | <p>1.Бу ниятга биз етолмасак, зора келгуси авлодлар етса! 2.Бу ниятга биз етолмасак, кошки келгуси авлодлар етса!</p> |

| | | |
|----|--|---|
| 3. | Агар у гузардан ҳассасини дўқиллатиб ўтиб қолса ҳамма баробар қалқиб то ўтиб кетгунча таъзимда турарди.[С.Ахмад. Уфқ, 15 б.] | <p>1. Мабодо у гузардан ҳассасини дўқиллатиб ўтиб қолса борми ҳамма баробар қалқиб то ўтиб кетгунча таъзимда турарди.</p> <p>2. Модомики у гузардан ҳассасини дўқиллатиб ўтиб қоларкан ҳамма баробар қалқиб то ўтиб кетгунча таъзимда турарди.</p> <p>3. Борди-ю у гузардан ҳассасини дўқиллатиб ўтиб қолса-чи ҳамма баробар қалқиб то ўтиб кетгунча таъзимда турарди.</p> <p>4. Айтайлик, у гузардан ҳассасини дўқиллатиб ўтиб қолса хам ҳамма баробар қалқиб то ўтиб кетгунча таъзимда турарди.</p> |
| № | Шарт компонентли гипотаксема Инглиз тилида | Шарт компонентли гипотаксемаларнинг синонимлари |
| 1. | ‘You needn’t mind sending up to me, if the child cries, nurse,’ said the surgeon, putting on his gloves with great deliberation. [Ch.Dickens. Oliver Twist, p 5]. | <p>1. You needn’t mind sending up to me, given that the child cries, nurse,’ said the surgeon, putting on his gloves with great deliberation.</p> <p>2. You needn’t mind sending up to me, providing that the child cries, nurse,’ said the surgeon, putting on his gloves with great deliberation.</p> <p>3. You needn’t mind sending up to me, provided that the child cries, nurse,’ said the surgeon, putting on his gloves with great deliberation.</p> |

| | | |
|----|--|---|
| | | <p>4. You needn't mind sending up to me, supposing that the child cries, nurse,' said the surgeon, putting on his gloves with great deliberation.</p> <p>5. You needn't mind sending up to me, in case the child cries, nurse,' said the surgeon, putting on his gloves with great deliberation.</p> |
| 2. | <p>If I go back they'll make me get operated on and then they'll put me in the line all the time.</p> <p>[E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 42]</p> | <p>1. Assuming that I go back they'll make me get operated on and then they'll put me in the line all the time.</p> <p>2. Seeing that I go back they'll make me get operated on and then they'll put me in the line all the time.</p> <p>3. Considering that I go back they'll make me get operated on and then they'll put me in the line all the time.</p> <p>4. Presuming that I go back they'll make me get operated on and then they'll put me in the line all the time.</p> |

Синонимия ҳодисаси доирасида қараладиган синтактик синонимия анча кенг тарқалган алоҳида нутқий ифода воситаси саналиб, қўшма гаплар синонимияси масаласи ҳам инглиз ва ўзбек тилшунослигида маълум даражада ўрганилган.

Қўшма гаплар синонимияси деганда, бир семантик турдаги қўшма гапларнинг турли конструкцияларда қурилиши ёки таркибида ҳар хил турдаги қўшма гапларнинг мазмунан уйғунлашуви, яқинлашуви тушунилади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, синтактик синонимияда ўзаро синонимик муносабатга киришаётган қурилмалардаги умумий мазмун сақланади. Фарқ фақат мазмун оттенкаларида ва гап қурилишида бўлиб, содда гап қўшма

гапга айланиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Шунингдек, содда ёки қўшма гапнинг бир тури иккинчи турга айланади .

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносибатини ифодаловчи эга эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг қолиплари:

| № | Моделлар | Инглиз тилида мисоллар |
|---|--|---|
| 1 | who + Vg, +Vg | Who breaks, pays. [C. Harry. 101 American English Proverb] |
| 2 | what +Vg, + Vg | What`s done can`t be undone. [C. Harry. 101 American English Proverb] |
| 3 | whatever + Vg, + Vg | Whatever can blow men up can blow society up. [C. Harry. 101 American English Proverb] |
| | Моделлар | Ўзбек тилида мисоллар |
| 1 | Кимда-ким + Vca/ V ар экан /мас экан, + N +Vg | Кимда-ким полвонман, деса Беркинбой Файзиёвнинг самоварига бораверсин! [С.Ахмад. Уфк , 56 б.] |
| 2 | ким + Vca/Vар экан/Vмас экан, +У шу+Vg | Ким ақл йўлидан юрса, у киши, Ҳеч махал бўлмагай ёмонлик иши. [Абулқосим Фирдавсий. Донолар бисотидан , 12 б.] |
| 3 | ким + Vca/ Вар экан/ Vмас экан, + ўзи + Vg . | Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади.[Ўзбек халқ мақоллари] |
| 4 | кимки + Vca/Vар экан/Vмас экан, + (у) + Vg | Кимки ёлғонни кўп гапирса, у одамлар орасида обрўсиз бўлади. [Ўзбек халқ мақоллари] |
| 5 | кимки + Vca,+ ўша/шу + Vg | Кимки бўлса ақлга йўлдош, Йиқилганда бўлади қўлдош. [Хусрав Дехлавий. Донолар бисотидан, 19 б.] |

| | | |
|----|--------------------------------------|---|
| 6 | кимда-ким + V са ,+ (y) +Vg | Кимда-ким шу хатни маъқулласа келиб имзосини чексин.[С.Ахмад. Уфқ , 346 б.] |
| 7 | кимда + Vса + Vg | Кимда бўлса ақл-у илм ҳам тамиз, Ақлу дониш аҳлин тутади азиз. [Фариддин Аттор. Донолар бисотидан, 49 б.] |
| 8 | кимнинг + Vса, + Vg | Кимнинг иши бўлса ақлга пайванд, Тақдир юлдузидан нолимас харчанд. [Абулқосим Фирдавсий. Донолар бисотидан, 12 б.] |
| 9 | кимгаки + Vса, + (y) +Vg | Кимгаки бўлмаса ақлу билим ёр, Кўшма уни одам сонига зинхор. [А.Санойй. Донолар бисотидан, 48 б.] |
| 10 | ҳар ким + Vса,+ Vg | Ҳар ким ҳам ўз айбини кўролса яхши, ҳунар аҳли ичра пешво бўлади. (А.Жомий. Донолар бисотидан, 39 б.) |
| 11 | ҳар кимки + V са ,+ (y)+Vg | Ҳар кимки ўзига эҳтиёт бўлса, у бировни ўғри тутмас. [Ўзбек ҳақ мақолари] |
| 12 | нима + Vса, + шу (нарса) + Vg | Кеча нима қилинган бўлса, бугун ҳам шу (нарса) қилинади. |
| 13 | нимаики + Vса, + ҳаммаси + Vg | Нимаики йўқолган бўлса, ҳаммаси топилади. [С. Ахмад. Уфқ, 126 б.] |

Эга эргаш гапли кўшма гапларнинг фақат шу қолипларда ясалганларигина шарт муносибатини ифодалайди.

Тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гаплар.

Тўлдирувчи эргаш гап бош гап таркибидаги феъл кесимни, олмош ёки бирор мавҳум отнинг маъносини конкретлаштириб тўлдирувчи вазифасида келади.

Ўзбек тилида тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг қолиплари

1) “Ким” сўроқ сўзи + Vса эргаш гапда + “уни” олмоши эргаш гапда (ўзбек тилида). Гоҳо “уни” тушиб қолиши мумкин:

Ким келса, (уни) ичкарига олинг. [П.Қодиров Юлдузли тунлар, 345 б.]

2) ”кимнинг” сўроқ сўзи + Vса эргаш гапда + “унинг” олмоши бош гапда тушиб қолиши мумкин.

Кимнинг жойи бўлмаса, бутун шахар (унинг) жойидир. [Садий Шерозий. Донолар бисотидан, 238 б.]

3) “кимда-ким” сўроқ сўзи + Vса эргаш гапда + “унга” бош гапда келади.

Кимда-ким бизга хайрихоҳ бўлса, улүфалар берурмиз. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 308 б.]

4) “кимда” сўроқ сўзи + Vса эргаш гапда + “уни” бош гапда тушиб қолиши мумкин.

Кимда қурол бўлса, (уни) топширсин. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 583 б.]

5) “кимки” сўроқ сўзи + Vса эргаш гапда + “уларни/уни/уларнинг” бош гапда тушиб қолиши мумкин.

Кимки, андишасиз сўзласа жавоб, (уларнинг) сўзи эътиборсиз чекар изтироб. [Садий Шерозий, Донолар бисотидан, 186 б.]

6) “кимда ким” сўроқ сўзи + Vса эргаш гапда + “шунга/ унга” бош гапда келади. **Кимда-ким** шу хатни маъқулласа, **унга** келиб имзо чекишини айтинг. [С.Ахмад. Уфқ, 346 б.]

Инглиз тилидаги тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар шарт муносибатини ифодалай олмайди.

Ўрин эргаш гапли қўшма гаплар

Бу турдаги қўшма гапларда эргаш гап бош гапда ифодаланган воқеанинг содир бўлган жойини ифодалайди.

Инглиз тилида шарт муносабатини ифодалай олувчи ўрин эргаш гапли қўшма гаплар жуда кам.

Улар фақат иккита қолип асосида ясалади.

Where there`s a will, there`s a way (where there +be.f ..., there +be.f ...)

[C. Harry. 101 American English Proverb]

Where ignorance is bliss `this folly to be wise.(Where +N +be.f ..., it is) [C.

Harry. 101 American English Proverb]

Ўзбек тилида шарт муносибати ифодалай олувчи ўрин эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг қолиплари кўп:

Кўз **қаерда** бўлса, меҳр ҳам **шу ерда** бўлади. [Ўзбек халқ мақоллари]

Одатда, подшоҳлар **қаерни** пойтахт қилсалар, **ўша ер** кўпроқ обод бўлади.

[П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 55 б.]

Ҳасанхон **қаерда** бўлса, қий-чув ҳам **шунда** бўлур. [Ўзбек халқ дostonлари]

Оқсоқол **қаерда** бўлса, **ўша жойда** иш бир тартибда борарди. [Ў.Ҳошимов.

Тананган асарлар, 87 б.]

Ҳозирча **қаерга** юборсалар, **ўша жойга** бораверинг. [С. Ахмад Уфк, 276 б.]

Қаерда бир хатар бўлса, ўшанга Ҳумоюн рўбарў! [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 296 б.]

Қаёрни лозим топсангиз, **ўшақда** ишлаганим бўлсин. [С. Ахмад Уфк, 276 б.]

Қаердаки истеъдодларга бахиллар завол келтиролмаса-ю, сахийлар йўл оча олса, **ўша жой** бугунги Ҳирот каби камолот чўққисига кўтарилар экан.

[П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 170 б.]

Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар

Аниқловчи эргаш гап бош гап таркибидаги от ёки олмош орқали ифодаланган бирор гап бўлагининг белги хусусиятини аниқлаб, изоҳлаб келади. Изоҳланиб келаётган бўлак бош гапнинг эгаси, тўлдирувчиси ёки кесим вазифасидаги (предикатив вазифасидаги) от бўлиши мумкин. Улар тилшуносликда «антеседентлар» деб аталади

Инглиз тилида шарт муносибатини ифодаловчи аниқловчи эргаш гаплар **he who + V.g. + V.g.** қолипи асосида ясалади.

He who makes constant complaint gets little compassion. [C. Harry. 101 American English Proverb]

He who makes no mistakes, makes no thing. [C. Harry. 101 American English Proverb]

He who pays the piper, calls the tune. [C. Harry. 101 American English Proverb]

He who scrubs every pig he sees will not long be clean himself. [C. Harry. 101 American English Proverb]

He who would catch fish must not mind getting wet. [C. Harry. 101 American English Proverb]

He who would eat the nut must first crack the shell. [C. Harry. 101 American English Proverb]

Ўзбек тилида нутқ намуналари ва уларнинг қолиплари

Халқ **қайси** йўлдан юрса, сен ҳам **шу** йўлдан юр. [Ойбек. Қутлуғ қон, 103 б.]

Ким олдига каттароқ суяк ташласа, **ўшанинг** орқасидан кетаверади. [С.Ахмад. Уфқ, 325 б.]

Кимнинг қуроли билим бўлса, **унинг** келажаги порлоқ. [П.Қодиров, Юлдузли тунлар, 177 б.]

Қайси подшоҳ улуфани кўпроқ берса, **қайси** жангдан ўлжа яхшироқ тушадиган бўлса, буларнинг кўпини ўша подшоҳ ва ўша жанг ўзига жалб қилар эди. [П.Қодиров, Юлдузли тунлар, 214 б.]

Пайт эргаш гапли қўшма гаплар

Бундай турдаги қўшма гапларда бош ва эргаш гаплар ифодалаган воқеалар ўтасидаги таксис муносабати, яъни замон жиҳатдан тартиби, воқеалар ўртасидаги замон жиҳатдан субъектив масофа, воқеаларнинг замон жиҳатдан бир-бири билан чегараланиши ва ҳақозолар ифодаланади.

‘I am going to sit here, **as long as** I think proper, ma’am,’ rejoined Mr. Bumble. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 420]

I'll go back **whenever** you want. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 176.]

Қачон Фарғона томонларга йўли тушса, албатта уни бир зиёрат қилиб, дуосини олиб ўтарди. [С.Ахмад. Уфқ, 17 б.]

Орадан сал вақт ўтгач, савдар кирди. [П.Қодиров, Юлдузли тунлар, 214 б.]

Пропорционал (ўлчов-даража) компонентли қўшма гаплар.

Бундай қўшма гапларда пропорционал муносабат ифодаланади. Пропорционал муносабатда биринчи воқеадаги миқдорий (даража) ўзгариш иккинчи воқеада ўша баробар миқдорий (даража) ўзгаришни келтириб чиқаради.

Демак, бундай қўшма гапларда ҳар доим пропорционал ва шарт муносабати ифодаланади.

The more I think of it, the more I see that it will occasion endless trouble and difficulty. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 350]

Бу ҳақда қанча кўп ўйласам, шунча чексиз муаммо ва қийинчиликларга сабаб бўлади.

Пропорционал (ўлчов-даража) компонентли қўшма гаплар кўпчилик инглиз грамматикаси бўйича дарсликларда тилга олинмайди, ёки қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг бир тури сифатида қаралади [Kobrina N.A, Korneyeva E.A, 37:180]. Биз бу масалада ўзбек ва рус тилшуносларининг фикрига қўшилиб, уларни эргаш гапли қўшма гапларнинг алохида тури деб қараймиз, чунки улар ўзларининг алохида маъно ва формаларига эга.

Инглиз тилида нутқ намуналари ва уларнинг қолиплари **The more** he thought of the Jew's admonition, **the more** he was at a loss to divine its real purpose and meaning. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 228]

The more you value your number one, **the more** careful you must be of mine. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 508]

Ўзбек тилидан мисоллар

Ўртоғининг келганига **қанчалик** қувонган бўлса, опасининг келгани уни **шунча** ташвишга солганди. [С.Ахмад. Уфқ, 438 б.]

Қанча кўп қайнаса лойқа қанд суви, новвоти **шунчалик** тиниқ бўлғуси. [Хусрав Дехлавий, Донолар бисотидан, 32 б.]

Бундай жимжимадор услубда асар ёзиш **қанчалик** қийин бўлса, уни ўқиб тушуниш ҳам **шунчалик** қийин эди. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 292 б.]

Инглиз тилида **so...as**, ўзбек тилида **нечоғлик** боғлаш воситалари қатнашган пропорционал компонентли кўшма гаплар ёзма нутқда учрайди. Ўзбек тилида пропорционал муносибатни содда гап ҳам ифодалаши мумкин: Тонг ёришган сари қандилдаги шамларнинг нури хира торта бошлади. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 13 б.]

Ўқиган сари ич-ичидан қувонарди. [С.Ахмад. Уфқ, 438 б.]

Қиёс эргаш гапли кўшма гаплар.

Бундай эргаш гапли кўшма гапларда эргаш гаплар бош гапдан англашилган ҳаракат, белги, ҳолатни бошқа бир ҳаракат, белги, ҳолатга қиёслаш орқали аниқланган ўхшашлик ёки фарқни ифодалайди.

As is the workman, so is the work. [C. Harry. 101 American English Proverb]

Уста қанақа бўлса, шогирд ҳам шунақа.

Рус тилшуноси Н.И.Формановская ўз тадқиқотида шарт муносабатини ифодаловчи гапларда яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган (потенциал) шарт бўлишини ҳам таъкидлайди.

Шарт муносабати боғловчисиз ва боғловчили турли кўшма гаплар таркибида ҳам мавжудлигини барча эътироф этади, лекин ушбу муносабат эргаш гапли кўшма гапларда бир қанча воситалар ёрдамида кўшимча оттенкаларни олган ҳолда аниқроқ ифодаланади.

Шарт компонентли гипотаксемалар орқали қуйидаги маъно оттенкалари ифодаланади.

1) аниқ шарт: Агар шариат пешволари унинг одам суратини чизганини билиб қолишса, соғ қўйишмайди. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 7 б.]

2) танбех, огоҳлантириш: Агар босқинчиларни топиб жазо бермасангиз, мен подшоҳ ҳазратларининг ҳузурларига паноҳ истаб кетишга мажбур бўлурмен! [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 9 б.]

Агар Хонзода бегим ризо бўлмай, яна уч-тўрт йил уйда ўлтириб қолсалар, «куёв топилмабдир, қари қиз бўлибдир», деб ёғийларингиз маломат қилурлар. [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 60 б.]

3) гумон, ачиниш, афсусланиш: Озроқ подада юрмаса, биз бунде эп-лолмайдиганга ўхшаймиз.[С.Ахмад. Уфқ, 440 б.] Айтганга кўнмасам кўпчилик ўртасида шарманда қилади. [С.Ахмад. Уфқ, 446 б.]

4) Тавсия: Агар астойдил уринсак, мушоҳада орқали ҳам фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашишимиз мумкин. [Ч.Айтматов. Асрга татигулик кун, 85 б.]

5) Тўсиқсизлик: Гарчи Эдигей ётиш олдидан тоза ҳавога чиқиб айланиб келган бўлсада, уй эгалари унга қулай иссиқ кўрпа-тўшак солиб, меҳмон отангдан улуғ деб махсус сақлаб қўйилган чойшаб солиб берган бўлсалар ҳам янги ўринда ҳа деганда ухлай олмади.[Ч.Айтматов. Асрга татигулик кун, 216 б.]

6) Буйруқ: Сўра, ростини айтсин, бўлмаса боши кесилгай! [П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 257 б.]

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ҳар иккала тилда айрим кириш ёки киритма гаплар шарт компонентли гипотаксема формасида бўлиши мумкин: **Тўғриси айтсам,** алкимёгарларнинг борлиги ҳақида мен ҳам эшитмаганман. [П.Коело. Алкимёгар, 101 б.]

Янглишмасам, иккимизнинг бир-биримизга муомалаларимиз самимий ва юракларимиз уруши ҳамоҳангдир.[А.Қодирий. Меҳробдан чаён, 5 б.]

If I'm not mistaken, you are Mr. Brown.

Бундай гапларда шарт муносибати ифодаланмайди. Кириш ёки киритма гап билан бошқа синтактик структуралар ўртасида синтактик алоқа бўлмай, улар ўртасида фақат семантик мантиқий алоқа бўлади.

Шарт компонентли гипотаксемалар хақида гапирганда, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки қўшма гаплардаги айрим синтактик муносабатларни тартибга солишда М. Черемесина, М. Колосова (1988), М.В. Ляпонларнинг (РГ 1980, 562-597) фикрлари эътиборга сазовордир. Уларнинг фикрича, сабаб, шарт, тўсиқсизлик, натижа ва мақсад муносабатлари шартланганлик муносабатининг бешта турларидир.

Шартланганлик муносабатларида бир воқеа иккинчисини келтириб чиқаради, ёки иккинчи воқеа биринчисининг мавжудлигига кўра юзага чиқади. (М. Черемесина, М. Колосова 1987, 68) Н. Маҳмудов ва А. Нурмоновлар (1995, 205) шартланганлик муносабатларининг бешта турлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни қуйидагича изоҳлайдилар.

Сабаб муносабатида биринчи воқеа–сабаб, иккинчи воқеа эса – натижа.

Биринчи воқеа бевосита иккинчи воқеани келтириб чиқаради:

Масалан: Бобур мирзо у ердалар, шунинг учун қалъа янада мустаҳкам бўлур.

[П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 14 б.]

Шарт муносабатида иккинчи воқеанинг амалга ошиши учун биринчи воқеа шарт, ҳар икки воқеа учун фаразийлик хос:

Масалан: Бобур мирзо у ерда бўлсалар, қалъа янада мустаҳкам бўлур.

Тўсиқсизлик муносабатида биринчи воқеа иккинчи воқеанинг бажарилиши учун шарт бўлса-да, бу шарт тўсиқ бўлмайди:

Масалан: Бобур мирзо у ерда бўлсалар ҳам, қалъа янада мустаҳкам бўлмади.

Мақсад муносабатида иккинчи воқеа биринчи воқеанинг амалга оширишнинг мақсадли натижа сифатида юзага келади:

Масалан: Қалъа янада мустаҳкам бўлсин деб, Бобур мирзо у ерда бўлдилар.

Натижа муносабатида иккинчи воқеа биринчи воқеанинг ўз – ўзидан воқе бўладиган натижаси сифатида юзага келади:

Масалан: Бобур мирзо у ерда бўлдики, натижада қалъа янада мустаҳкам бўлди.

Биз М.Черемисина, М.Колосова, М. Ляпонларнинг фикрларига кўшилган ҳолда қуйидаги фикрни ҳам қўшиб қўйишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, шартланганлик муносабатларини ифодаловчи эргаш гапли қўшма гаплар қаторига пропорционал (ўлчов-даража) компонентли қўшма гапларни ҳам киритиш мумкин. Чунки бундай турдаги гапларда ҳам бир воқеа иккинчи воқеани келтириб чиқаради, яъни иккинчи воқеа биринчисининг мавжудлигига кўра юзага келади.

Масалан: *Вақт қанчалик тез ўта бошласа, карвонлар ҳам қадамларини шунчалик тезлатар эдилар. [П. Коело. Алкимёгар, 96 б.]*

The more he thought of the Jew's admonition, the more he was at a loss to divine its real purpose and meaning. [Ch. Dickens. Oliver Twist, 229 б.]

Рус тилидан мисоллар:

Чем больше чувствуешь связь с Родиной, тем реальнее и охотнее представляешь её себе как живой организм. [А.Блок]

Бу гапларнинг ҳаммасида пропорционал муносабат ифодаланган. Пропорционал муносабатда биринчи воқеадаги миқдорий (даража) ўзгариш иккинчи воқеада ўша баробар миқдорий (даража) ўзгаришини келтириб чиқаради.

Шу ерда яна бир нарсани айтиб ўтиш керакки, шартланганлик муносабатлари ичида тўсиқсизлик муносабати бошқачароқ мақомга эга. Агар сабаб, шарт, мақсад, натижа, пропорционал муносабатларда иккинчи воқеа биринчи воқеанинг мавжудлигига кўра келиб чиқса, тўсиқсизлик муносабатида эса, иккинчи воқеанинг келиб чиқиши биринчи воқеага боғлиқ эмас. Буни “ Ёш бўлса ҳам, саркардаликка тайёрланмоғи зарур. [П.Қодиров. Юлузли тунлар, 14 б.] тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапда кўриш мумкин. Бу гапда биринчи воқеа (Ёш бўлиши) иккинчи воқеани (саркардаликка тайёрланмоғи зарурлигини) келтириб чиқармай, аксинча унга ноқулай вазият (шароит) сифатида намоён бўлади. Яна қуйидаги бошқа бир мисолни олайлик:

Nobody knew anything about it although they all spoke with great positiveness and strategical knowledge. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 56 .]

Беморга яхши қаралган бўлса ҳам, у вафот этди.

Бу тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапда биринчи воқеа (беморга яхши қаралганлик) иккинчи воқеани (беморнинг ўлими) келтириб чиқармайди. Аксинча, у ўлимнинг содир бўлмаслиги учун етарли бўлмаган ижобий вазиятдир. (шароитдир).

If it is possible I will return to the Abruzzi. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, p 97]

Бизнингча, ҳеч ким бу воқеаларни фаразий ёки тахминий дея олмайди. Бундай фактларни бошқа ҳар қандай тиллардан ҳам келтириш мумкин. **Ўзб.** *Агар тирноғи олинмаган бўлса, қулоғи кир бўлса нақ уни балога қўярди.* [С.Ахмад. Уфқ, 446 б].

Агар кўз билан илик бир-бирига низо қилса, бундан ҳар иккиси жабр кўрур.
[П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 14 б]

Рус. *Если он болел, в школу не ходил.*

Иккала тилда ҳам шарт компонентли гипотаксемаларнинг ўртасида формал фарқлар ҳам бор. Шарт компонентли гипотаксемаларнинг иккинчи турида бош гап таркибида қуйидаги модаллик ифодаловчи сўзларнинг мавжудлиги. Инглиз тилида:

*Perhaps, may be, probably, be likely + инф, would better + инф, would rather + инф, can
could, ought, should, may, might*

*If he had been, **perhaps** he would have been prepared for this. [Ch.Dickens. Oliver Twist, 107 p.]*

*If there were no war we would **probably** all be in bed. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, 263 p.]*

*If it is, you'd **better** wait till tomorrow. [Ch. Dickens. Oliver Twist, 296 p.]*

*You **may** come and see her after seven o'clock **if** you wish. [E.Hemingway. A Farewell to Arms, 27 p.]*

Ўзбек тилида:

балки, эҳтимол, шекилли, “- ар”, “- мас” формалари, “-гандир” формаси,”- са керак”, “- иши мумкин”, “-армиди”.

*Мана энди агар жуда дўппи тор келса, **балки** у қизини подшоҳ акасининг ўғлига берар. [П.Қодиров.Юлузли тунлар, 15 б.]*

*Буни қатл эттирманг деса, **эҳтимол** мироб ҳали тирик юрар эди. [П.Қодиров. Юлузли тунлар, 81 б.]*

***Агар** мавлоно Ҳиротга етиб бориб, Навоийнинг ҳузурига кирган бўлса, бошқа кўп нарсаларни ҳам айтиб берган бўлса **керак**. [П.Қодиров. Юлузли тунлар, 125 б.]*

Эсимга келса қолганини яна гапирарман. [С.Ахмад. Уфқ, 87 б.]

Биронтаси чуғурчиқ отган бўлса, қони томгандир. [С.Ахмад. Уфқ, 269 б.]

Хоҳласа сотиб кетиши ҳам мумкин. [С.Ахмад. Уфқ, 311 б.]

***Агар** мен ҳам бор кучимни фақат илму ижодга берсам, балки Берунийдек етмишдан ошармидим? [П.Қодиров. Юлузли тунлар, 297 б.]*

Шарт компонентли гипотаксемаларнинг компонентларини жойлашиш тартибига келсак, шарт компонентли гипотаксема бош гапдан олдин, ўртасида ёки охирида келиши мумкин.

“If it was closer to the front I could take you to a first medical post. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, 42 p.]

It seemed it was a very funny joke if you understood it properly. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, 48 p.]

If everybody would not attack the war would be over. [E. Hemingway. A Farewell to Arms, 48 p.]

Ўзбек тилида шарт компонентли гипотаксемаларнинг бош гапга нисбатан жойлашиши инглиз тилидагига қараганда анча қатий. Ўзбек тилида

шарт компонентли гипотаксема учун меъёрий позиция унинг бош гапдан олдин ёки ўртасида жойлашувидир.

Сизга қачон керак бўлсам, чақиртирсангиз яна келгаймен! [П.Қодиров. Юлузли тунлар, 101 б.]

Сиз билан биз бир ёқадан бош чиқарсак, Ислон байрогини теурийлардан кўра баландроқ кўтарсак, барча мусулмонлар бизга эргашгай! [П.Қодиров. Юлузли тунлар, 96 б.]

Ўзбек тилида шарт компонентли гипотаксемаларнинг бош гапдан кейин жойлашиши жуда кам учрайдиган ҳол, бундай жойлашиш ишонч ёки умидни ифодаловчи шарт компонентли гипотаксемаларда учрайди.

Ажаб эмаски, бегим мана шу уйлардан бирида дарча тирқишидан голибларга қараб турган бўлса. [П.Қодиров. Юлузли тунлар, 96 б.]

Қандай яхши бўларди, Мовароуннаҳр яна Улуғбек давридаги каби бирлашса, пойтахт аслига қайтса, ҳамма вилоятлар ҳамжиҳату обод бўлса. [П.Қодиров. Юлузли тунлар, 70 б.]

Эргаш гапнинг бош гапга нисбатан жойлашиши (пропозитив, интерпозитив, постпозитив бўлиши) эргаш гапнинг коммуникатив юкига, яъни тема ёки рема бўлиб келишига, бош гапга қандай восита билан боғланишига боғлиқ.

Қизиғи шундаки ҳар иккала тилда шарт компонентли гипотаксема мутлақо кўпчилик ҳолатларда бош гап олдида келар экан. Бунинг сабабини Ў.Қ. Юсупов дунёда рўй берадиган воқеа ва ҳодисаларнинг мантиқий таркибида деб билади. Натижа бўлиши учун аввал шарт – шароит ёки сабаб бўлиши керак, яъни аввал - шарт, кейин натижа [Ў.Қ. Юсупов 1971, 32:17]

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзбек тилида ҳам шарт боғловчиси деб аталиб форс тилидан кирган “агар” сўзи бор.

Аммо бу ҳақиқий боғловчи бўлмай, у шарт маъносини кучайтирувчи юкламадир. Шунинг учун уни гапдан тушуриб юбориш мумкин. Қиёсланг:

Агар йўқ десанг, юкингни йиғ, қишлоқдан кўчиб кетамиз → Йўқ десанг, юкингни йиғ, қишлоқдан кўчиб кетамиз. [С.Ахмад. Уфқ, 32 б].

Кучли истак ифодаловчи шарт компонентли гипотаксемаларда эргаш гап билан бош гап ўртасидаги синтактик алоқа шунчалик кучсизки, бунинг натижасида бош ва эргаш гаплар мустақил содда гапларга айланиши мумкин. *I just go to see if there is anything new. → If there is anything new! I just go to see.* [E. Hemingway. *Farewell to arms*, 89 p.]

Бундай ҳолатни ўзбек тилида ҳам кузатиш мумкин.

Қани энди оёқларим бутун бўлса, шу бугун кетардим. → Қани энди оёқларим бутун бўлса! Шу бугун кетардим. [С.Ахмад. Уфқ, 372 б].

Шарт компонентли гипотаксемалар статистикасини ўрганиб чиқиб, инглиз тилида шарт компонентли гипотаксемани бош гапга боғлашда асосий восита боғловчилар эканлигини аниқладик. Энг фаол боғловчи **if** боғловчисидир.

Шарт компонентли гипотаксемалар майл ва замон формалари учун жуда ҳам антиқа контекст ҳисобланади. Бу гапларда аниқлик майли формаларининг маънолари реалликдан то нореалликагача ўзгариши мумкин. Масалан, қуйидаги инглиз шарт компонентли гипотаксемаларнинг эргаш гапида аниқлик майли ва формалари ҳисобланадиган Past Perfect, Past Indefinite, Future-in-the-Past формалари ўзларининг реаллик маъносини йўқотиб, нореаллик ифодалайди.

It would not finish it if one side stopped fighting. [E. Hemingway. *A Farewell to arms*, 63 p.]

If he hadn't I wouldn't have met you. [E. Hemingway. *A Farewell to arms*, 152 p.]

Ўзбек тилидаги шарт компонентли гипотаксемаларнинг эргаш гапидаги шарт майли маъноси бош гапдаги феъл формаларининг ишлатилишига кўра 1) реаллик, 2) мумкинлик (возможность), ва 3) нореаллик ифодаланиши мумкин.

1. Илгарилари **вақти бўлса**, бизникига келиб турар эди. (реал яъни, вақт бўлган) [Ў. Ҳошимов. Танланган асарлар, 172 б.]
2. **Вақтим бўлса**, келаман. (вақт бўлиши мумкин)
3. **Вақтим бўлса**, мен ҳам борар эдим. (нореал вақти йўқ, шунинг учун боролмайман)

Инглиз тилидаги шарт компонентли гипотаксемаларнинг яна бир хусусияти шундаки, шарт компонентли гипотаксемаларда келаси замон формаси ўрнига ҳозирги замон формаси ишлатилади. Масалан:

*The Austrians will wake us if you **sleep** too long.* [E. Hemingway. *A Farewell to arms*, 254 p.]

Қиёсланаётган инглиз ва ўзбек тилларида шарт компонентли гипотаксемалар мавжуд экан, уларда ўзларининг маълум изоморфик ва алломорфик жиҳатлари борлигини кўришимиз мумкин, бундай ҳолатларда тадқиқ этилаётган гипотаксемаларнинг изоморфик томонлари уларнинг коммуникатив-прагматик жиҳатдан жуда зарур гипотаксеманинг бир тури эканлиги ва шу боис уларнинг ҳар қандай тилда воқелантирилмай иложи йўқлиги билан тушунтирилса, мазкур гипотаксемаларнинг алломорфик жиҳатлари эса у ёки бу тилнинг ўзига хос идиоматик қурилишига эга эканлигидан, бунинг устига у ёки бу тилда сўзлашувчи ва ёзувчиларнинг тафаккур доираси ҳам кенг ва оригинал бўлиб, бундай тафаккур ўзининг тилда бетакрор воқелантирувчиларига ҳам эга эканлигидан далолат беради.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Тадқиқот ишимизда кўшма гапларнинг лингвокультурологик жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади. Қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, инглиз тилида кўшма гапларнинг лингвокультурологик жиҳатлари деганда, уларнинг азалий ва янги турлари, улар билан узвий боғлиқ бўлган субординаторлар (боғловчи воситалар) янги турларининг пайдо бўлиши ва уларни тақозо этувчи омиллар, шунингдек кўшма гаплар тизимида уларнинг синонимик, омонимик, антонимик керак бўлса гиперномик турлари билан

боғлиқ бир қатор муаммолар мазкур қўшма гапларнинг лингвокультурологк жихатлари ҳам бор еканлигидан далолат беради.

Шуниси этиборга молики, айрим шарт компонентли гипотаксемалар синкретик табиатга эга бўлиб, уларда камида иккита семантика қоришиб кетган бўлади. Тилда бир синтактик қурилмада бирдан ортиқ синтактик-семантик муносабатлар ифодаланиши мумкин. Бундай ҳодиса *синтактик-семантик синкретизм* деб аталади, яъни бир қўшма гапда икки семантика доимо қоришган шаклда бўлади, бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди.

Масалан: *Leave me a note in case he might telephone you.*

He hit the milk lest the cat might get at. (Мақсад+сабаб)

Ўтти ловулат, токи алангасини хамма кўрсин. (Мақсад+пайт)

Ҳар иккала тил ҳам (ўзбек ва инглиз тиллари) шарт муносабатини ифодаловчи синтактик воситаларга бой. Улар маълум содда гаплар, эга эргаш гапли қўшма гаплар, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар, аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар, ўрин эргаш гапли қўшма гаплар, пайт эргаш гапли қўшма гаплар, пропорционал эргаш гапли қўшма гаплар, қиёс эргаш гапли қўшма гаплар, боғланган қўшма гаплар ва мураккаб синтактик бутунликлардир. Инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт муносабатларини ифодаловчи воситалар ўртасидаги асосий фарқлар уларнинг структурасида, ишлатилишида, қолипларининг сонида ва стилистик хусусиятларидадир.

Шарт муносабати синтактик муносабатларнинг энг асосий турларидан биридир. У когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан объектив дунёдаги содир бўлаётган воқеалар ўртасидаги муносабатларнинг бир тури бўлиб, тилда акс этади ва миллат маданиятининг ажралмас бир бўлаги бўлиб қолади. Негаки тилда акс етган ҳар қандай синтактик ифода маданият билан чамбарчас боғланади ва тараққий этади.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатини ифодаловчи барча воситаларни аниқлаш бизга бу тилларда ифодаланаётган синтактик

муносабатларни маданият билан қанчалик узвий боғлиқлигини кузатиш имконини беради.

УЧИНЧИ БОБ. ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ШАРТ КОМПОНЕНТЛИ ГИПОТАКСЕМАЛАРНИНГ ТРАНСЛЯТОЛОГИК ВА ЛИНГВОДИДАКТИК ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Турли тизимли тилларда шарт компонентли гипотаксемаларнинг транслятологик аспекти

Аввало таржима ва унинг баъзи ўзига хос хусусиятлари ва турлари тўғрисида фикр билдирсак. Маълумки, таржима тилнинг матн тарзини ўзгартириш бўлиб, бу жараёнда унинг янги тил ва услубий шакли яратилади. Таржима инвариант мазмуннинг бир матндан иккинчисига ўтиши бўлиб, бунда ҳақиқий матннинг услубий ва бошқа ўзига хос хусусиятлари мумкин қадар аниқ сақланади. Таржима тушунчаси кенг маънога эга. Бир тилдан иккинчи тилга ўгирилаётган ҳар қандай нарса учун умумий бўлган икки хил

қоида мавжуд: 1) Таржима қилишдан мақсад матннинг ҳақиқий тилини билмаган китобхонни ўша асар матни билан иложи борича тўла, мукаммал таништириш, 2) Таржима қилиш – муайян тил воситалари билан бир қарра ифода этилган нарсани бошқа тил билан аниқ ва тўла ифодалаш демакдир.

Таржима сифатини белгилашда қуйидаги омилларга эътибор бериш керак: таржима пухта бажарилиши, у орқали ҳақиқий матн мазмуни бенуқсон берилиши, фикрга у ёки бу тарзда дарз етмаслиги, аниқ бажарилиши, мазмунни тўлақонли акс эттириши ва китобхонга унинг мазмуни тушунарли бўлиши, у табиий чиқиши ва унда сунъийлик ва ғайритабиийлик бўлмаслиги каби омиллар эътиборга олинади.

Таржима жараёнининг асосий принциплари ҳақида гапиришдан олдин “таржиманинг аслига тўғрилиги” тушунчасини аниқлаб олиш зарур. Таржима матннинг мазмуни, унинг стилистик хусусиятлари она тилидан лингвистик воситалар орқали таржима қилинса, у аслига тўғри деб ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, биз кўпинча ўзбек китобхонларига эмоционал ва психологик таъсирга эга бўлишига қарамай, расмий жиҳатдан инглиз тилига мос тушмайдиган она тилидаги шундай лингвистик категорияларни қўллашга мажбур бўламиз.

Таржима жараёни қуйидаги 4 босқичлардан иборат:

1. Аввало матнни батафсил тушуниб олиш керак. Боиси, ўқувчи бутун китоб билан таниш бўлиши, адабиёт тарихи ва таржима қилинаётган тилда гаплашувчи мамлакатлар ҳалқининг яшаш тарзи бўйича бир қанча билимларга эга бўлиши керак.
2. Ўқувчи матннинг мазмунини ифодалашда қўлланадиган лексик, грамматик ва фонетик ҳодисаларнинг стилистик функцияларини англаб етиши керак.
3. Кейин она тилида ифодалашнинг мос келувчи воситаларни танлаш бўйича иш олиб борилади.
4. Сўнгги босқич ўзбекча ёки инглизча матн устида иш олиб боришдан иборат.

Таржима жараёнида сўзларни танлаш таржима жараёнининг энг қийин муаммоларидан биридир.

Ҳар қандай грамматик ҳодисалар ёки стилистик хусусиятлар, шу билан бирга лексик эквивалентлар ҳисобланган сўзларнинг маънолари хорижий тиллардаги билан мос тушмайди.

Масалан: инглиз тилидаги “branch” сўзининг асосий маъноси ўзбек тилида “новда, шоҳ” каби маъноларига эга бўлиши билан бирга, бу сўз ўзбек тилида “тармоқ” деган маънони ҳам ифодалайди.

Сўзларнинг мантиқий маънолари мустақил бўлиши билан бирга, бошқа сўзларга ҳам боғланган бўлади. Сўзларнинг маънолари бошқа сўзларга боғлиқлиги сўз бирикмалар орқали аниқланади.

A color bar was seen in the distance. – Рангли бўялган панжара узоқдан кўриниб турарди. (a color bar - рангли бўялган панжара)

There exists a color bar in the South Africa. – Жанубий Африкада ҳануз ирқий камситиш сиёсати мавжуд. (a color bar – ирқий камситиш)

Кўпгина сўзлар эмоционал маъно талаб қилади ва турли гаплардаги бир ҳил сўз турли сўзлар орқали таржима қилинади.

- Uzbekistan is a large country (мамлакат)

- We are ready to serve for our country (ватан)

Сўзнинг маъноси унинг қўлланиши билан аралашиб кетмаслиги керак.

Баъзан бир маъноли сўз кўпгина сўзлар билан бирикма ҳосил қилиб келиши мумкин ва ўзбек тилига турли сўзлар ёрдамида таржима қилинади:

A young man – Ёш одам

A young child – Кичкина бола

Young in a crime – Тажрибасиз жиноятчи

A bad headache – қаттиқ бош оғриғи

A bad mistake – қўпол хато

A bad weather – айниган ҳаво

A bad debt – қайтарилмаган қарз

A bad accident – оғир бахтсиз ҳодиса

A bad wound – қаттиқ яра [Oxford Advanced Learner's Dictionary]

Гап таркибидаги сўзларнинг маъноси матн таркибидаги маъноси (contextual) орқали аниқланади. Одатда биз бирорта сўзнинг контекстдаги маъносини луғатдан топа олмаймиз. Лекин у сўзнинг асосий маъноси билан умумлашиб кетади.

He took a great pain to solve this problem гапида *pain* сўзининг фақат битта маъноси “оғриқ” деган маъноси бор, лекин бу гапда бу сўз кўшимча “уриниш, сайъ-ҳаракат қилиш” маъноларида келган. .

Аксарият сўзлар кўп маъноларга эга ва турли тилларда таржима қилиш жараёни турлича кечиши сабабли кўп маъноли сўзларни таржима қилиш жараёнида контекст айниқса катта аҳамиятга эга.

Таржима қилиш жараёнида ҳар ким луғат таркибига кирмаган сўзларни қўллаш мумкинлигини эсда тутиш керак, чунки луғатга контекстда талаб қилинадиган сўзларнинг барча тўғри маъноларини киритишнинг иложи йўқдир.

Сўзнинг аниқ маъносини топишдан ташқари ўқувчи она тилида мос келувчи бир нечта синонимлардан керакли сўзларни танлай олишлари керак. The theme was clear to all. Clear сўзининг “тоза”, “тиниқ”, “аниқ”, “тушунарли”, “очиқ” каби маънолари бор бўлиб, ўқувчи шу сўзлардан бирини танлайди ва гапга мос ҳолатда қўллайди.

Турли тилларда ўхшаш форма ва маъноларга эга бўлган сўзлар интернационал сўзлар дейилади. Уларнинг баъзи маънолари тўла мос (футбол, дипломатия, артиллерия, армия, телефон каби) келса, баъзилариники қисман мос келади.

Ҳар қандай тилнинг грамматик қонуниятлари асосида қурилган гапларнинг бошқа тилларда акс этиши ҳам уларни бошқа тилга таржима қилишда акс этади.

Қиёсланаётган замонавий инглиз ва ўзбек тилларида кондиционал компонентли гипотаксемалар юзасидан олиб борган кузатишларимиз натижалари ўларок уларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги шарт муносабатини ифодаловчи 37 турдаги боғловчилар орқали боғланган шарт компонентли гипотаксемаларни ўзбек тилига таржима қилишнинг жараёни қуйидагича кечади.

| № | Инглиз тилида | Ўзбек тилида |
|---|--|--|
| 1 | <i>If they knew how happy I am, they would be pleased, I am sure. [Ch. Dickens. Oliver Twist, p 361]</i> | Агар улар мени қанчалик бахтли эканлигимни билишганда эди, ишончим комилки улар бундан қувонган бўларди. |
| 2 | <i>It was the very place for a homeless boy who must die in the street unless someone helped him.[Ch. Dickens. Oliver Twist, p 81]</i> | Агар кимдир унга ёрдам бермаганида, бу жой айнан кўчада ўлиб кетиши муқаррар бўлган уйсиз бола учун мос жой эди. |
| 3 | <i>Let's take our swimming swimming costumes in case there's a pool at the hotel.</i> | Мабодо меҳмонхонада сузиш хавзаси бўлса, сузиш кийимларимизни оलोламиз. |
| 4 | <i>I will go providing that my expences are paid.</i> | Мен бораман, агарда харажатларим тўланса. |
| 5 | <i>They may do whatever they like provided that it is within the law.</i> | Нимани хоҳласанг шуни бажаришинг мумкин агарда у қонун дорасида бўлса. |
| 6 | <i>Supposing that you lost your passport , you'd have to go to the embassy.</i> | Сен ўқишни бошлашинг керак, йўқса барча имтихонлардан йиқиласан. |
| 7 | <i>Suppose that he hadn't recognized us – he might never have spoken.</i> | Биз буни экспресс почтаси орқали жўнатганимиз яхшироқ ақс холда бунга анча вақт кетади. |
| 8 | <i>The tour wasn't as pleasant as we thought it would be, given that the coach broke down on the way.</i> | Агар фургон йўлда бузилганида, саёхат биз ўйлаганимиздек ёқимли бўлмаган бўларди. |

| | | |
|----|---|---|
| 9 | The bank let the company 100,000 pounds <i>on condition that</i> they repaid the money within six months. | Банк компанияга 100,000 фунт беришга рози бўлади, агарда улар олти ой ичида қайтара олсагина. |
| 10 | You should take all the measures <i>in the event that</i> he may spy on you. | Хатто у сизга жосуслик қилган бўлиши мумкин бўлса ҳам, сиз барча чораларни кўришингиз керак. |
| 11 | They will welcome you <i>on condition that</i> you are smart enough. | Етарлича ақлли бўлсангизгина, улар сизни қабул қилишади. |
| 12 | They may be detained there <i>on the assumption that</i> private John is a spy. | Агар махсус Жон жосус бўлса, улар бу ерда ҳибсга олиниши мумкин. |
| 13 | You will have to use a gun <i>on the terms that</i> he doesn't behave properly. | Агарда у ўзини яхши тутмаса, сиз қуролдан фойдаланишга мажбурсиз . |
| 14 | The constructors will finish the work <i>guaranteed that</i> they are paid in time. | Уларга ўз вақтида тўланиши кафолатлансагина , қурувчилар ишни тугатишади. |
| 15 | They will reach the isle in time <i>granted that</i> they are not stopped by the police. | а) Политсия томонидан тўхтатилмасагина, улар оролга вақтида етиб келишади. б) Агар политсия томонидан тўхтатилмаса , улар оролга вақтида етиб келишади.. |
| 16 | <i>Granting</i> you are right, I won't do it | Агар сиз ҳақ бўлсангиз, мен уни бажармайман. |
| 17 | You should talk to him on the plan <i>if and only if</i> he considers you a partner. | Агар у сизни шерик деб ҳисобласа, у билан режа ҳақида гаплашиб олишингиз керак. |
| 18 | You will be punished <i>subject to</i> the crimes you have committed. | Сиз содир этган нарса жиноят бўлса, сиз жазоланасиз |
| 19 | We will support you <i>supposing that</i> you are one of us. | Бордию сиз биздан бўлсангиз, сизни қўллаб-қувватлаймиз. |
| 20 | You can play in the living room <i>as long as</i> you don't | Тартибсизлик қилмасангизгина, мемонхонада ўйнашиз мумкин. |

| | | |
|----|--|---|
| | make a mess. | |
| 21 | They should be rewarded <i>with the provision that</i> they are in time with task. | Агар вазифа вақтида яқунласа, уларга мукофот бериш керак. |
| 22 | Never step down <i>until</i> your safety is guaranteed. | Хавфсизлигингиз кафолатланмагунча, ҳеч қачон пастга тушманг. б)Хавфсизлигингиз кафолатсагина пастга тушинг |
| 23 | You can go home <i>as soon as</i> your duties have been completed. | а)Вазифангиз тугаши биланоқ, уйга кетишиз мумкин. б)Вазифангиз тугаган тақдирдагина, уйга кета оласиз. |
| 24 | He waited at the bottom of a steep hill <i>till</i> a stage coach came up. (82) | Мураббий келгунча тик тепаликнинг пастида кутди. |
| 25 | You've got to start studying, <i>or else</i> you'll fail all those exams | Сен ўқишни бошлашинг керак, йўқса барча имтихонлардан йиқиласан. |
| 26 | Stay where you are <i>before</i> your luggage is safely brought to you. | Юкингиз хавфсиз етиб келмагунгача, қаерда турган бўлсангиз ўша ерда қолинг. |
| 27 | We'd better it express , <i>otherwise</i> it'll take days. | Яхшиси биз буни Экспресс почтаси орқали жўнатамиз, акс холда бунга анча вақт кетади. |
| 28 | Even <i>assuming that</i> smokers do see the health warning,I doubt they'll take any notice. | Хатто чекувчилар соғлиқдаги огохлантиришларни кўрса ҳам улар буни инобатга олишига шубхам бор. |
| 29 | We will lend you the money <i>on condition that</i> it is repaid within 12 months. | Биз сизга қарзга пул берамиз,агарки 12 ой ичида қайтарилсагина. |
| 30 | <i>Considering that</i> the boarding pass is there , you will get on the plane. | Агар у ерда ўтиш йўлакчаси бўлса, сиз самолётга чиқа оласиз. |
| 31 | I will not hesitate in <i>admitting that</i> most officers are honest. | Агарда кўплаб офитсерлар виждонли бўлса, мен иккиланмайман. |
| 32 | .I don't want to miss <i>seeing that</i> fim on television tonight. | Мабодо филм бугун кечкурун телевизорда берилса, уни ўтказиб юборишни холамасдим |
| 33 | <i>Presuming that</i> the next iPhone | Агар кейинги iPhone телефонларида ЛТЭ |

| | | |
|----|--|--|
| | will have LTE, that's another reason to not buy an Android phone with LTE as well, he added. | бўлса, бу Андроид ЛТЭ ли телефондарини сотиб олмасликка яна бир сабаб бўлади. |
| 34 | This was changed in the time of Edward I of England, <i>allowing that</i> he sue in the common law courts. | Агарда у умумий қонун судига олиб борилганда, Англиялк Эдвард I вақтида бу ўзгарган бўларди. |
| 35 | Fighting stopped <i>on the understanding that</i> the sides would put their claims to a popular vote. | Томонлар ўзларининг даволарини халқ овозига қўйгансагина уруш тўхтайди. |
| 36 | They came here <i>with the understanding that</i> they would play with Britney Griner. | Агар Бритни Гринер билан ўйнасак деб, бу ерга келишди. |
| 37 | "To not utter it would be <i>conceding that</i> the word was or should be unspeakable". | Агарда бу сўз гапирилмайдиган бўлганида, гапирилмасди |
| | Манба: | Cambridge University Press 2019. http://dictionary.cambridge.org/grammar/british-grammar/ |

If орқали боғланган шарт компонентли гипотаксемаларни ўзбек тилига таржима қилиш унинг шарт мазмунни ифодалашда қўлланадиган қуйидаги турларини ҳисобга олиш керак:

1. Биринчи турдаги шарт компонентли гипотаксемалар ўзбек тилига аниқлик майли орқали таржима қилинади. Бу турда бундай қўшма гаплар **IF** + Present Ind. + Future Ind. ёки Future Ind. + **IF** + Present Ind. шаклида гапларда қўлланади.

If I go back they'll make me get operated on and then I'll put me in the line all the time. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 26]

Таржимаси: Агар мен қайтиб борсам, улар мени операция қилишади ва кейин мен ҳамма вақт сафда юраман.

“If the war is over it makes no difference,” Piani said. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 157]

Таржимаси: Агар уруш тугаса буни аҳамияти йўқ.

“Shoot him if he resists,” I heard someone say. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 160]

Таржимаси: “Агар у қаршилик қилса, отиб ташланг,” мен кимнингдир шундай деганини эшитдим.

“If you going to shoot me,” the lieutenant-colonel said, “please shoot me at once without further questioning.” [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 161]

Таржимаси: “Агар мени отмоқчи бўлсангиз,” деди лейтенант-полковник, “илтимос мендан савол сўрамасдан дарҳл отиб ташланг.”

“If you are in trouble,” he said, “I can keep you.” [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 169]

Таржимаси: “Агар сен қийналиб қолсанг,” деди у, “мен сени ҳимоя қиламан.”
He shook his head. “You won’t come back if you talk like that.” [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 170]

Таржимаси: У бошини силкитди. “Агар сен шу тарзда гапирсанг, қайтиб келмайсан.”

Биринчи турдаги шарт компонентли гипотаксемаларнинг эргаш гаплар таркибида баъзан шарт майлининг аналитик формаси (барча шахслар учун *should + Infinitive*) қўлланади, бу форма бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошишига озгина ишончни кўрсатиб келади. Бундай гаплар ҳам аниқлик майли ёрдамида таржима қилинади:

Should lubricant **bring in** stop, even momentarily, serious damage **may result**.

(Агар) ёғнинг оқиши бир лаҳза тўхтаб қолса ҳам, у жиддий зарар келтириши мумкин.[*The New York Times*. Apr 18 2008]

Биринчи турдаги шарт компонентли гипотаксемаларнинг эргаш гаплар таркибида баъзан *to be* феълининг *Present Subjunctive* формаси

қўлланади. Бош гапнинг кесими аниқлик майли орқали ифодаланиб келади. Бундай гаплар ҳам аниқлик майли ёрдамида таржима қилинади:

We request that you **be** here tomorrow.

Биз сизни эртага бу ерда бўлишингизни талаб қиламиз. [The New York Times Aug 17 2007]

2. Иккинчи турдаги шарт компонентли гипотаксемалар амалга ошиши мумкин бўлмаган, эҳтимолдан узоқ тахмин ёки фаразни ифодалашда қўлланади. Улар ё ҳозирги замонда ёки келаси замонда туради. Бу турдаги шарт компонентли гипотаксемалар ўзбек тилидаги шарт майлининг ўтган замон формасида келган шарт эргаш гапларга мос тушади. Эргаш гапларда ўтган ноаниқ замон формаси қўлланса, бош гапда *should/would + infinitive* формаси қўлланади:

If he knew Federico was here, he would be here. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 230]

Бу гапда у Федериконинг бу ердалигидан беҳабар, шунинг учун у бу ерда бўла олмади, деган мазмундаги амалга ошиши мумкин бўлмаган (unreal) тахмин ёки фараз ифодаланган.

Бу гапда ҳам амалга ошиши мумкин бўлмаган, яъни у ҳозир унинг ёнида эмас, шунинг учун у қўлидан чой ичолмайди деган мазмундаги фараз ёки тахмин қилинган иш-ҳаракат ифодаланиб келади. Бундай гапларни ўзбек тилига ўгиришда шарт-истак майлининг ўтган замон формаси *...да эди, ...ар эди* типидagi формалардан фойдаланилади:

Агар у Федерикони шу ердалигини билганда **эди**, у шу ерда бўлган бўларди.

Агар у шу топда унинг ёнида бўлганда албатта қўлидан олиб шу чойни ичарди. [С.Ахмад. Уфқ, 400 б.]

You were liable to arrest if you did not have one worn in plain sight. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 21]

Таржимаси: **Агар** сиз уни аниқ кўзга кўринарли жойга тақмаганингизда, сизни ҳибсга олишлари мумкин эди.

If it was closer to the front I could take you to a first medical post. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 26]

Таржимаси: **Агар** фронтга яқин бўлганда эди, сизни биринчи тиббий муассасага олиб борардим.

If there were no war, we **would** probably all **be** in bed. . [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 272]

Таржимаси: Агар уруш бўлмаганида, еҳтимол биз ҳаммамиз ўз ўрнимизда ётган бўлардик.

I could go to Spain if there was no war. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 28]

Таржимаси: Агар уруш бўлмаганда, Испанияга борардим.

If I had brains, I wouldn't be here. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 288]

Таржимаси: **Агар** ақлим бўлганида, мен бу ерда бўлмаган бўлардим.

I had woolen underwear and I did not think I would catch cold if I kept moving. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 164]

Таржимаси: Мен жунли кийим кийиб олган эдим, агар ҳаракат қилмасам совқотиб қоламан деб ўйламадим.

If they were Germans they'd **have** killed all of us. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 288]

Таржимаси: **Агар** улар немис бўлганларида, бизни ҳаммамизни ўлдирган бўларди.

I would worry too if I had it. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 168]

Таржимаси: Агар бу касаллик менда бўлганда мен ҳам ташвиш чекардим.

Шарт майли шарт компонентли гипотаксемалар эргаш гапли кўшма гапларда қўлланганда бу майл аниқлик майлининг ўтган ноаниқ замон формаси билан мос тушиши мумкин:

1. Should (барча шахслар учун) + Infinitive (*to* юкламасиз);

2. Were (барча шахслар учун) + Infinitive (to юкламаси билан).

Бу бирикмалар бирор бир воқеа-ҳодисанинг келаси замонда амалга ошишининг бироз эҳтимоллигини кўрсатиш учун қўлланади:

If I should see him tomorrow, I **should ask** him about you. [The New York Times. Nov 8 2002]

Таржимаси: Агар мен уни эртага кўрсам, мен ундан сиз ҳақингизда сўрардим.

If I were to see him tomorrow, I **should ask** him about you. [The Guardian-Film. Wed. Nov 8 2012]

Таржимаси: Қанийди мен уни эртага кўрсам, мен ундан сиз ҳақингизда сўрардим.

Wouldn't it be fun **if** we had brushes like a fox? [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 413]

Таржимаси: **Агар** мен ундан ёрдам сўраганимда, у мендан жаҳли чиқарди деб ўйлайсизми?

Эргаш гаплар таркибида баъзан баъзан *would* + *infinitive* формаси қўлланади.

Бу ҳолатда *would* ёрдамчи феъл вазифасида келмайди, балки илтимос қилиш, сўраш маъноларида келади:

It would be fine if we all went home. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 296]

Таржимаси: **Агар** биз ҳаммамиз уйга кетганимизда яхши бўларди.

Инглиз тилида иккинчи турдаги шарт компонентли гипотаксемаларни ўзбек тилига ўгиришда ўзбек тилидаги шарт-истак майлининг ўтган замон формаларининг биридан фойдаланилади. Инглиз тилида шарт майли сўзловчининг нореаллик нуқтаи назардан муносабат билдиришига кўра турли формаларга эга бўлиб келиши унинг феълнинг мураккаб грамматик категорияси деб ҳисобланишига асос бўлади.

Инглиз тилида шарт майлининг турли аналитик формалари (*should*, *would*, *could*, *might*) бош гапда келади. Бу тилда шарт компонентли

гипотаксемаларда бош гап реал бўлмаган натижа мазмунни ифодалаб келса, эргаш гап реал бўлмаган шарт мазмунни ифодалаб келади:

We could go out to dinner if Ferguson went along. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 153]

Бу гапда шарт майли *could* ёрдамчи феъли билан ифодаланиб, реал бўлмаган шарт мазмунни кўрсатиб келади, бу гап орқали Фергуссон шу ердалиги, шунинг учун ташқарига чиқа олмаймиз деган маъно келиб чиқади.

Инглиз тилида шарт компонентли гипотаксемалар кесими таркибида шарт майлининг турли аналитик воситалари, барча феълларнинг шарт майлидаги ҳозирги замон шакли ва *to be* феъллининг шарт майлидаги ўтган замон формаси (*were*) қўлланади. Ушбу ҳолатлар кесими шарт майли орқали ифодаланган шарт компонентли гипотаксемаларни ўзбек тилига ўгиришда бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай муаммоларни келтириб чиқаришнинг асосий сабаблари сифатида шарт майлида шакл ва маъно ўртасида ўзаро муносабат йўқлиги ҳисобланади.

Баъзан бир ҳил ташқи белгилар шакл ташқарисида ётган омилларга боғлиқ равишда икки ёки ундан ортиқ маъноларга эга бўлиб келади, баъзан бир ҳил модал маъно иккита турли ташқи белгилар орқали ифодаланади. Бунга мисол қилиб **we should come** бирикмасининг бирорта маъносини кўриб чиқамиз: *I think we should come here again tomorrow.* Бу гапда *we should come* бирикмаси *we ought to come* гапига эквивалент бўлиб келади: Биз эртага яна келишимиз зарур деб ўйлайман.

We should come бирикмаси қуйидаги гапда бошқа маънога эга бўлиб келади: *If we knew that he wants us we should come to see him.* Бу гапда *we should come* бирикмаси маълум шарт-шароитга боғлиқ иш-ҳаракатни ифодалаб келади: У бизни кўрмоқчи эканлигини билганимизда эди, уни кўргани борар эдик.

Қуйидаги гапда *we should come* бирикмаси бошқа маънога эга бўлиб келади: *How queer that we should come at the very moment when you were*

talking about us! Бу гапда *we should come* бирикмаси ҳақиқатдан содир бўлган иш-ҳаракатни ифодалаб келади: Сизлар биз ҳақимизда гаплашиб турганингизда бизнинг келиб қолганимиз нақадар ғалати ҳол бўлди.

Бу каби фикрлар агар уларни полисемик ва омонимик нуқтаи назардан таҳлил қилганимизда янада чигаллашиб кетади. Масалан: *lived, knew* феъллари гапларда икки ҳил йўллар билан қўлланади:

1. *He lived here five years ago. I knew it all alone.*

2. *If he lived here he would come at once. If I knew his address I would write to him.*

Биринчи турдаги мисолларда берилган *lived, knew* каби феъл шакллари аниқлик майлининг ўтган замон формасига мансуб бўлади: У бу ерда беш йил аввал яшаган. Мен бундан деярли хабардор эдим.

Иккинчи турдаги мисолларда берилган *lived, knew* каби феъл шакллари икки ҳил талқин қилинади: *lived, knew* феъллари ё аниқлик майлининг ўтган замон формаларидан бири бўлади ёки аниқлик майлининг ўтган замон формалари билан бирга омоним муносабатда бўлган бошқа майл формалари ҳисобланади: Агар у бу ерда яшаганда эди, у дарҳол келарди. Агар мен унинг манзилини билганимда мен унга хат ёзардим.

3. Учинчи турдаги шарт компонентли гипотаксемалар ўтган замонга мансуб бўлган тахмин ва фараз қилинган иш-ҳаракатни ифодалаб келади, шунинг учун бундай иш-ҳаракат амалга ошмайди. Бу турдаги шарт компонентли гипотаксемалар ўзбек тилидаги шарт-истак майлининг ўтган замон формасига мос тушади. Эргаш гапларда ўтган тугалланган замон формаси қўлланса, бош гап таркибида *would + Perfect Infinitive (to* юкламасиз) формаси қўлланади: *If your offer had been received ten days ago, the goods would have been shipped and sent yesterday.* Бу гапни ўзбек тилига таржима қилишда ўзбек тилидаги шарт-истак майлининг ўтган замон формасидан фойдаланилади, яъни “...ганда эди, ...ган бўлар эди” тарзида

таржима қилинади: Агар сизнинг буюртмангиз ўн кун олдин қабул қилинганда эди, маҳсулотлар кеча юклатилиб, жўнатилган бўлар эди.

It would have been too wonderrful **if** he had said that. But he didn't. [И. П. Крылова, 8:123]

Таржимаси: Агар у буни айтганда эди жуда яхши иш бўлар эди. Лекин у айтмади.

“She would have bid you good-bye this time,” returned Sir Percival, “if she had not been afraid of herself and of you.” [W. Collins. The women in white. p 91]

Таржимаси: “Агар у ўзидан ва сендан кўркмаганда эди,” жавоб берди сер Персивал, “у бу сафар сен билан хайрлашган бўлар эди.”

Of course, all this wouldn't have happened **if** the girl hadn't been excited. [И. П. Крылова, 8:123]

Таржимаси: Албатта, агар қиз хаёжонламаганда эди, бунинг ҳаммаси содир бўлмасди.

But we had both gone out together, we could have excited suspicion. [W. Collins. The women in white. p 65]

Таржимаси: Лекин биз икковимиз бирга чиқиб кетганимизда, шубҳа уйғотар эдик.

If Aymo had not been killed there would never have seemed to be any danger. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 157]

Таржимаси: Агар Аймо ҳалок бўлмаганда эди, ҳар қандай хатарнинг юз бермаслиги мумкин эди.

“Oh, Marian!” she whispered, softly. “If my mother had been alive, she could have done no more for me.” [W. Collins. The women in white. p 50]

Таржимаси: “О, Мариан!” шивирлади у майингина. “Агар онам хаёт бўлганда, менга ҳеч нарса қила олмас эди.”

I would have done it **if** had had more time yesterday. [W. Collins. The women in white. p 103]

Таржимаси: Агар мени кеча вақтим кўп бўлганда эди, мен буни бажариб қўйган бўлар эдим.

Could, might модал феъллари билан ифодаланган шарт компонентли гипотаксемаларни ўзбек тилига ўгиришда ҳам, шарт-истак майлининг ўтган замон формаси (...ганда эди, ...ар эди шаклида) қўлланади:

I was sure we **could have** gotten through to the south **if** they had not fired on us. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 289]

Таржимаси: Агар улар бизга отишмаганида, ишончим комилки биз жанубга етган бўлардик.

If we're cut off, we **might** as well have a drink. [E. Hemingway. *A Farewell to Arms*, p. 281]

Таржимаси: Агар бизни тўхташтирмаганида, биз яна ичган бўлардик.

I could have asked him to come **if** I had seen him yesterday. [W. Collins. *The women in white*. p 103]

Таржимаси: Таржимаси: Агар мен уни кеча кўрганимда эди, мен ундан келишини сўрашим мумкин эди.

3.2. Турли тизимли тилларда шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингводидактик аспекти

Ҳозирга замонда юртимизда барча таълим муассасаларида хорижий тилларни мукаммаал ўқитиш ва ундаги нутқ малакаларини эгаллашга бўлган талаб ҳукумат миқёсидаги бажариши лозим бўлган устувор вазифалардан бирига айланмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири бу мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ҳар қайси соҳада мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш, улардаги илғор иш услубларини ўз юртимизда тадбиқ этиш, шу билан бирга турли соҳада юз бераётган ўзгаришлардан мунтазам бохабар бўлиб бориш деб ҳисоблайман.

Замонавий таълим тизимида таълим муассасаларида ўқувчиларни хорижий тилларни мукамал эгаллаши ва уларни ҳар томонлама етук ва соғлом фикрли шахс сифатида тарбиялаш шу соҳада иш олиб бораётган

Ўқитувчиларнинг олдида бажариши керак бўлган вазифалардан биридир. Хориж тилини ўқитиш ҳам барча бошқа предметлар каби умумтаълим, тарбиявий ва амалий мақсадларни назарда тутати ва шахсни ҳар томонлама етук кадр қилиб тарбиялаш ишига ўз ҳиссасини қўшади. Бу авлод нафақат билим олибгина қолмасдан, балки кенг дунёқарашга эга бўлиши ва энг асосийси инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳамда интернационализми руҳида, меҳнатга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбияланиши керак.

Ҳозирда хорижий тил ўқитувчиларининг олдига ўқувчиларни хорижий тилларга ўқитиш ва билимини оширишнинг тарбиявий мақсад ва амалий мақсадлари қўйилган. Бундан ташқари оғзаки нутқ малакаларини ўстириш мақсади ҳам бу вазифалар сирасига киради, чунки хорижий мамлакатлар билан алоқалар хорижий тилда гаплашувчи кишилар билан бевосита мулоқотда бўлишни тақозо этмоқда. Хорижий тил ўқитишда таълимий, амалий ва тарбиявий мақсадлар назарда тутилиб, булар ичида амалий мақсад биринчи ўринда туради. Таълимий ва тарбиявий мақсадлар амалий мақсад асосида амалга оширилади.

1. Хориж тили ўқитишнинг амалий мақсади.

Кўпинча амалий мақсад дейилганда фақат оғзаки нутқни ўстиришни тушунилади. Лекин бундай қараш хатодир, чунки хорижий тилни ўқитишда шу тил асосида олиб бориладиган нутқ фаолиятини асосини таркиб топтириш назарда тутилади.

Демак, ўрганилаётган тил ёрдамида фикр алмашувни, мулоқотни таъминловчи малака ва кўникмаларни таркиб топтириш зарур. Бу деган гап янги коммуникация системасини таркиб топтириш демакдир. Айтганларимиздан шундай хулоса чиқади:

Хориж тилини амалий ўрганиш деганда шу тилдаги нутқ фаолияти турларини ҳаммаси тушунилади (ўқиш, ёзиш, эшитиш, гапириш).

1. Ўрта мактабда хорижий тилни ўқитишнинг амалий мақсади деганда ўзгалар фикрини, гапини тушуниш ва ўз фикрини оғзаки ёки ёзма формада ифодалаш тушунилади.

2. Нутқ фаолиятининг турларини эгаллаш чегараланган бўлиши керак. Чунки нутқ фаолияти турларини эркин билиш бу хорижий тилни тўла билиш бўлиб, бу ўрта мактаб олдига қўйилган вазифага тўғри келмайди ва ўрта мактабда бу даражада ўрганишни иложи ҳам йўқ.

Шунинг учун ҳам ўрта мактабда хориж тилини амалий мақсади деганда ўқувчиларда хориж тилини амалий билишнинг асосларини хосил қилиш тушунилади.

Ўрта мактабда хорижий тилни ўқитишда нутқ фаолиятининг ҳамма турларини бир хилда ривожлантириш талаб этилмайди. Асосан оғзаки нутқ билан ўқишга кўпроқ эътибор берилади. Ёзувга ўргатишда ўрта мактаб ўқитиш воситаси сифатида қаралади. (Масалан: хорижий юртдаги ўртоғига оддий хат ёзиш)

2. Таълимий мақсад

Хорижий тилларни ўргатиш предмети ҳам барча фанлар каби ўзининг таълимий мақсадига эга. Хориж тили ўрганишда киши тафаккурини яъни фикр хосил бўлиш формалари чуқур англаб етилади, ўз она тилисини янада чуқурроқ эгаллайди ва тил системасини, тили ўрганилаётган мамлакат тарихи, адабиёти ва географияси ҳақида билишга эга бўлади.

Хориж тили ўрганиш жараёнида ўқувчи фикран хорижий тил ходисаларини она тили билан қиёслайди.

Демак, бу ерда шуни айтиш керакки умумий ўрта таълим учун хорижий тилни ўрганишнинг натижасигина эмас, балки шу хориж тили ўрганиш жараёнини ўзи ҳам катта таълимий аҳамиятга эгадир.

Хориж тили ўрганиш ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ўстиради. (яъни анализ, синтез, қиёслаш каби ақлий операцияларни янада ривожлантиришга ёрдам беради).

Масалан: режа тузиш, матнга мавзу топиш, режа бўйича хикоя қилиш, расмни тасвирлаш машқлари ўз фикрини маниқий ифодалашга ёрдам беради.

Хориж тили матнларидан олинган ахборот ўқувчиларнинг дунё қарашини ўстиради.

3. Т а р б и я в и й мақсад

Хорижий тилни ўқитишда тарбиявий мақсад шу тилни амалий билиш асосида ва амалий билишга ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Ўқитувчининг кундалик воқеалар тўғрисидаги суҳбати, диафильм ва кинофильмларни кўриш ўлкашунослик ва сиёсий ҳарактердаги матнларни ўқиш ўқувчиларни хорижий эл мамлакатлар билан у ердаги меҳнаткашлар ҳаёти билан таништиради. Бу тўғридаги фактлар, воқеа-ходисаларни бизнинг мамлакатимиздаги ҳаёт билан, турмуш тарзи билан қиёслаш ўқувчиларда ватанпарликни , она Ватанга, ўз юртига садоқат, халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик руhini таркиб топтиришда катта роль ўйнайди.

Ва ниҳоят хорижий тилни ўрганиш киши ҳарактерини таркиб топтиришга ёрдам беради. Масалан: матн устида ишлаш жиддийликни, катъийликни ва Л.В.Шербанинг таъбири билан айтганда "жиддий китобхон"ни тарбиялашда катта ёрдам беради.

Хорижий тилларни ўргатиш ва ўқувчиларни нутқини шакллантириш бўйича ҳозирда ўрта мактабларда ўқитишнинг турли воситалари ва методларидан фойдаланиб дарс ўтиш кенг аҳамият касб этиб бормоқда. Кейинги пайтларда янгича ўқитиш методлари деган тушунча тез-тез қўлланмоқда. Метод нима? Метод мукамал ва аниқ тамойилга эга бўлган ўқитишнинг кўринишидир. Усул эса таълим-методининг асосий таркибий қисмларидан биридир.

Ҳозирги даврда хорижий тилларни ўқитишда турли методик воситалар, илғор педагогик технологияларга асосланган ҳолда дарс олиб бориш кенг

йўлга қўйилган. Хорижий тилларни ўқитиш методикасида хорижий тилларни ўқитишнинг мақсадлари, мазмуни, қонуният, метод, воситалари, йўл ва усуллар муҳим бўлмоқда.

Хорижий тилларни ўқитиш методикасида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муҳим ҳисобланади:

1. Ҳозирги давр хорижий тилларни ўқитиш методикаси мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида методиканинг асосий қисмларини ёритиш ва унинг асосида ўқувчи, ўқувчиларга таълим бериш;
2. Ўқувчиларга хорижий тилларни ўқитишнинг илғор метод ва усулларини таништириш;
3. Ҳозирги давр методикасининг таркибий қисм, воситаларини ёритиш;
4. Ўқувчиларнинг тил ўрганишга бўлган билим ва малакаларини шакллантириш.

Методиканинг асосий объектига ўқув фанлари бўйича таълимнинг амалга оширувчи дастур, дарслик, ўқув қўлланмалари ва ўқитиш жараёнининг ташкилий шаклларини киритилади. Ҳар бир фаннинг ўз объекти бўлиб, уни ўзининг нуқтаи назаридан ўрганади.

Хорижий тиллар ўқитиш методикаси мактаб ва бошқа ўқув юртларида ўқув юртларида хорижий тилидан нималарни ўргатиш, ўрганиш ва қандай ўргатиш масалалари билан шуғулланади.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хорижий тилларнинг грамматикаси бўйича билимини ошириш бўйича ҳозирги замон тилшунослигида бир қатор методик қўлланмалар, ишланмалар, дарсликлар, машқлар яратилган. Ўрта мактабларда қўшма гаплар ва уларнинг турлари, ифодаланиш воситалари, уларни боғлаб келувчи турли лексик ва грамматик воситаларнинг семантик-стилистик жиҳатлари, уларнинг гапларда тутган ўрнини ўқувчиларга ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Шарт мазмунни ифодалашда қўлланадиган шарт компонентли гипотаксемалар ва уларни бош гап билан боғлаб келувчи турли боғловчи воситаларни

ўқувчиларга ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда, шу билан бирга бундай воситаларни ўқувчиларга қиёслаб ўргатишда ҳам бир қатор муаммолар мавжуд.

Шарт мазмунни ифодаловчи шарт компонентли гипотаксемаларни ўқувчиларга ўргатишда аввало унинг ҳол эргаш гапли қўшма гапларда тутган ўрни ва бошқа эргаш гапли қўшма гаплардан фарқли хусусиятлари айтиб ўтилади. Маълумки, қўшма гапларда таркибидаги эргаш гапда ифодаланган шарт мазмун бош гапда англашиб келган иш-ҳаракатнинг бажирилиши билан боғлиқдир, масалан: *If John comes we shall play tennis.* Бу гапда бизнинг теннис ўйнашимиз Жоннинг келиши билан боғлиқлиги айтиб ўтилади. Бундай гапларни тушунтириш ва таҳлил қилиш жараёнида ўқитувчи шарт эргаш гапли қўшма гапларни бош гап билан боғлашда қўлланадиган турли боғловчи воситаларни (*if, unless, if ... not, in case, provided (that), providing (that), suppose (that), supposing*) келтириб ўтиши мумкин. Уларни тушунтиришдан сўнг мавзунини янада мукамал тушуниш мақсадида бир қанча мисолларни ўқувчиларга ишлашга тавсия этиш мумкин.

Масалан: Юқорида келтирилган боғловчилар иштирокида қуйидаги берилган гапларни бир-бирига солиштириб ишлаш машқи:

Намуна: *Id. You won't get a new job.....unless you look for one.*

- | | |
|----------------------------|------------------------------------|
| 1. You won't get a new job | a. when she doesn't have breakfast |
| 2. I'll go shopping | b. unless the boss says I can't. |
| 3. I'll start cooking | c. if she drives to work everyday. |
| 4. She always gets hungry | d. unless you look for one. |
| 5. If I go to bed early | e. I feel great the next day. |
| 6. I'll take a day off | f. I get paid more. |
| 7. She won't get fit | g. when you arrive. |
| 8. If I work at weekends | h. if you lend me some money. |

Академик литсейларда ўқувчиларга “Conditional sentences” мавзусида 80 минутлик дарс ишланмаси.

Plan of the lesson

Date: " __ " _____, 2019 __

Subject: Practical grammar of the English language

Theme: Types of the Conditional sentences and their translation.

Objective: improving the knowledge in grammar according to the theme, developing skills and habits of using adverbial clauses of place and to practice their conversational skills according to the theme.

Group: ____

Level: pre-intermediate, intermediate

Equipment:

- | | |
|---------------------------|--|
| 1) text book; | 6) visual aids; |
| 2) blackboard; | 7) technical aids: |
| 3) computer set; | a) computer; b) projector; c) CD player; |
| 4) summary of the lesson; | 8) dictionaries; |
| 5) handouts; | 9) slides; |
| | 10) presentation. |

Time: 80 min

The course of the lesson:

I. The preliminaries of the lesson : (10 min)

a) Greeting

b) Calling the register

c) Exchange of questions and answers on the daily news (good and bad), making reports

d) Checking up the homework (the last theme is simple sentence)

In order to check up the last theme the teacher should have cards which have been written —parts of sentence on it. At first, teacher should divide the group into three or four small subgroups. There is a lake with colourful fish, like green, red, pink and yellow, in it. Every student come to the lake and take fish, and by this way they find out their group. When the small groups have their seats, the teacher

order them make up simple sentences. After students finish the task, teacher call one group, for example, “red fish” group, to the blackboard and give them the cards. The members of the other groups read the sentences and the students of the “red fish” group change their position and make the formula of the sentences. The teacher will check and correct them. Turn by turn each group do this activity. At the end the actives are estimated with good marks.



For example, the sentence may be:

We bought a new car last week.

In this sentence **we**-subject, **bought** – predicate, **a new** – attribute, **car** – object, **last week** – adverbial modifier of time. And the students take the cards and change their position as follows.



Homework should be checked up with everybody.

- Written homework
- Oral homework
- Exchange of questions and answers on the homework
- Assessment / Evaluation

II. Presentation of the new material

1) Preactivities: (20 min)

a) Warming up on conditional sentences.

Before starting the lesson it will be better if the teacher begin it with extraordinary way. For example, teacher asks students what they want to do if they have a chance. "If I were rich, I would....." "If I had enough money, I would travel the world." etc.

The teacher begins by saying a few examples . The students are instructed to do this task like the teacher.

“If I were a doctor, I would heal people.”

”If I had a lot of money ,I could buy a house.”

“If I were a firefighter, I would put out fires.”

“If I were a policeman, I would enforce the law.”

This kind of approach to the teaching process helps students to be attentive and to raise their motivation to the lesson.

b) Presentation of the new material, exchange of questions and answers, reactions to them: The part of presentation is one of the main parts of the lesson. First of all, teacher explain conditional sentences and their types in Modern English. And then at this part it is possible to give a new information on discussing a new theme. Teacher’s presentation must include all about conditional sentences: classification and structural-semantic types of conditional sentences, their translation into uzbek and other important information about it.

c) Grammar topic: Developing skills and habits of using the compound sentences.

Developing skills and habits of using the compound sentences. Techer gives and shows cards or grammar slides on the projector to continue compound sentences. And then teacher gives exercises in order to drill the studied materials.

2)While (during) activities: (20 min)

Exercise 1. Do the following exercise. Put the verbs in brackets in the correct form to make first conditional sentences.

1. If it (snow) at the weekend, we (make) a snowman.
2. Nina (marry) Steve if he (ask) her on Valentine’s Day.
3. If we (win) the match today, we (play) in the final next week.
4. If Jack (not work) harder, he (fail) the exam.
5. Paul (be) really angry if you (not tell) him the truth.
6. You (not pass) the exam if you (not work) a bit harder.

7. If they (not come) to see us today, they (come) tomorrow?
8. If Jim (be) late home tonight, we(not go) to the funfair in town.

Exercise 2. The second conditional. Do the following exercise. Complete the sentences with the verbs in brackets in the second conditional.

1. If I the car, I drive very fast. (buy/be able to)
2. If I very fast, the police me. (drive/stop)
3. If the police me, I my driving licence. (stop/lose)
4. If I my driving licence, I a car. (lose/not need)

Exercise 3. Make sentences in the second conditional. Use these prompts and words of your own.

Example:

Work hard /earn...

If I work hard, I shall earn much money.

1. meet a famous pop star/ask him/her...
2. be a singer / sing with...
3. can have any job in the world/be...
4. see a robbery/tell ...
5. have a video camera/film...
6. win the lottery/buy...

3)Postactivities (30 min)

a) Consolidating. Communicative use of the Conditional sentences with adverbial clause of place. (10 min)

In this part of the lesson teacher can ask students to work in groups (of 3-4 members) to talk on the topic "*If you had enough money, where would you travel?*" using conditional sentences with adverbial clause of place and giving in their speech culturological unives of that country.

b) Competitive activities: In this kind of activity teacher divides students into 6 groups with role-plays such as tour companies, or as political parties creating an

election manifesto, (have fun having them choose their names). Give them conditional questions such as:

What would you do about traffic congestion if you were the government? (2nd conditional)

What do people do when they go on holiday with your tour company? (zero conditional)

Give out the same question to each group and allow them a few minutes to come up with their best responses. They report back with their ideas and you act as a voter or customer deciding which you would choose.

This activity helps teachers to organize each students in the group and develops students` speaking and listening skills.

2) Merry moment of the lesson can be organized by the following kinds of activities:

- Rebus
- Crosswords
- Games

Pelmanism (“Concentration”)

This is a game based on memorizing cards or other objects placed in front of the players that has become a standard activity in the ESL classroom. It is known as “Concentration” in many countries. Create 5 pairs of cards with beginnings and endings written on them. For example, with a second conditional: Card 1 “If I lived in Antartica” / Card 2 “I would be very cold”. Lay them face down and either mark all the backs of the beginnings with “1” and the endings with “2” or have beginnings and endings on different colored card. Set students up in groups of 2-4, with a set of cards each. They put all the cards face down and take turns picking up a beginning, saying what a suitable ending might be and then pick up an ending card. If they are a suitable match they keep the pair, if not they replace the cards face down and the next student continues. You must design the pairings so that there is only one possible match. Make sure the students say what the ending might

be before picking up the second card to maximize student talk time. The student with the most cards at the end wins.

3) Home task

- **Written:** to write an essay under the following topic “If I were a magic...” using conditional sentences (use no less 250 words).
- **Oral:** be ready to retell it.

4) Assessment / Evaluations for activeness in class

Students should be evaluated after the lesson taking into a consideration their being active (activeness).

Ўқувчиларни *if* боғловчиси воситасида келган шарт компонентли гипотаксемаларни турли замон нуқтаи-назаридан ифодаланиб келишини ўргатиш орқали, уларнинг *фееъл* замонлари билан ишлаш малакалари ва кўникмалари шаклланади. Қуйидаги машқда реал иш-ҳаракатни ифодалаб келувчи гапларни нореал иш-ҳаракатни ифодаловчи гапларга айлантирган ҳолда, гапларни икки марта ёзиш машқи тавсия этилади:

a) *ҳозирги ва келаси замонга мансуб бўлган гаплар,*

b) *ўтган замонга мансуб бўлган гаплар.*

1. If I am not too busy, I shall go to the concert.
2. They will all be surprised if I make such a mistake.
3. If he doesn't come in time, shall we have to wait for him?
4. If no one comes to help, we shall be obliged to do the work ourselves.
5. If you put on your glasses, you will see better.
6. What shall we do if they are late?
7. Will you be very angry if we don't come?
8. Will he be very displeased if I don't ring him up?

Ҳозирги вақтда нафақат хориж тилига ўқитиш бўйича балки барча фанларга ўқитишни, ўргатишни янги-янги методларини излаб топиш ва уни амалда синаб кўриш тўғрисида кўп ишлар қилинаяпти. Бу ҳозирги кундаги таълим тарбия жараёнини яхшилаш, учун хал қилиниши керак

бўлган энг муҳим муаммолардан биридир. Агар аввал хорижий тилни ўқитиш шу тил системасини ўрганиш деб қаралган бўлса, кейинги йилларда ўқитишдаги муҳим кўзланган нарса бу ўқувчиларни хорижий нутқини ўстиришдан иборат бўлди.

Сўнги йилларда хорижий тил ўқитишни интенсивлаштириш масаласи бўйича бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда анча ишлар қилинди ва қилинмоқда. Булар янги интенсив методларни юзага келишига сабаб бўлди. Хўш, интенсив метод ўзи нима? Уни қандай тушуниш мумкин? Интенсив ўқитиш деган сўзнинг маъноси бу қисқа вақт ичида ўқувчиларни ўрганаётган хорижий тилда нутқ фаолиятини амалга оширишга, яъни гапиришга ўргатиш. Бу асосан ўқувчиларнинг ички психологик имкониятларига, резервига таянган ҳолда амалга оширилади.

Интенсив метод дастлаб XX асрнинг бошларида "тўғри" метод асосида шакллана бошлади. Методика фанида бу ҳақида қуйидагича фикр мавжуд: тўғри метод хорижий интенсив ўқитишга ўтишга қулай имконият, асос яратиб берди. Чунки тўғри методнинг баъзи бир принципиаль томонларини чунончи,

- 1) оғзаки нутққа бўлган қизиқиш, айниқса диалогик нутққа;
- 2) ситуациялар танлаш;
- 3) ўқувчиларнинг дарсдаги активлигини ошириш;

қабилар ҳозирги замонавий интенсив методларнинг у ёки бунисига асос қилиб олинган. Бу табиий албатта, чунки ҳар бир янги метод ўзидан олдин ўтган методнинг яхши томонларини сақлаб қолади.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Инглиз тилидаги шарт компонентли гипотаксемаларнинг ўзбек тилига таржима қилиш жараёни таржимондан юксак савия ва ҳақиқий таржимонлик маҳоратини талаб қилади.

Қиёсланаётган ҳар икки тиллардаги кондиционал компонентли гипотаксемаларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги шарт муносабатини

ифодаловчи 37 турдаги субординаторлар орқали боғланган гипотаксемаларга берилган мисоллар ўзбек тилига таржима қилинди. Бир тилдан иккинчи тилга ўгириш жараёнида қиёсланаётган тилларда гипотаксемаларнинг изоморф ва алломорф жиҳатларини кўришимиз мумкин. Таржима жараёнида уларнинг тиллараро мутаносиблиги ва номутаносиблиги масаласи яъни инглиз тилида шарт муносабатини ифодаловчи синтактик қурилма ўзбек тилига таржима қилинганда шарт муносабатини эмас балки бошқа бир синтактик муносабатни ифодалаши мумкин. Бу билан биз турли системага оид бўлган тилларда ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатларини ўрганишимиз мумкин.

Шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингводидактик жиҳатлари яъни уларни олий мактабда ўқитиш жараёнига тегишли бир қатор эффектив методик кўрсатмалар ишлаб чиқилди ва машқлар тизими яратилди. Бундай омиллар эса мазкур гипотаксемаларни олий ўқув юртларида ўқитишда муҳим аҳамият касб этади.

Инглиз тилидаги шарт компонентли гипотаксемаларнинг структурал-семантик турлари билан бир қаторда уларнинг лингвокультурологик ҳамда коммуникатив-прагматик жиҳатларини олий мактабларда ўқитишда интерактив методларнинг аҳамияти беқиёс, чунки бундай методлар орқали ўқитиш жараёнида коммуникативлик тамойилига амал килинади. Дарсларда мазкур гапларнинг лингвокультурологик, коммуникатив-прагматик жиҳатларини ўқитишда интеграллаштирилган кўникма ва малакалар ҳосил қилинишига асосий эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ, акс ҳолда талабаларда зеркиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Интеграллаштирилган кўникма ва малакаларнинг пухта шакллантирилишига қаратилган дарсларда талабаларнинг ўрганилаётган тил ходисасига бўлган қизиқиши янада ортади, уларда интерфаоллик кўрсатиши иш мезонига айланиб қолади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ҳозирги замон тилшунослигида қўшма гаплар ва уларга берилган таърифлар ва уларнинг таснифланиши кўплаб олимлар томонидан анча йиллардан бери талқин қилиниб келинаётган бўлсада, ҳозирги кунга қадар бу масала муҳокамали мавзулардан биридир. Инглиз ва ўзбек тиллари турли системали тиллар ҳисобланиб, уларнинг умумий томонларидан кўра хусусий томонлари кўпроқ эканлигини кўриш мумкин. Ушбу тиллар нафақат генетик жиҳатдан, балки морфологик (типологик) жиҳатдан ҳам бир биридан узоқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳар икки тилда сўз ясалиши, сўз шакли ҳосил қилиниши, гап қурилиши ва бошқа грамматик хусусиятлар бир биридан фарқ қилади. Айнан шу манзарани қўшма гаплар тадқиқида ҳам учратиш мумкин.

2. Турли тизимли тилларда шарт компонентли гипотаксемаларнинг тадқиқига оид илмий ишлар бир қатор хориж (Л. Бархударов, Б. Ильиш, И. Иванова, Б. Хаймович, Б. Рогвская, Х. Суит) ва ўзбек тилшунос олимлари (У. Юсупов, Ў. Ҳошимов, А.Нурмонов, Н.Махмудов, Ғ.М.Ҳошимов, М. Абдувалиев ва бошқалар) томонидан маълум даражада ўрганилган ва тадқиқ қилинган. Бироқ шарт компонентли гипотаксемаларнинг антропоцентрик тавсифи билан чамбарчас боғлиқ бўлган уларнинг лингвокультурологик ва коммуникатив-прагматик жиҳатлари алоҳида таҳлил объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

3. Қиёсланаётган замонавий инглиз ва ўзбек тилларида кондиционал компонентли гипотаксемалар юзасидан олиб борган кузатишларимиз натижалари ўларок, уларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги шарт субординаторларининг тилда пайдо бўлган янги унсурларини, яъни инглиз тилида 16 хил, ўзбек тилида эса 21 хил боғловчи воситаларни тадқиқ қилдик.

Замонавий инглиз тилида янги мақомга эга бўлган боғловчилар: “*provided (that)*”, “*providing (that)*”, “*suppose*”, “*supposing that*”, “*considering (that)*”, “*admitting (that)*”, “*presuming (that)*”, “*seeing (that)*”,

assuming (that)”, “allowing that”, “on the understanding that”, “with the understanding that”, “conceding that”, “granted that”, “granting that”, given that

Инглиз тилидаги каби, ўзбек тилида шарт компонентли гипотаксемаларда ҳам эски боғловчи воситалар (“агар... са”, “агарда ...са”, “агарки.....са”, “...са” кабилар) билан бир қаторда уларнинг қуйидаги нисбатан янги турларини ажратиш мумкин: 1)“*борди-ю,.... са,*” ; 2)“*башарти са,*”; 3)“*мабодо..... са,...*”; 4).“*мабодо.... ар экан,...*”; 5) “*мабодосами, ...*”; 6)“*мабодочи экан,*”; 7)“*модомики.....са,* “; 8)“*боринг ди ҳам,.....*”; 9) “*-са эди,*” 10)“*-са экан,.....*”; 11) “*.....-са борми,*”; 12)“*.....са кўринг, ади*”; .13)“*шоядса,.....*”;14) “*зора.....са,*”;15) “*кошкиса,.....*”;16) “*қанча+ са ҳам.....*”;17)“ *қанча+ + са ҳамки,*”; 18)“ *.....қил,бўлмаса, майди*”; 19)“*.....иши керак, йўқса.....(лади*”, 20) “*Холбуки.....са*”;21) “*Мабодо ганда ҳам ,.....*”.

Мабодо шунақа хаёл бошига келса ўзидан-ўзи қўрқиб кетарди.(С.Ахмад :399)

Холбуки мустабид тузум замонида ёзувчи Саид Ахмад кўрган жабру жафоларни филнинг устига ортса, бели майишиб кетган бўларди(Ў.Хошимов :23)

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатини ифодаловчи барча воситаларни аниқлаш бизга бу тилларда ифодаланаётган синтактик муносабатларни маданият билан қанчалик узвий боғлиқлигини кузатиш имконини беради.

Юқорида биз инглиз ва ўзбек тилларида шарт компонентли гипотаксемаларнинг нисбатан янги турларини санаб ўтдик. Ана шу янги турлар шу тилдаги гипотаксемаларнинг лингвокультурологик жихатларидан далолат беради, чунки тилда янги унсурларнинг кириб келиши тилда сўзловчилар лисоний мадаиятидаги етишмовчиликларни тўлдириш жараёни билан тушунтирилади.

Шарт компонентли гипотаксемаларнинг қуйидаги лингвокультурологик жихатларини аниқладик.

1. Шарт компонентли гипотаксемаларнинг янги турлари мавжуд.
2. Бу турларнинг тилда сўзловчилар социал мақоми, тоифаси билан ҳам боғлиқлиги.
3. Шарт компонентли гипотаксемаларнинг синонимик қаторларининг борлиги.
4. Шарт компонентли гипотаксемаларнинг омонимик қаторларининг борлиги.
5. Шарт компонентли гипотаксемаларнинг соф (бир семантикали) ва синкретик (бирдан ортиқ семантикали) турларининг мавжудлиги.
6. Шарт компонентли гипотаксемаларнинг қўлланилиши тезлиги (частотаси) ва ҳакозолар.

Инглиз тилидаги шарт компонентли гипотаксемаларнинг ўзбек тилига таржима қилиш жараёни бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Инглиз тилида шарт компонентли гипотаксемалар кесими таркибида шарт майлининг турли аналитик воситалари, барча феълларнинг шарт майлидаги ҳозирги замон шакли ва *to be* феълининг шарт майлидаги ўтган замон формаси (*were*) қўлланади. Ушбу ҳолатлар кесими шарт майли орқали ифодаланган шарт компонентли гипотаксемаларни ўзбек тилига ўгиришда бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай муаммоларни келтириб чиқаришнинг асосий сабаблари сифатида шарт майлида шакл ва маъно ўртасида ўзаро муносабат йўқлиги ҳисобланади.

Баъзан бир ҳил ташқи белгилар шакл ташқарисида ётган омилларга боғлиқ равишда икки ёки ундан ортиқ маъноларга эга бўлиб келади, баъзан бир ҳил модал маъно иккита турли ташқи белгилар орқали ифодаланади. Бунга мисол қилиб **we should come** бирикмасининг бирорта маъносини кўриб чиқамиз: I think we should come here again tomorrow. Бу гапда we should come

бирикмаси we ought to come гапига эквивалент бўлиб келади: Биз эртага яна келишимиз зарур деб ўйлайман.

We should come бирикмаси қуйидаги гапда бошқа маънога эга бўлиб келади: If we knew that he wants us we should come to see him. Бу гапда we should come бирикмаси маълум шарт-шароитга боғлиқ иш-ҳаракатни ифодалаб келади: У бизни кўрмоқчи эканлигини билганимизда эди, уни кўргани борар эдик.

Қуйидаги гапда we should come бирикмаси бошқа маънога эга бўлиб келади: How queer that we should come at the very moment when you were talking about us! Бу гапда we should come бирикмаси ҳақиқатдан содир бўлган иш-ҳаракатни ифодалаб келади: Сизлар биз ҳақимизда гаплашиб турганингизда бизнинг келиб қолганимиз нақадар ғалати ҳол бўлди.

Бу каби фикрлардан кўриниб турибдики, инглиз тилидаги шарт компонентли гипотаксемаларни ўзбек тилига ўгириш масаласи таржимондан юксак маҳорат талаб этади.

Шарт компонентли гипотаксемаларнинг лингводидактик жиҳатларига келсак, уларни муваффақиятли ўқитиш учун гипотаксемалар бўйича обдон ўйланган тил ва нутқ машқлари яратилиши ва улар бўйича талабалар шуғуллантирилиши мақсадга мувофиқ. Машқлар (тил ва нутқ машқлари назарда тутиляпти) барча турдаги гипотаксемалар бўйича тузулиб, олдин тил машқлари билан обдон ишланади, кейин эса нутқ машқлари билан иш кўрилади. Тизимли ишланганда кутилган натижани бериши мумкин. Инглиз тилидаги шарт компонентли гипотаксемаларнинг структурал-семантик турлари билан бир қаторда уларнинг лингвокультурологик ҳамда коммуникатив-прагматик жиҳатларини олий мактабларда ўқитишда интерактив методларнинг ахамияти бекиёс, чунки бундай методлар орқали ўқитиш жараёнида коммуникативлик тамойилига амал қилинади.

Шарт компонентли гипотаксемаларнинг тил тизимидаги ўрни, уларнинг умумий, хусусий ва қиёсий тадқиқи, бу турдаги гипотаксемаларнинг умумлисоний мақоми, уларнинг типологик жиҳатлари, шунингдек уларнинг

изоморфик ва алломорфик жиҳатларини ўрганиш мазкур синтактик бирликларининг ҳам назарий ҳам амалий жиҳатларини очиб беришга, уларни тақозо этувчи омилларни аниқлашга пухта замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Президент асарлари

1. Мирзиёев. Ш.М ПФ-4947-сонли Фармони Тошкент: 02.07.2017.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1998.

Фойдаланилган илмий адабиётлар рўйхати

4. Абдурахманов Г., Сулайманов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1979
5. Абдурахмонов Х., Рафиев А., Шодмонқулова Д. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи, 1992.
6. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. Л., 1979.
7. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского языка. М.: Просвещение, 1990.
8. Асқарова М.А Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Т.,ЎзФАА.1960
9. Бархударов Л.С. Структура простого предложения в современном английском языке. М., 1966
10. Бархударов Л.С., Штелинг Д.А. Грамматика английского языка. М.: Высшая школа, 1965.
11. Бўранов Дж.. Сравнительная типология английского и тюрских языков. М.: Высшая школа, 1983.
12. Бўронов Ж.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи, 1973.
13. Гордон Е.М. Крылова И. П. Грамматика современного английского языка. (A Grammar of Present-day English) – М.: Higher School Publishing House, 1986.
14. Гумбольдт. В. Избранные труды по языкознанию. М.: Прогресс, 1984.

15. Гурал С.К. Синергетика и лингвосинергетика // Томского государственного университета. Филология. № 302. 2007.
16. Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. М.: Высшая школа, 1982.
17. Кононов А.Н. История изучения тюркских языков в России. Л., Наука 1988
18. Кун. Т. Структура научных революций. М.: Высшая школа, 1977.
19. Леденев Ю. И. Системность и синергетика как факторы устойчивости языка / Язык, текст, дискурс. Выпуск 5. Ставрополь-Пятигорск, 2007.
20. Маслова. В.А. Лингвокультурология. М.: Асадемия, 2001.
21. Махмудов Н., Нурманов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи, 1995
22. Н.К.Дмитриев. Грамматика башкирского языка. –М. –Л, 1948
23. Степанов. Ю.С. В трехмерном пространстве языка. Семиотические проблемы лингвистики, философии, искусства. М.: Наука, 1985.
24. Турсунов. У. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент.Ўзбекистон. 1992.
25. Хошимов У., Бўронов Ж. Инглиз тили грамматикасининг норматив курси. Т.: Ўқитувчи, 1987.
26. Хошимов У., Бўронов Ж. Инглиз тили грамматикасининг норматив курси. Т.: Ўқитувчи, 1987.
27. Хошимов Ғ.М. Сложноподчиненные предложения с придаточными цели в разносистемных языках. – М. 1982
28. Хошимов Ғ. М. Типология сложных предложений разносистемных языков. – Т.: Фан, 1991
29. Хошимов Ғ. М. Типология сложного предложения в разносистемных языках. – Т. 2002
30. Шоабдурахманов Ш., Асқарова М. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм. Т. 1990

31. Юсупов У.К. Вклад языковедов Узбекистана в развитие сравнительного языковедения. Т.: 2006
32. Юсупов.У.К. Сравнительный анализ английских и узбекских сложноподчиненных предложений с придаточными условными. – Т. 1971
33. Юсупов У. К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т.: Фан, 2007.
34. Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1961.
35. Gordon E.M., Krilova I.P. A Grammar of Present-day English. M.: Higher School Publishing House. M., 1974.
36. Plysh B. The Structure of Modern English. L.: Prosvesheniye, 1971, 1974.
37. Kabrina N.A., Korneyeva E.A. An Outline of Modern English Syntax. M. 1965.P:180
38. Khaimovich B.S., Rogovskaya V.I. A Course in English Grammar. Высшая школа, М.1963.

Фойдаланилган бадиий ва публицистик адабиётлар рўйхати

1. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: Маънавият, 1998.
2. А.Конан. Дойл. Шерлок Холмс ва доктор Уотсоннинг саргузаштлари.Т:Янги аср авлоди, 2012
3. А.Қаххор. Сароб. Роман.Т.: “Шарқ”, 1995. 240 б.
4. А.Қодирий.Ўткан кунлар. Роман. “Шарқ”, 2013. 384 б.
5. А.Қодирий. Мехробдан чаён. Роман. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994
6. Донолар бисотидан.Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1976
7. П. Коело. Алкимёгар. Т.: Янги аср авлоди 2017.
8. П.Қодиров. Юлдузли тунлар.Т.: Ўқитувчи нашриёт матбуоти,2018.566.б
9. С.Ахмад. Уфқ. Трилогия. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 688 б.

10. Ч. Айтматов. Асрга татигулик кун. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989
11. Ўзбек халқ мақоллари–Т. "Шарқ", 2012.
12. Ў. Ҳошимов. Танланган асарлар VI –Т.: "Шарқ", 2012.
13. Collins Harry. 101 American English Proverb. Published by Passport Books, 1992.
14. Ch. Dickens. Oliver Twist. Penguin Books Paperback, 2003.608 .
15. E. Hemingway. A Farewell to Arms. – Л.: Просвещение, 1971
16. E. Hemingway. Selected stories. – М.: Progress Publishers, 1971
17. W. Collins. The woman in white М.: Visshaya shkola, 1973

Лексикографик манбалар

1. Hornby, A. S., & Wehmeier, S. (Ed.). (2000). Oxford's advanced learner's dictionary of current English (6th ed.). Oxford: Oxford University Press
2. Rundell, M., & Fox, G. (Eds.). (2002). Macmillan English dictionary for advanced learners. Oxford: Macmillan Education.
3. Sage, V. (Ed.). (2004). Collins COBUILD advanced learner's English dictionary (4th ed.). Glasgow, Scotland: HarperCollins.
4. Shaffer, D. E. (2003). [Review of Cambridge advanced learner's dictionary]. Korea TESOL Journal, 6(1), 161-166.
5. Summers, D. (Ed.). (2003). Longman dictionary of contemporary English (4th ed.). Harlow, England: Pearson Education

Интернет манбалари:

1. www.ego4u.com/.../conditional-sentences
2. www.unc.edu/depts/.../conditional.html
3. www.e-grammar.org/if-clauses/
4. www.englishpractice.com/.../clauses
5. www.lks.ac.th/teacher.../ex_if_clauses.html
6. www.slideshare.net/.../if-clauses
7. www.getenglishlessons.com/.../if-clauses-conditional-would-song-worksheet/
8. www.english-hilfen.de/en/.../if.htm

9. www.sdc.uwo.ca/writing/handouts/Conditional%20Sentence.pdf
10. www.alexkoshelev.shaturalyceum.edusite.ru/.../conditionalsentences.ppt
11. www.myenglishpages.com/.../grammar-lesson-conditionals.php
12. www.dictionary.cambridge.org/grammar/british-grammar/

Қисқартмалар

- 1) ККГ- Кондиционал компонентли гипотаксема
- 2) Sb Cl-Subordinate Clause
- 3) Pr Cl- Principal Clause
- 4) N-Noun
- 5) Prg- Pronoun group
- 6) Vg- Verb group
- 7) V-Verb